

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ  
ФАКУЛЬТЕТИ**

**З.Н.ТЎРАЕВ, О.А.РЎЗИЕВ,  
А.А.АВЛИЯҚУЛОВ, С.Р. БЕРДИЕВ**

**Халқаро туризм ва унинг  
ривожланиши**

**Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув  
кўлланма**

**Термиз 2009**

## Такризчилар:

- Э.Қ.Бозоров - Термиз давлат университети Иқисодиёт кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди
- А.Бўриев - Ўзбектуризм МК Сурхондарё вилояти сайёҳлик экскурсия бюроси бошлиғи
- О.Қ.Хатамов - Термиз давлат университети доценти, иқтисод фанлари номзоди

**З.Н.Тўраев, О.А.Рўзиёв,  
А.А.Авлиёқулов, С.Р.Бердиев**

Халқаро туризм ва унинг ривожланиши олий ўқув юртлари ва кизиқувчилар учун қўлланма./ З.Н.Тўраев, О.А.Рўзиёв, А.А.Авлиёқулов, С.Р.Бердиев; Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Термиз давлат университети Ижтимоий-иқтисодий факультети. – Тер.: Офис Арт Дизайн, 2009 й. 120 бет.

Ушбу ўқув қўлланмада туризм ривожланиши жумладан халқаро туризмнинг минтақалар бўйича ривожланиш тенденциялари, уни ривожлантириш бўйича мамлакатимизда мавжуд имкониятлар, амалга оширилаётган ислохотлар, Сурхондарё вилоятида ривожлантириш имкониятлари, мавжуд муаммолар акс этган бўлиб, олий ўқув юртлари талабалари, касб ҳунар коллежлари талабалари, туризм соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган мутахассислар учун тавсия этилади.

© Office Art Dizayn, 2009 й

## Кириш

Туризм жаҳон иқтисодиётининг динамик ривожланиб бораётган самарадорлик кўрсаткичи юқори бўлган асосий тармоғи ҳисобланади. Айниқса мамлакат валюта тушумлари ва ташқи алоқаларда экспортнинг етакчи кўринишларидан бири сифатида унинг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Жаҳон миқёсида интеграция жараёнлари ва мамлакатлар иқтисодиётининг ягона иқтисодий маконда яхлит тизим сифатида шаклланиб бораётганлиги сабабли глобаллашув жараёнлари мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Республикамызда туризм соҳасини ривожлантириш ҳозирги кунда энг устивор соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Шу боис туризм айниқса халқаро туризм ривожланишига ҳукумат даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу қўлланма туризмнинг назарий жиҳатларига, унинг ривожланиш тарихига айниқса минтақаларда халқаро туризм ривожланиши жараёнларининг бориши, республикамызда, хусусан Сурхондарё вилоятида туризм ривожланиш учун мавжуд имкониятлар ва ривожланиш истиқболлари очиқ берилган.

Туризмни ривожлантириш бўйича Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини бажариш Республикамызда туризм ривожланиши учун ҳуқуқий асос бўлиб, мавжуд улкан имкониятлардан оқилона фойдалана билиш лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида ва бозор муносабатлари ривожланиши натижасида Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар юзага келаётганлиги, туризмнинг республика иқтисодиётига янада интеграциялашуви мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси чет эллик туристлар эътиборини ўзига тортади. Халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистонда мавжуд бўлган сиёсий барқарорлик ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда халқаро туризмни янада юқори босқичга кўтаришда 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Туризм тўғрисида”ги қонун алоҳида ўрин тутади. Бу қонун туризмни кучайтириш ва туризмга хизмат қилиши лозим бўлган инфраструктурани вужудга келтириш имконини беради.

# **I боб Туризм ривожланишининг назарий жиҳатлари ва тарихий эволюцияси**

## **1. Туризм тушунчасининг моҳияти**

Жаҳон халқларининг тилида «туризм» тушунчаси латин тилидан *tourmus* айлана бўйлаб ҳаракат мазмунини беради. Баъзан французча *tour* яъни кетган жойга қайтиб келиш мақсадида қайтиб қилинган саёҳат ҳам деб тушунилади. Туризм ҳақидаги тушунчаларни туркумлаб ҳозирги даврда кўйидагича изоҳлаш мумкин. Туризм одамларни доимий яшаш жойларидан соғломлаштириш, ўрганиш ёки касблари бўйича ҳақ тўланмайдиган фаолият сифатида вақтинча мамлакатдан чиқишларидир.

XIV асрдаги луғатда қизиқарлироқ бўлган маълумот бор «завқ олиш учун қиладиган иши бўлмагани учун, ҳаттоки кейинчалик мақтаниб юриш учун саёҳат қилувчи ғаройиб одамлар»- деган таъриф мавжуд.

Вебстер тузган луғатда «турист» сўзига «завқ олиш ёки қизиқувчанлик юзасидан саёҳат қилувчи киши» деб таъриф берилган. Саёҳат ва туризм бизнеснинг бир-бирига алоқадор соҳалар мажмуи бўлиб, улар саёҳатчиларга у ёки бу тарзда хизмат қиладди. Бу ишда саёҳатчилар агентлигининг муҳимлиги барчага бирдек аён. Бевосита бу ишга авиакомпаниялар ҳам жалб қилинади. Шунингдек, машина ижараси, темир йўллар, автобус босиб ўтадиган йўллари, меҳмонхона ва ресторанлар масаласи ҳам муҳимдир. Ушбу гуруҳнинг жами туризм тузилмасини ташкил қиладди. Бошқа омиллар реклама, ҳукумат сиёсати, умумий иқтисодий шароит, валюта курси, давлатларнинг ўзаро муносабатлари, дам олиш жойининг хавфсизлиги ва обрў эътибори ҳам албатта туристик бизнес муваффақиятига таъсир кўрсатади. Туризм тарихи иқтисодиёт, технология ва жамият тарихи билан узвий боғлиқ. Саёҳат технологиясининг ривожини саёҳатнинг тезлиги қулайлиги ва баҳосини ўзгартирибгина қолмай, балки жамият ва иқтисодиётга ҳам таъсир ўтказади. Саёҳат XX асрда автомобил ва реактив двигателли самолётлар ҳисобига замонавий тус олди. Лекин қадим замонларда ҳам саёҳат савдо-сотиқ, жангу-жадал ва диний мақсадларда уюштириб турилган.

Ватанизм ва хориж илмий адабиётларида туризмнинг таърифлари миқдори жуда кўп. Бунда кўплаб муаллифлар туризмни танишув, маданий ва таълим жиҳатидан тарифлашади.

Хорижий адабиётларда туризмнинг умумий муаммоларини тўғри тушуниш учун фақат тизимли ёндошиш орқали мақсадга эришиш мумкин дея таъкидлашади. Француз тадқиқотчиси Каспар туризмнинг технологик, сиёсий, экологик, ижтимоий, иқтисодий ўзаро алоқаларини аниқлаб олишни таклиф этади.

Туризм масалалари бўйича халқаро масалҳатчи К.Рихтер соҳага умумий таъриф бериб, доимий яшаш ва иш жойидан бошқа жойда бўлиш,

инсонларнинг саёхат қилиши билан боғлиқ ўзаро алоқалар ва ҳолатлар комплекси сифатида тавсифлайди<sup>1</sup>.

Бунда К.Рихтер туризм тадқиқотларининг алоҳида йўналишларини ажратиб кўрсатади ва у иқтисодий фан учун қизиқарли бўлиб, сайёҳлар учун ишлаб чиқариладиган ўзига хос товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи субъект фаолиятини ўрганган. Бу эса сайёҳлик талаби ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқ.

1975 йилда ташкил этилган ҳукуматлараро Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти «ташриф буюрувчи» тушунчасини ишлатганда икки гуруҳ оқимни ажратишни тавсия этган. Бу оқимлар:

- сайёҳ, яъни 24 соат муддатдан кам бўлмаган муддатда дам олиш, даволаниш, ўқув ёки диний фаолият, ишбилармонлик учрашуви ёки спорт мусобақаларида иштирок этиш ҳамда қариндошлар билан учрашиш мақсадида яшаш жойини тарк этган киши;
- экскурсант, ташриф буюрган мамлакатда 24 соатдан кам бўлмаган муддатда бўлиб турган вақтинчалик ташриф буюрувчи. Бу дунё бўйлаб саёхатга чиққан кема йўловчиси бўлиб, портга келгандан сўнг экскурсия қилувчи кишидир. Бу тоифага ҳаво йўловчиларини киритмайдилар, ҳукуқий жиҳатдан бу йўловчилар чегарани кесиб ўтмайди.

Бу ҳолатни П.Г.Олдак умумлаштириб қуйидагича таърифлайди: «туризм деганда ҳозирги замон тушунчаси бўйича яшаш ва ишлаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлмаган аҳолининг барча ҳаракати турлари тушунилади...»<sup>2</sup>.

Туризм — алоҳида иқтисодий тармоқ, ўз ривожланиш иқтисодий қонунларига эга бўлган хизмат кўрсатувчи тармоқ бўлиб, ўзига кўп ташкилотларни бириктирган фаолият кўрсатувчи соҳадир<sup>3</sup>. 1989 йилдаги туризм бўйича Гаага декларациясида туризм тушунчаси: «бу доимий яшаш ва иш жойидан кишиларнинг ҳар қандай эркин кўчиб юриши, шунингдек, ушбу кўчиб юришлар оқибатида вужудга келадиган эҳтиёжларни қондириш учун хизмат кўрсатиш соҳасини яратишдир» деб талқин этилади.

Туризмга доир Америка дарсликларида «туризм — халқларнинг ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган фаолият; мамлакатларга валюта тушуми манбаи; хизмат кўрсатиш соҳасидаги учинчи индустрия» тарзида таъриф берилди. Профессор Каролин Купернинг фикрига кўра, «туризм — халқаро миқёсда самарали рақобат кураши олиб бориш учун зарур бўлган, валюта оқимини вужудга келтиришда қўлланиши мумкин бўлган қудратли иқтисодий қуролдир». Америка профессори Жон Вокер «туризм - бу фан, санъат ва бизнес, хурсандчилик учун саёхат қилаётган ва иш юзасидан келган

<sup>1</sup> Richter Ch., "Tourisme services", Giarimi O., "The emerging services economy". Pergamon Press., 1987., pp. 216.

<sup>2</sup> 1.84. Развитие индустрии туризма в СССР. Материалы научной конференции. Новосибирск: 1968. стр 4

<sup>3</sup> Ташмурадов Т. Экономика международного туризма (учебник), Ташкент, ТашГЭУ; 1995, 83 стр.

кишиларни жалб қилиш, жойлаштириш ва кўнглини очишдир» деб таъриф беради. БМТ Статистика Комиссияси «туризм — саёҳат қиладиган ва дам олиш учун, иш ва бошқа мақсадлар билан бир йўла бир йилдан ошмайдиган давр мобайнида одатдаги муҳитдан ташқарида бўлган жойларга келишни амалга оширадиган шахсларнинг фаолиятини қамраб олади» деб ҳисоблайди<sup>1</sup>. Экспертларнинг фикрича, ушбу кенг концепциядан фойдаланиш туризмни мамлакатлар ўртасида, шунингдек бир мамлакат доирасида ажратиш имконини беради. «Туризм» таъриф буюрувчилар фаолиятининг барча турларига, жумладан ётиб қолувчи келувчиларга ва бир кунга келувчиларга ҳам тегишли бўлади. Иқтисодий адабиётларда туризмга турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, унинг моҳияти турлича талқин этилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Сайёҳлик ва туризм статистикаси бўйича Халқаро конференциясининг 1992 йилда Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти тасдиқлаган ҳужжатларида «Туризм бу — саёҳатлар ва саёҳатчининг одатдаги муҳит доирасидан ташқарида бўлган жойларга узоғи билан 12 ой муддатга ўша ерда ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишидан ташқари ҳар қандай мақсадда келишидир»<sup>2</sup>, деб таъриф берилади. «Россия Федерациясида туризм фаолиятининг асослари тўғрисида»ги қонунига (1999 й) мувофиқ «туризм — бу... фуқароларнинг истиқомат жойидан, соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий, спорт, диний ва бошқа мақсадларда вақтинчалик борилган мамлакатда (жойда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда вақтинчалик жўнаб кетиши (саёҳат қилишлари)дир»<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунида, «туризм жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда бир йилдан ошмаган муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) дир» деб таъкидланади.

Туризмнинг илк мақсади табиатни ўрганишдан бошланган бўлиб, унга француз олими, тадқиқотчиси Пифий асос солди (келиб чиқиши Массаллик - ҳозирги Марсел). У эраиздан авалги 320 йилда саёҳатни таълим манбаи сифатида илк бор исботлади, ўзи тажриба ўтказди ва саёҳат қилиб кўп билимларга эришди. Туризмнинг инсон билим даражасини оширишдаги илмий ўрнини асослади.

Савдогарларнинг қарвон тузиб бошқа давлатларга саёҳат қилиши ҳам туризмга мансуб бўлиб, уларнинг мақсади савдо-сотиқ ҳисобланган. Араб олими Ибн Халдуннинг (1200—1300 йиллар) фикрича, саёҳат ва туризм - давлат миқёсида товар савдосини ривожлантириш манбаи бўлиб, қарвонсаройлар қуриш, савдогарлар орқали давлатга қўшимча даромад келади, демакдир. Америка иқтисодчиси П. Ротоу биринчилардан бўлиб туризмга иқтисодий воқелик сифатида эътибор берди, у туризмни

<sup>1</sup> 19 сессия Статкомиссии ООН, 1978, 27 сессия, 1993 г.

<sup>2</sup> Туристическая деловая газета. TTG Russia, 1999, №67 p.17

<sup>3</sup> «Россия Федерациясида туризм фаолиятининг асослари тўғрисида»ги қонуни

мамлакатлар ривожланишининг иқтисодий босқичлари ва уларда туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ўртасидаги корреляцияни аниқлади.

Ҳозирги вақтда туризмнинг иқтисодиётга таъсир қилиш модели назарий концепцияларга ва гипотеза (тахмин)ларга эмас, балки статистик маълумотларга асосланади. П. Ротоу амалда туризм иқтисодиёти тарафдорларининг барчаси томонидан эътироф қилинади. Ҳақиқатан жаҳон туризми ва иқтисодиётининг туб ўзгаришларига қарамасдан, 1959 йилдан бошлаб П. Ротоу гипотезаси янги статистик маълумотлар ва ҳозирги замон тамойиллари билан тасдиқланиши давом этмоқда.

Бугунги кунда халқаро туризмнинг асосий марказлари иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда жойлашган, бу ерда туризм «ўрта синф» равақининг белгиларидан бири ва оммавий истеъмол маҳсулоти бўлиб қолди. П. Ротоу башорат қилганидек, ривожланаётган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасида даромадни кўпайтириш воситаси, маҳаллий аҳоли бандлигининг ва инфратузилма ривожланишининг воситаси сифатида ички туризм тез ривожланмоқда. Чет эл туризми хорижий инвестициялар бўлган тақдирда ривожланмоқда.

Олимларнинг туризм тўғрисидаги фикрларини асосан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин - туризм бу: дунёни билиш механизми, савдосотиқ қилиш усули, фойда олиш манбаи, маданиятни ошириш йўли, билим олиш усули, валюта ишлаш манбаи. Туркия туризм университетининг профессори Орхан Калкан (1960 й) туризмни инсон соғлиғини яхшилаш ва умрини чўзиш манбаи эканлигини эътироф этган. Бу назария кўп йиллар ўзини оқлади ва кўплаб давлатлар ўз меҳмонхона индустрияларини ривожлантиришди. Бу борада кўпгина Европа олимлари ҳам фикр билдиришган - Майкл Макналти, Шен Браун, Генри Урбанский, Брюс Силнер, Роберт Доун, Каролин Купер ва Америка профессори Жон Вокерлар.

Туризм тўғрисида иқтисодчи олимлар турлича илмий ва назарий фикрлари билдиришган.

Араб олими Ибн Халдуннинг (1200—1300 йиллар) фикрича, саёҳат ва туризм - давлат миқёсида товар савдосини ривожлантириш манбаи, карвонсаройлар қуриш савдогарлар орқали давлатга кўшимча даромадларни кўзлаш демакдир<sup>1</sup>.

А. Смитнинг (1776 й) мутлақ устунлик назарияси - айрим мамлакатларнинг табиий ресурслари ва иқлимга боғлиқ бўлган табиий устунлиги туфайли туризм бу давлатларда юқори суръатлар билан ривожланади.

Томас Кук — туризм даромад манбаи эканлигини амалиётда илк бор исботлади. Кук 1860 йилда Лондонда ўзининг биринчи туристик корхонасини очди ва бу корхона Thomas Cook Travel номини олди. Кукнинг

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Международный туризм: справочник менеджера (учебное пособие). Ташкент, ТашГЭУ, 1993, 84 стр.

фирмаси 20 йил ичида фаолиятини кенгайтириб Шимолий Америкага ҳам саёҳат уюштирди.

Америка иқтисодчиси П. Ротоу (1950 й) биринчилардан бўлиб, туризмга иқтисодий воқелик сифатида эътибор бериб, туризм даромадининг жамият бойлиги ўртасидаги корреляцияни (иқтисодий боғланишни) аниқлади.

Туркия туризм университетининг профессори Орхан Калкан (1960-й.) туризмни инсон соғлиғини яхшилаш ва умрини чўзиш манбайи эканлигини эътироф этган.

Америка профессори Жон Вокер ва профессор Каролин Купер фикрига кўра, туризм - халқаро даражада валюта оқимини вужудга келтиришда кўлланиши мумкин бўлган қудратли иқтисодий қуролдир, дея ҳисоблашган.

Хекшер-Олин назарияси кўп капиталга эга бўлган мамлакатлар кўп капитал талаб қиладиган товарларни экспорт қилиши ва кўп меҳнат талаб қиладиган товарларни ва туризм хизматларини импорт қилишини исботлаган.

Ҳозирги вақтда туризмни валюта бойлиги сифатида талқин қиладиган олимлар монетаристлар гуруҳи бўлиб, уларнинг фикрича, туризм албатта, халқаро бизнес бўлиб, иқтисодий натижаси бошқа давлатдан валюта олиб келганлиги билан ўлчаниши лозим.

Туризмнинг ривожланишини ўрганишда эмпирик тадқиқотлар билан кўллаб-қувватланадиган таҳлилнинг назарий усулига таяниш лозим. Халқаро савдо ва халқаро молия назариялари жуда самарали бўлиб, улар биргаликда жаҳон хўжалиги алоқаларининг иқтисодий назариясини ташкил этади.

Иқтисодий назарияда туристик алмашинувда мамлакат мавқеини, туристик хизматларнинг халқаро тақсимотини ва ривожланиш йўналишларини тушунтириб берувчи назариялар мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- мутлақ устунлик назарияси;
- қиёсий устунлик назарияси;
- омиллар нисбати назарияси;
- маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли назарияси;
- мамлакатларнинг ўхшашлик назарияси.

А. Смитнинг (1776 й) мутлақ устунлик назарияси — айрим мамлакатларнинг табиий ресурслари ва иқлимга боғлиқ бўлган табиий устунлиги туфайли туризмнинг бу давлатларда юқори суръатлар билан ривожланиш имконияти яратилади, шунингдек, технологиянинг ривожланиши ва меҳнат ресурсларининг малакавий устунлиги асосида вужудга келган экспортнинг монополлашуви билан мос келади. 1776 йили А.Смит «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқот» китобида мамлакатнинг бойлиги унда мавжуд бўлган товарлар ва хизматларга асосланади, дея таъкидлаган. У шунингдек, агар мамлакатлар ўртасидаги савдо чекланмаса, у ҳолда ҳар бир мамлакат ўзи мутлақ устунликка эга бўлган ишлаб чиқаришга ихтисослаша бошлашини исбот қилиб беради. Бунга Италияда - керамика маҳсулотлари, Францияда - вино,



Германияда - кимё саноати, Японияда - электроника, ахборот технологиялари, АҚШда - автомобилсозлик ва ҳоказо соҳалардаги экспорт ютуқларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Мутлақ устунлик назарияси халқаро туризмда ҳам муҳим рол ўйнайди. Ҳақиқатан айрим мамлакатлар, нодир туристик ресурсларга, кам учрайдиган табиий жойларга эга. Масалан, АҚШда - Ниагара шаршараси, Непалда - Жомолунгма, Миср эҳромлари, Ҳиндистон Тоғ Махали, Грецияда Акропол, Италияда Колизей, Ўзбекистонда Самарқанд, Бухоро, Урганч. Ноёб табиат ёдгорликлари ва инсон томонидан яратилган Санъат асарлари у ёки бу мамлакатнинг монопол ҳолатини белгилайди ҳамда чет эл туристларида уларга келиш учун қизиқиш уйғотади.

Профессор Каролин Купернинг фикрига кўра, «туризм - халқаро даражада самарали рақобат кураши олиб бориш учун зарур бўлган валюта оқимини яратишни вужудга келтиришда қўлланиши мумкин бўлган қудратли иқтисодий қуролдир»; Америка профессори Жон Вокер «туризм - бу фан, санъат ва бизнес, хурсандчилик учун саёҳат қилаётган ва иш юзасидан келган кишиларни жалб қилиш, жойлаштириш ва кўнгилни очишдир», деб таъриф беради.

Туризм тушунчасига таъриф бериш учун авал унинг жараён сифатида белгиларини ажратиш керак.

1. **Жой ўзгартирилиши.** Бу ерда мулоҳаза оддий муҳитдан ташқарида бўлган жойга йўл сафари ҳақида бормоқда (уйдан иш жойигача бўлган йўл сафари бундан истисно).

2. **Бошқа бир жойга келиб жойлашиш.** Бу ерда асосий жойлашиш ўрни доимий ёки узоқ муддатга (жойлашиш 12 ойдан ошмаслиги керак) мўлжалланмаслигидан иборат.

3. **Зиёрат манзилгоҳидаги манбадан меҳнат тўлови.** Сафарнинг асосий мақсади, зиёрат манзилгоҳидаги манбадан тўланадиган меҳнат фаолиятини амалга оширишдан иборат эмас (бундай шахслар сайёҳлар эмас, балки мигрантлар ҳисобланади).

Демак, туризм бу муносабатлар, алоқалар ва воқеа-ҳодисалар билан биргаликда одамларнинг йўл сафари, уларнинг доимий ёки узоқ муддатга мўлжалланмаган жойлашуви ва уларнинг меҳнат фаолиятига боғлиқ бўлмаган мажмуадан иборат. «Туризм» сўзи «Гранд Тур» (Катта саёҳат) иборасидан келиб чиққан бўлиб, бошқа маданиятлар билан танишувга мўлжалланган сафар тушунилади.

Туризм, шу жумладан, туркорхоналар ва биринчи навбатда туризм ташкилотчилари ҳамда воситачилари фаолиятдан иборат. Шундай қилиб, туризм бу иқтисоднинг бошқарилиши керак бўлган ва ўз ичига туризм ташкилотчилари ва воситачиларининг фаолиятини қамраб олувчи тармоқдир. Саёҳат ва туризм (travel and tourism) — бир-бири билан боғлиқ тушунча бўлиб, улар инсон ҳаёт фаолиятининг маълум бир тарзини ифодалайди. Бу дам олиш, фаол ёки пассив кўнгилочарлик, спорт, атроф-муҳитни англаш, савдо, фан, даволаниш ва бошқа кўплаб нарсани қамраб олади. Бироқ, бунда ҳар сафар саёҳатни бошқа фаолият турларидан ажратиш турувчи ўзига хос

ҳаракат — инсоннинг вақтинчалик бошқа жойга, мамлакатга, қитъага бориши, унинг доимий яшаш жойидан узоқлашиши назарда тутилади.

Саёҳат — умумий тушунча маъносига эга атама бўлиб, одамларнинг мақсадларидан қатъи назар, замон ва маконда кўчиб юришини англатади. Саёҳатлар айрим шахслар томонидан алоҳида, ягона мақсад ва қизиқишга эга бўлган шахслар томонидан экспедициялар, жумладан, ҳарбий экспедициялар тузган ҳолда амалга оширилиб, улар таркибида юзлаб ва ҳатто минглаб мутахассислар, дипломатлар, мигрантлар ва кўчиб келувчилар бўлиши мумкин. Денгиз, ҳаво ва бошқа транспорт воситалари экипажлари йиллаб ўз уйларида бўлмайдилар. Шу тариқа, саёҳат турмуш тарзи, иш, дам олиш бўлиши мумкин.

**Туризм** — саёҳатларнинг бир тури бўлсада, бироқ ўзига хос жиҳатларга, маълум бир тавсифномага эга бўлиб, унда иштирок этувчи шахс турист деб номланади. Саёҳатлардан фарқли равишда, туризм иқтисодиёт ва сиёсатнинг кучли таъсирига учрайдиган тоифа бўлиб, бунинг устига ички табиий ҳодиса дуализмига эга<sup>1</sup>.

**Туризм:**

- туристлар томонидан амалга оширилувчи, аниқ белгиланган туристик мақсадларга эга оммавий саёҳатлар тури, яъни туристнинг фаолияти;
- саёҳатларни уюштириш ва амалга ошириш бўйича туристик фаолият. Бундай фаолият турли хил туристик саноат корхоналари ва улар билан боғлиқ тармоқлар томонидан амалга оширилади. Туризм тушунчасига таъриф беришдан авал туризмнинг жараён сифатида белгиларини ажратиб олиш зарур.

**Жой ўзгартирилиши:** оддий муҳитдан ташқарида бўлган жойга йўл сафари (уйдан иш жойигача бўлган йўл сафари бундан истисно).

Бошқа бир жойга келиб жойлашиш. Бу ерда асосий шарт: жойлашиш жойи доимий, узоқ муддатга мўлжалланган бўлмаслиги (жойлашиш 12 ойдан ошмаслиги керак.)

Зиёрат манзилгоҳидаги манбадан меҳнат тўлови, сафарнинг асосий мақсади зиёрат манзилгоҳидаги манбадан тўланадиган меҳнат фаолиятини амалга оширишдан иборат эмас (бундай шахслар сайёҳлар эмас, мигрантлар деб ҳисобланади).

Туристик корхоналар бирор муддат мобайнида саёҳат қилиш ва жойлашиш эҳтиёжларини қондирадиган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарадиган иқтисодий корхонадир. Турли хил эҳтиёжлардан иборат бўлган туризм талабини қондирадиган корхоналарнинг сони ва бир-бирларидан фарқлилигига кўра уларни таснифлаш зарурияти туғилади. Улар қуйидагича таснифланади:

Фойдани кўзловчи, яъни фойда олиш мақсади бўлган туристик корхоналар ва фойда олиш мақсади бўлмаган туристик корхоналар. Туризмга тўғридан тўғри хизмат кўрсатган, яъни бевосита ва билвосита хизмат қилган корхоналар. Фаолият турига кўра, яъни товар ва хизматлар ишлаб

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Экономика международного туризма, Т., ТашГЭУ, 1995, 83 стр.

чиқарадиган ва уларни сотиш билан шуғулланадиган туристик корхоналар. Миллий ва халқаро туристик корхоналар, хусусий, давлат ва аралаш мулк турларига кўра фарқланувчи, туристларнинг асосий эҳтиёжларини ва кўшимча эҳтиёжларини қондирадиган туристик корхоналар каби турларга ажратилади.

Вақтинчалик доимий яшаш жойидан ташқарида жойлашиш ва овқатланиш ва бошқа хизмат кўрсатувчи корхоналар хизматларидан фойдаланувчи туристлар мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшади. Туризм фуқароларга туристик хизмат кўрсатиш ҳақидаги амалий фанлар тизимидир. Бу фанлар туризмнинг икки бўғинини — тармоқ ва туристик хўжалик фаолияти юритувчи субъектларни (туристик корхона) ўз ичига олади<sup>1</sup>.

Бутунжаҳон Туризм Ташкилотининг таърифлашича, туризм — бўш вақтда саёҳат қилиш, фаол дам олиш турларидан бири бўлиб, маълум бир хатти-ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, дам олишга бошқа турдаги кўнгил очишлар ва соғликни тиклаш ҳам мансуб бўлиб, улар асосан стационар комплексларда (рекреацион ҳудудлар, дискотека, казино, концерт заллари ва ҳоказолар) амалга оширилади ҳамда мақсадлари кўнгил ёзиш, ўқитиш ва шоп-хизматлар бўлган тур элементларидан бири вазифасини бажаради.

Турист — бирон-бир мамлакатга (жойга) саломатлигини тиклаш, танишиш, касб ва ишбилармонлик, спорт, диний ва бошқа мақсадларда пул тўланувчи фаолият билан машғул бўлмасдан, 25 соатдан 6 ойгача камида бир кеча тунаган ҳолда ташриф буюрувчи фуқародир.

Юқоридаги таърифлардан кўришиб турибдики, битта атама турлича талқин қилинади ҳамда минтақаларда туризм саноатининг аҳволини баҳолаш ва таҳлил қилишни қийинлаштиради.

Маълум белгилар бўйича туристлар бошқа саёҳат қилувчилардан фарқланади. Турист доимий яшаш масканларидан ташқари чиқувчи сайёҳ, бунда туристлар тоифасидан ҳар куни қатновчи шахсларни чиқариб ташлаш лозим. Жойларда бўлиш муддати экскурсиячи — туристларни резидент ва муҳожирлардан фарқлаш имконини беради.

Сўнгги йилларда махсус адабиётларда қўлланаётган «туристик» сифати билан қўлланувчи тушунчаларни аниқлаш (изоҳлаш)дан олдин улардан фойдаланиш қоидаларини аниқлаш зарур.

Турист туристик маҳсулот, туристик хизмат ва турнинг истеъмолчисидир. У бирор жой, аҳоли пункти, ҳудуд ёки мамлакатда унинг фуқаролиги, миллати, жинси, тили, динидан қатъи назар 24 соатдан кам бўлмаган ва 6 ойдан кўп бўлмаган муддатда турувчи, вақтинчалик турувчи ёки ўз мамлакатидан ташқарида жамоавий ёки индивидуал тарзда камида бир марта тунашни амалга оширувчи жойлашиш, ҳордиқ чиқариш учун саёҳат

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Халқаро туризм иқтисоди (дарслик), Т.-: ТошДИУ, 2000-й. 206-бет.

қилиш, даволаниш, мақсадли фаолиятни амалга оширувчи бўлиб, борган жойида ҳақ тўланадиган бирор юмуш билан шуғулланмаслиги керак<sup>1</sup>.

Турист бўлмаса туризм ҳам бўлмайди. Кўплаб жамоат ташкилотлари истеъмолчилар ҳуқуқий ҳимояси масаласи билан шуғулланади. Истеъмолчи дам олиш шароитларига талабдан келиб чиқиб муносабатда бўлади ва ҳақи тўланган хизмат бажарилмаганида ёки бу хизмат сифатининг ваъда берилгани билан мос тушмаса шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, энг талабчан гуруҳ немис туристлари ҳисобланади. Германияда ҳар йили туристик фирмаларга компенсация талаб қилиб 500 дан зиёд шикоятлар тушади. Мамлакатда шу каби масалаларни ҳал этиш билан шуғулланувчи махсус воситачилар мавжуд.

Турили мамлакат туристлари характерлари ва туристик маҳсулотни истеъмол қилишдан мақсадлари кўп даражада умумий бўлишига қарамасдан, муҳим фарқларга ҳам эга. Бундай фарқларнинг моҳияти улар учун ҳаёт тарзи ва дам олиш одати, туристик ресурслар билан танишлиги ва ахборотнинг чуқурлиги, тарихни билиши, реалликни объектив қабул қилиш қобилияти ва ушбу туристик марказда мавжуд бўлган туристик ресурслар, имкониятлардан фойдаланишига боғлиқ.

Туристларни, айниқса, хориж туристларини қабул қилиш, туристик ресурслардан самарали фойдаланиш учун уларнинг ҳаёт тарзини, миллий характери хусусиятларини, тайёргарлик даражаси ва туристик қизиқиш объектини қабул қилиш имкониятини батафсил ўрганиш зарур.

Бу барча кўрсаткичлар ва характеристикалар туристик маҳсулот, хизмат ҳажми ва даражаси, экскурсия матнлари кабиларни лойиҳалашда ҳисобга олинади. Ҳозирги кунда энг кўп тарқалган тадқиқот шакли — туристик марказлар ва ҳудудларга туристлар келиши ва кетишининг расмий статистик тўплами, туристик оқимларни, ҳаракат қилиш усули, туристлар эҳтиёжлари ва уларнинг тўловга қобиллиги, хусусан, туристларни қабул қилиш, туристик фаолиятнинг бошқа таҳлиллари, асосан ушбу ҳудуд учун туризм даромадлилиги бўйича махсус тадқиқотлардир.

Турист моддий ва маънавий туристик маҳсулотларнинг истеъмолчисидир. Моддий туристик маҳсулотлар — туристларни жойлаштириш, олиб юриш, овқатлантириш, маиший хизматлар кўрсатиш шохобчалари, тарихий ва маданий ёдгорликлар ва уларда кўрсатиладиган барча моддий хизматлар мажмуидир<sup>2</sup>. Маънавий туристик маҳсулотлар эса — тарихий туризмда туристларни тарихий ва маданий ёдгорликлар билан таништириш мақсадида гид-экскурсоводлар томонидан уларга берилган тарихий маълумотлар ва ахборотлар, маданий туризмда туристларга фестиваллар, карнаваллар, томошалар, концертлар, театрлар, дорбозлар, циркларда берилган маданий озуқа, руҳий кечинмалар. Моддий туристик маҳсулотлардаги жойлаштириш тизимининг ўзида туристлар бевосита бир

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Экономика международного туризма, Т., ТашИНХ. 1987, 189 стр.

<sup>2</sup> Ташмурадов Т. Международный туризм: справочник менеджера (учебное пособие), Ташкент, ТашГЭУ, 1993, 84 стр.

катор туристик хизматларнинг истеъмолчисидирлар. Олиб юриш ва овқатлантириш тизимида ҳам туристларга катор хизматлар мажмуи кўрсатилади.

Мазкур моддий ва маънавий туристик маҳсулотлардан туристлар қониқиш ҳосил қилмаса, ушбу туристик истеъмоллар яроқсиз ва қисман яроқсиз ҳисобланади. Ўз навбатида туристлар қонун талаблари билан ҳақ-хуқуқларини кондириш юзасидан турагентларга мурожаат қилишлари мумкин. Шартномада туристлар томонидан кўрсатилган барча шартлар тўлиқ бажарилиши лозим. Чунки туристлар мазкур турмаҳсулотлар учун олдиндан ўз маблағларидан пул тўлаб қўйишган. Демак, улар дўконлардан маҳсулот сотиб олган кишилар каби истеъмолчидирлар. Ҳудуд ёки мамлакатга бир келишда 6 ойдан кўп муддатга келувчи шахс турист ҳисобланмайди ва туризм статистикасида ҳисобга олинмайди.

Саёҳатчилик биринчи навбатда касб бўлиб, одамларнинг касби ёки кун кўриш манбаи саёҳатда иштирок этувчиларнинг турмуш тарзига айланиши мумкин. Бу эса фаолиятнинг мақсади бўлиб, туризм мақсадларидан фарқ қилади. Бугунги кунда бўш вақт ва етарли маблағга эга бўлган деярли ҳар бир шахс жаҳон бўйлабтурли транспорт воситаларида сайр қилиши, дунёнинг инсон оёғи етмаган нуқталарига ташриф буюриши мумкин. Саргузаштли туризмга ихтисослашган туристик фирмалар Жанубий Америка, Африка ва Осиё бўйлаб махсус тайёрланган автомобилларда узок муддатли 30 ҳафтагача давом этадиган қитъалараро саёҳатларни таклиф қилмоқда. Буюк янги ер очувчиларнинг йўналишларини такрорловчи, нархи 50 минг АҚШ долларига тенг бўлган 190 кунлик денгиз саёҳатлари ҳам таклиф этилмоқда.

Туризмнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда туристни денгизчи, фазогир, бизнесмен, табиатшунос ва ҳоказо деб аташ мумкин. Туризмни уюштириш ва амалга ошириш бўйича маълум бир шароитларда у туристик саноат корхоналари ва туристик ташкилотлар томонидан тақдим этилувчи туристик хизматлардан фойдаланишни кўзда тутиши мумкин. Статистика мақсадларида саёҳат қилувчи шахс визитор яъни ташриф буюрувчи деб аталади. Иқтисодий омилларни ҳисобга олиш нуқтаи назаридан ташриф буюрувчилар туновчи, яъни вақтинчалик борувчи жойларда ҳеч бўлмаса бир кеча ётиб қолувчилар ва бир кунлик, яъни 24 соатгача бўлувчи туристларга бўлинади.

Мақсади ва амалга оширишнинг ташкилий шаклига кўра туризм сифатида кўриб чиқилиши мумкин бўлган саёҳатларнинг ягона ҳолатларни қадимги римликларда ҳам, улардан аввал ҳам кузатиш мумкин бўлган. Ўрта асрларда зиёратчилар гуруҳларини кузатиб бориш бўйича ташкиллаштирилган фаолиятнинг бошланиши кўзга ташланади. Бу жараёнлар моҳиятан туризмга, туризм асосларига бориб тақалади.

Ҳозирги тушунчаларда қабул қилинган туризм XIX асрда шаклланган бўлсада, фақат XX асрга келиб у жадал суръатларда ривожланди ҳамда техника ва технологияларнинг ривожланиши, жамият муносабатларининг юксалиши натижасида у «XX аср феномени» номини олди. Бугунги кунда

туризм жуда кучли, жаҳон миқёсидаги саноат бўлиб, унинг жаҳон ялпи маҳсулотидаги улуши 10 фоизни ташкил этади ҳамда бу соҳага жуда кўп сонли ходимлар, асосий воситалар ва йирик капитал маблағлар жалб қилинган. Туризм бу йирик бизнес, катта пуллар ва глобал миқёсдаги жиддий сиёсатдир.

Жамиятнинг ривожланиши билан сайёрамизнинг тобора кўплаб аҳолиси туризм соҳасига жалб қилинмоқда.

Дунёнинг ажойиб, жозибадор туристик ресурсларга эга бўлган худудлари ҳали яхши ўзлаштирилмаганлиги ва кенг туристлар оммаси учун очик эмаслиги шубҳасиз, албатта. Бунда табиий иқлим шароитлари ва сиёсий-иқтисодий омиллар, минтақадаги тинчлик, туризм саноатининг ривожланиши кабилар муҳим рол ўйнайди.

Туризм инфратузилмаси ва саноати туризмга қўшни тармоқларни ўзига янада кўпроқ тортиб, кўплаб кишиларни иш билан таъминламоқда. Ҳозирда ер юзидаги аҳолининг 1/5 қисми туризм соҳасида иш юритади. Бу жуда муҳим, чунки туризм соҳасига кўпроқ ишчилар жалб қилинмоқда, натижада кўп сонли иш ўринлари пайдо бўлмоқда. Бу жараён жамиятга фойдали бўлган ҳоллар ичида биринчи ўринда туради. Туризмда банд бўлган ишчиларнинг категориясини аниқлаш мақсадида талайгина усуллар қўлланмоқда. Йирик туристик марказларда ҳар ўнта турист икки кишини доимий иш жойи билан таъминлайди.

Туризмдан тушадиган фойдани таҳлил этиш қизиқ таққосларга олиб келади. Россияликларга қараганда АҚШ аҳолисининг ҳар бирига икки баробар кўп турист тўғри келса, бу тармоқдан тушадиган фойда эса беш баробар кўпдир.

## **2. Туризмнинг ривожланиш тарихи**

Айрим халқлар учун саёҳат бу асрлар давомида яшаш жойининг табиий иқлим шароитлари таъсирида шаклланган турмуш тарзидир. Бундай халқларга мисол қилиб кўчманчилар — белужлар, бадавийлар, лўлилар, шунингдек, қочоқлар ва мажбурий кўчувчиларни кўрсатиш мумкин. Кўчманчилар пода-пода моллар билан турли хил яйловлар бўйлаб кўчиб юрадилар ва мамлакатлар чегараларини писанд қилмайдилар. Масалан, белужлар мунтазам равишда Покистондан Афғонистонга ўтиб юрадилар. Кўплаб кишилар иш қидириб саёҳат қиладилар. Мавсумий қишлоқ хўжалиги туфайли ишчилар ҳар йили бир жойдан бошқа жойга кўчиб борадилар, АҚШнинг шимолий қисмига Мексикадан кўплаб одамлар даладан ҳосил йиғишга борадилар.

Кўп асрлик тарих гувоҳки, инсонга савдони ривожлантириш, янги ерларни очиш ва ўзлаштириш, ресурслар ва янги транспорт йўлларини излаб топиш мақсадида жаҳон бўйлаб саёҳат қилиш хос бўлган. Цивилизациямизнинг ривожланиш даври унчалик катта бўлмай, беш минг йилга яқин ҳисобланади, бироқ фақат яқин ўтмишдаги саёҳатлар ҳақидаги хикоя ва тасвирларгина сақланиб қолинган. Тарихдан янги қитъа ва ерларни,

халқлар ва табиий ҳодисаларни очган, ўзига хос географик тизимларни асослаб берган буюк саёҳатчиларнинг номлари бизга маълум<sup>1</sup>.

Саёҳатчиликнинг ривожланишига зиёратчилар ҳам муносиб ҳисса қўшганлар. Турли дин вакиллари бўлган зиёратчилар ўз динларини ёйиш ва муқаддас жойларга бориб зиёрат қилиш мақсадида узоқ ва машаққатли саёҳатларни амалга оширганлар. Салб юришлари ўрта асрларнинг машхур ҳодисалари сифатида қайд етилади. Ҳозирги пайтда зиёратчилик диний туризмнинг асосини ташкил қилиб, ўз фаолиятида кенг миқёсга эга ҳисобланади. Бунга мисол тариқасида ислом дини вакилларининг муқаддас Маккаи мукаррама шаҳрига ҳажга бориши ёки христианларнинг Қуддус шаҳрига зиёрат қилишларини келтириб ўтиш kifоя.

Саёҳатларнинг катта қисми янги савдо йўлларини, янги ер ва мамлакатларни очиш мақсадида амалга оширилган. Буюк араб олими ва саёҳатчи Ибн Баттута (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Лавати ат-Танжи) (1304—1368) 21 ёшидан саёҳат қилишни бошлаган ва шарқнинг барча мамлакатларини (70 минг чақиримдан ортиқ) пиёда босиб ўтган, Шимолий Африка мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистонда бўлган. У ўзининг машхур «Рихле» деб номланган асарида кўплаб мамлакат ва савдо йўлларининг географик номларини, халқларнинг урф-одатларини батафсил тасвирлаб берган. Италиялик савдогар Марко Поло (1254-1324) 1271 —1295 йилларда Хитойга сафар уюштириб, у ерда 17 йил истиқомат қилган ва бу мамлакат ҳақидаги камёб маълумотларни тўплаб, ўзининг китобида акс эттирган.

Кўплаб саёҳатлар янги ҳудудларни эгаллаб олиш ёки бўлиб олиш мақсадида ҳарбий юришлар билан амалга оширилган. Кўп сонли қўшин билан юриш қилган македониялик Александр (эрамиздан аввалги 356— 233 йиллар) 32 минг чақирим йўлни босиб ўтиб, ўз даври учун ажойиб кўрсаткичга эга бўлган. Ўрта асрларда салб юришлари минглаб чақирим масофадан Муқаддас Ер ва Византияга етиб келган юз минглаб диндорларни бирлаштирган.

Буюк саёҳатчи ва кашфиётчи олимларга мисол қилиб Фернан Магеллан (1480-1521), Васко да Гама (1469-1524), Христофор Колумбни (1451 — 1506) кўрсатиш мумкин бўлиб, улардан охиргиси 1492—1493 йилларда учта каравеллада Атлантика океанини босиб ўтган ва Америка қитъасини очган.

Туризм инсоннинг табиатни ўрганиш мақсадида қилган саёҳатидан бошланган бўлиб, бу жараён индустрияга айланди ва кўпчилик давлатларнинг асосий даромади бўлиб қолди.

Кук 1846 йили қўшни давлат бўлган Шотландияга поезд ва пароходда саёҳатлар уюштирди. Энди бундай саёҳат Дастурларини ишлаб чиқиб, пул топиш Томас Кук ва унинг ўғли учун бизнес фаолияти бўлиб қолди. Кук 1860 йилда Лондонда ўзининг биринчи туристик корхонасини очди ва бу корхона Thomas Cook travel номини олди. Ҳозирги кунда ҳам бу турфирма ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Кукнинг фирмаси 20 йил ичида

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Туризм как индустрия отдыха, журнала «Экономика и жизнь», № 3, 1992 г.

фаолиятини кенгайтириб, Шимолий Америкага ҳам саёҳат уюштиришни бошлаб анча тажрибалар орттирди. Кук Шимолий Америкага олиб борган туристлар гуруҳини Нью Йорк, Вашингтон, Ричмонд, Mammouth Cave, Синсинати, Ниагара шаршараси ва Монреал бўйлаб саёҳат қилдирди. Кук томонидан дунёнинг барча ҳудудларига саёҳат маршрутларини уюштириши натижасида бир шиор пайдо бўлди<sup>1</sup>. Бу шиор қуйидагича: «Саёҳат қилмоқчи бўлсангиз, Кукка мурожаат қилинг».

Жаҳон бўйлаб саёҳатлар 75 минг милл ва ундан кўпроқни ташкил қилган. Уларда илмий йўналишлар ва билимлар тизимига асос солган қимматли илмий маълумотлар олинган. Қитъаларнинг географик чегараларини аниқ кўрсатувчи қадим дунё хариталари сақланиб қолган бўлиб, уларни яратиш усуллари ўз изоҳини топмаган. Бизга экстремал шароитларда энг баланд тоғ чўққиларини, чўл ва ғорларни, Шимолий ва Жанубий кутбни забт этиш учун сафар уюштирувчи саёҳатчилар, сув ости дунёси тадқиқотчиларининг номлари ҳам маълум. Мамлакатимизда Юрий Сенкевич, Артур Чилингаров, Дмитрий Шпаро ва бошқаларнинг номи таниш.

Қадимги Рим тарихи ва урф-одатларига мурожаат қиладиган бўлсак, бадавлат аристократлар императорнинг рухсати билан дам олиш мақсадида бошқа мамлакатларга, масалан, Мисрга саёҳат қилганини билиб олишимиз мумкин.

Янги ерларнинг очилиши узоқ ўтмишда денгиз орқали машаққатли саёҳатлар уюштиришни талаб қилган. Ҳозирги кунда барчага маълумки, Америка Колумбдан анча аввал кашф этилган, Гренландияда эса (унинг номи «яшил ер» деб номланиб, ҳозирги кунда қалин музлик билан қопланган) Европадан келиб чиққанлар истиқомат қилган. Агар ушбу улкан оролнинг музлаш тарихига эътибор қаратсак, биринчи кўчиб келганларнинг эраמידан аввалги 700—600 йилларда келганлиги маълум бўлади. Жанубий Америкадан Полинезияга оммавий равишда солларда бир неча ойда сузиб ўтишга ақл бовар қилмасида, буни амалга ошириш мумкинлигини Тур Хейердал Тинч океанини оддий бир солда кечиб ўтган ҳолда исботлаб берган<sup>2</sup>.

Томас Кук туризм фаолиятларига қуйидаги янгиликларни олиб келди:

- транспорт, меҳмонхона ва бошқа харажатларни ўз ичига олган ҳолда оммавий саёҳат қилиш;
- кредитга саёҳат қилиш;
- ёшлар учун маърифий саёҳатлар;
- ишчилар учун махсус саёҳатлар уюштириш;
- денгиз орти мамлакатларига саёҳатлар;
- валюта алмаштириш операциялари.

Россия давлати ҳам машҳур саёҳатчиларга бой. Хужжатлар билан тасдиқланган энг қадимги саёҳатчилардан бири Игумен Даниил 1065 йилда

<sup>1</sup> Tashmuradov T. Perspectives of development of international tourism in Uzbekistan, T. 1995 UN Madrid 156 стр.

<sup>2</sup> Tashmuradov T. Perspectives of development of international tourism in Uzbekistan, T. 1995 UN Madrid 156 стр.



Афон ва Муқаддас Ерга зиёрат қилгани борган ва сафар давомида кўрган халқлар ва ерлар ҳақида батафсил ёзиб қолдирган. 1471—1474 йилларда Эрон ва Ҳиндистонга саёҳат қилган Афанасий Никитин «Уч денгиз оша саёҳат» номли ажойиб асар битган.

Кейинроқ, машҳур саёҳатчилар Н. Н. Миклухо-Маклай (1846-1888), Н. М. Пржевальский (1839-1888), В.И. Беринг (1681 — 1741) ва бошқалар ўз номларини тарихда ёзиб қолдирганлар.

Саёҳат индустриясининг ривожланиши билан бир қаторда, ривожланган турагентлар фаолияти ҳам Биринчи жаҳон уруши даврида тўхтади. 1919 йилдан бошлаб ҳарбий самолётларнинг фуқаро авиациясида эксплуатация қилиниши натижасида биринчи марта Лондон-Париж маршрути амалга оширилди. Иккинчи жаҳон уруши давригача саёҳат агентликлари томонидан тайёрланган саёҳатлар асосан темир йўллари ва денгиз йўллари орқали амалга оширилди. Бу саёҳатларнинг аксарияти Швейсарияга ва Жанубий Францияга қилинарди. Кейинчалик автобус билан саёҳат қилиш оммалашди. Урушдан кейин туризмда янги ривожланиш пайдо бўлди. Биринчи марта «ЧАРТЕР» рейслари амалга оширилди. 1955 йилда Швейцария ва Испанияга чартер рейслари билан махсус турлар уюштирилди. Натижада воситачи сифатида фаолият кўрсатиб келган турагентлар билан бир қаторда, пекидж турини тайёрлаган, транспорт воситалари, меҳмонхона номерларини улгуржи савдо йўли билан сотиб оладиган туроператорлар вужудга кела бошлади.

Россия давлати ҳам машҳур саёҳатчиларга бой. Хужжатлар билан тасдиқланган энг қадимги саёҳатчилардан бири Игумен Даниил 1065 йилда Афон ва Муқаддас Ерга зиёрат қилгани борган ва сафар давомида кўрган халқлар ва ерлар ҳақида батафсил ёзиб қолдирган. 1471—1474 йилларда Эрон ва Ҳиндистонга саёҳат қилган Афанасий Никитин «Уч денгиз оша саёҳат» номли ажойиб асар битган. Кейинроқ, машҳур саёҳатчилар Н. Н. Миклухо-Маклай (1846-1888), Н. М. Пржевальский (1839-1888), В.И. Беринг (1681 — 1741) ва бошқалар ўз номларини тарихда ёзиб қолдирганлар.

Саёҳат индустриясининг ривожланиши билан бир қаторда, ривожланган турагентлар фаолияти ҳам Биринчи жаҳон уруши даврида тўхтади. 1919 йилдан бошлаб ҳарбий самолётларнинг фуқаро авиациясида эксплуатация қилиниши натижасида биринчи марта Лондон-Париж маршрути амалга оширилди. Иккинчи жаҳон уруши давригача саёҳат агентликлари томонидан тайёрланган саёҳатлар асосан темир йўллари ва денгиз йўллари орқали амалга оширилди. Бу саёҳатларнинг аксарияти Швейцарияга ва Жанубий Францияга қилинарди. Кейинчалик автобус билан саёҳат қилиш оммалашди. Урушдан кейин туризмда янги ривожланиш пайдо бўлди. Биринчи марта «чартер» рейслари амалга оширилди. 1955 йилда Швейцария ва Испанияга чартер рейслари билан махсус турлар уюштирилди. Натижада воситачи сифатида фаолият кўрсатиб келган турагентлар билан бир қаторда, пекидж турини тайёрлаган, транспорт воситалари, меҳмонхона номерларини улгуржи савдо йўли билан сотиб оладиган туроператорлар вужудга кела бошлади.

Туристтик фаолиятнинг бошланғич турлари қадимдаёқ пайдо бўлган. Тарихда қадимги римликлар илк саёҳатчилар ҳисобланади. Уларнинг саёҳатлари империя сарҳадларидан четга чиқмаган бўлсада, Рим империяси ҳудуди жуда катта бўлганлиги сабабли туризмнинг ривожланишига сабабчи бўлган. Ўрта асрда давлатнинг инкирозга учраши, меҳмонхона ва қовоқхоналарнинг касодга учраши аҳолининг қашшоқлашишига олиб келди.

Ўрта асрларнинг охирига келиб савдонинг ривожланиши билангина саёҳатлар қайта тиклана бошлади. Уйғониш даври туризмнинг ривожланишига янада катта таъсир кўрсатди. Бу пайтга келиб иқтисодиёт жадал ривожланди, янги ҳунар турлари пайдо бўлди ҳамда мамлакатлар ўртасида савдо ривожланди. Саёҳатнинг асосий мотивлари савдо, таълим олиш, зиёрат қилиш ва даволаниш ҳисобланган.

Қадимги Грецияда спортга оид саёҳатлар пайдо бўлган, чунки Олимпиада ўйинларига иштирокчи ва томошабинлар бутун дунёдан келар эди.

1815 йилда Англиядан Францияга махсус ташкил қилинган турлар мавжуд бўлган. Ёзувчи ва саёҳатчи Д. Галиняни кенг омма учун Париждан Лондонга уюштирилувчи бундай турларнинг ташаббускори бўлган. 1829 йилга келиб саёҳатчилар учун махсус тайёрланган дастлабки йўлкўрсаткич К. Баедекер томонидан тайёрланган ва нашр қилинган бўлиб, у ҳозирда ҳам маълумдир. Бу йўлкўрсаткич ҳозирги кунда ҳам чоп этилиб, Европа бўйлаб саёҳат қилувчи туристлар ўртасида кенг тарқалган.

Томас Кук — туризм асосчиси ҳисобланади. Техника тараққиёти оммавий туризмнинг ривожланишига катта тўртки бўлди. 1830 йилда жаҳонда биринчи темир йўл Манчестер ва Ливерпул ўртасида ишга тушиб, у амалда саёҳат уюштиришнинг вақт чегараларини ўзгартириб юборди. Илгари ҳафталаб давом этган саёҳатларни эндиликда муайян ҳақ тўлаб амалга ошириш ҳар бир кишининг қўлидан келади. Темир йўллар барча мамлакатларда мисли кўрилмаган суръатларда қурила бошлади. 1833 йилда Россияда Черепановнинг биринчи паровози қурилди. 1842 йилга келиб Англияда темир йўл орқали йўловчи ташиш кўрсаткичи 23 миллион кишига етди. АҚШда 1850 йилга келиб 15 минг чақирим масофали темир йуллар қуриб битказилган<sup>1</sup>.

Бугунги кунда замонавий туризм асосчиси дея тан олинган пастор Томас Кук биринчилардан бўлиб саёҳатчиларнинг оммавий сафар уюштиришининг моҳияти ва фойдалилигини англаб етди ҳамда 1843 йилда ўз қавми учун дастлабки темир йўл орқали турни ташкиллаштирди ва муваффақиятга эришди. 1851 йилда у мамлакатнинг барча бурчагидан келган инглизларнинг Париждаги кўргазмада иштирок этишини ташкиллаштирди. У кўргазмага 165 минг кишини олиб келишга мушарраф бўлди. Кўргазма турлари катта фойда келтирганлиги сабабли, Кук англиялик туристларнинг 1865 йилда Парижга Бутунжаҳон кўргазмасига оммавий равишда ташриф

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Международный туризм: справочник менеджера (учебное пособие), Ташкент, ТашГЭУ, 1993, 84 стр.

буюриши ташкилотчиси бўлди. 1856 йилдан бошлаб Европа бўйлаб турлар одатий ҳолга айланди, Кукнинг туристик агентлиги ва унинг филиаллари тузилди. Туристик компаниянинг мисли кўрилмаган муваффақиятга эришганлигини Кук туристларга таклиф этган каталогдан 8 мингдан ортиқ меҳмонхоналарнинг ўрин олганлиги ҳам тасдиқлайди. 1870 йилда «Томас Кук» туристик фирмаси мижозлари сони 500 минг кишига етди.

Европа ва Америка қитъалари ўртасида мунтазам кема қатнови 1832 йилда йўлга қўйилган бўлиб, 1866 йилда Кук АҚШга туристларнинг дастлабки икки гуруҳини жўнатади. Турлар узок муддатли, беш ойгача давом этган. Томас Кукнинг хизматларидан фойдаланган америкалик таниқли туристлардан бири Марк Твен олтмиш кишидан иборат гуруҳ таркибида иштирок этган ва кейинчалик бу саёҳатни қаламга олган. Томас Кук 1872 йилда биринчи бўлиб саноат асосида жаҳон бўйлаб саёҳат уюштиришни таклиф қилган. Дастлабки 20 саёҳатчи бутун жаҳонни 220 кун давомида саёҳат қилганлар. Томас Кук 1892 йилда вафот этиб, унинг ишини ўғиллари ва шериклари давом эттиришган. Компания ўз фаолиятини кенгайтириб, йирик молиявий институтга айланган ва саёҳатчилар учун йўл чеклари чиқара бошлаган. Бу эса ўз моҳиятига кўра аср ихтироси — хавфсиз пуллар эди. Бугунги кунда Томас Кук компанияси бутун дунёда 12000 дан ортиқ туристик агентликларга эга бўлиб, йилига 20 миллиондан ортиқ туристга хизмат кўрсатади.

Замонавий самолётлар тезлиги Ер куррасининг бир нуқтасидан бошқа нуқтасига ер айланиши тезлигидан тезроқ етиб бориш имконини бериб, саёҳатчилар минтақаларга ташриф буюра оладилар. Европадан Шарққа қараб йўл олиб, халқаро вақт ўзгариши чизикларини кесиб ўтиб, east bound travellers АҚШга бориб тушиш мумкин. Тескари йўналишда сайр қилишда west bound travellers рўй беради. Ҳар ҳафта weekend да овоздан тез учувчи Конкорд самолётларида бутун дунё бўйлаб 2—3 кунлик саёҳатга чиқувчи бадавлат туристлар клуби мавжуд. Космик саёҳатларда вақт самараси янада яққол кўзга ташланади.

Саёҳатлардан ҳаёт фаолиятининг алоҳида жозибадор усули сифатида янги шакл - туризм ажралиб чиққан бўлиб, у ўзига хос хусусиятлар ва хислатлари билан тавсифланади.

Туризмни саёҳатлардан ажратиб турувчи асосий жиҳати бу мақсадли ва оммавийлигидир. Проспер Мериме 1840 йилда «Коломбо» асарида қайд этганидек, «Сайёҳларнинг доимий хурсандчилиги ўрнига лоқайдлик юзага келиб, ҳозирги туристларнинг кўпчилиги ўзига хос бўлиб ажралиб туриш учун ўзларига Нил Адмирале (ҳеч нарсага хайрон бўлмаслик) шиорини танлаб олганлар». Айтиш керакки, бу «саёҳатчи» ва «турист» тушунчалари ўртасидаги биринчи фарқ бўлди<sup>1</sup>.

Бошқа одамлар орасидан алоҳида ажралиб туриш, биринчи бўлиш истаги саёҳатчилар орасида яққол ажралиб туради. Инсон фаолиятининг

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Организация международного туризма. В книге: «Рыночная экономика Турции». Ташкент, «Укитувчи» 1993, 387 стр

бошқа соҳаларига қараганда бу ерда ўзини кўрсатиш имконияти кўпроқ. Ким энг юқори чиқади, ким узокроққа боради, ким кўпроқ темир йўл станцияларида ёки чегара пунктларида бўлади рекордчи-саёҳатчиларнинг фантазияси чегараланмаган бўлиб, Гиннеснинг рекордлар китобида бундай ютуқларга алоҳида бўлим ажратилган.

Джесси Росдайл исмли бир шахс дунёда энг кўп мамлакатларда бўлиш ва ўз хужжатларига барча мамлакатлар чегара хизматлари штампини кўйдиришни мақсад қилиб олган. Бунинг учун у 2627766 км масофани босиб ўтган ва 215 та мамлакат чегарасини кесиб ўтиб Гиннес дипломига сазовор бўлган. Бироқ бунинг учун унга Иллинойс (АҚШ) мактабидаги ўқитувчиликни ташлашга тўғри келган. Миссионер Алфред Уолдерн (АҚШ) олда саёҳат қилишни мақсад қилиб кўйган ва 424850 км масофани (битта ёки бир нечта эканлиги номаълум) отда босиб ўтган.

Бунда у 16 мингдан ортиқ маъруза ўқиган. Пиёда, чанғида, велосипедда, автомобилда, темирйўл, авиа ва денгиз транспортларида саёҳат қилиш бўйича ҳам рекордлар ўрнатилган. Бироқ уларнинг аксар қисми инсоннинг мукамаллигини исботлаш ва унинг кўйилган мақсадга эришиш йўлида барча қийинчиликларни енгиб ўтиш учун оғир меҳнатлардан иборатдир.

Ҳаттоки замон ва маконда илмий саёҳат уюштирувчи, Ойга ўчувчи, Ер орбитаси атрофида парвоз қилувчи космонавтлар (уларни ҳам сийёҳлар қаторига киритиш мумкин) ҳам рекорд ўрнатишга интиладилар. Космосга биринчи бўлиб парвоз қилган одам, биринчи космонавт аёл, парвоз узунлиги, баландлиги ва узоклиги, Ой сатҳида сайр қилиш узунлиги ва бошқа бир қатор фактлар рекорд қайд этишга асос бўлади.

Саёҳатлар ва туризмнинг бир-биридан фарқларини кўриб чиқишда ушбу фаолиятнинг мақсадлари ва моддий таъминотига тўхталиб ўтиш жоиз. Саёҳат ва экспедицияларнинг аксар қисми маълум бир мақсадлар (савдо, фан, янги ерларни очиш, маҳсулот рекламаси ва ҳоказо)га хизмат қилиб, манфаатдор шахслар, ташкилотлар, давлат ва хусусий жамғармалар томонидан молиялаштирилади. Саёҳатчининг шахсий хислатлари катта рол ўйнасада, бироқ унинг муваффақиятга эришиши кўп жиҳатдан жамиятни саёҳатни уюштириш ва амалга ошириш учун зарур бўлган моддий ресурсларни ажратишга кўндиролди олиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Масалан, Африкани забт этиб, Замбези дарёсидаги Виктория шаршарасини очган буюк Давид Ливингстон миссионерлик жамғармалари ҳисобига саёҳат қилиб, асосан маҳаллий аҳолини христиан динига жалб қилиш билан шуғулланган ва географик кашфиётлар қилган.

## Жаҳонда туризм фаолиятининг 3 минг йиллик ривожланиш эволюцияси<sup>1</sup>

Франсуз тадқиқотчиси ва географи Пифий (келиб чиқиши Массаллик — ҳозирги Марсел, Франция) эрампдан аввалги 320 йилда ўша вақтларда ақл бовар қилмаган тарзда бутун Европа бўйлаб саёҳат қилди.

Кўп сонли қўшинлари билан ҳарбий юриш қилган македониялик Александр (эрампдан аввалги 356—233-йиллар) 32 минг чақирим йўлни босиб ўтган.

Америка қитъасининг бир неча марта очилиши ва ўзлаштирилиши. 900—1100 йилларда Исландия ва Гренландиянинг ўзлаштирилишини алоҳида қайд этиш жоиз. Колумбдан ҳам аввал жасур викинглар Гренландияга ва ҳаттоки Америка қитъасига (Нюфаундленд) етиб борганлар.

Хужжатлар билан тасдиқланган энг қадимги саёҳатчилардан бири Игумен Даниил 1065-йилда Афон ва «Муқаддас Ер»га зиёрат қилган, борган ва сафар давомида кўрган халқлари ва ерлари ҳақида батафсил ёзиб қолдирган.

Италиялик савдогар Марко Поло (1254—1324) 1271—1295 йилларда Хитойга сафар уюштириб, у ерда 17 йил истиқомат қилган.

Буюк араб олими ва саёҳатчи Ибн Баттута (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал Лавати ат-Танжи) (1304—1368) 21 ёшидан саёҳат қилишни бошлаган ва Шарқнинг барча мамлакатларини (70 минг чақиримдан ортиқ) пиёда босиб ўтган.

Буюк саёҳатчи ва кашфиётчи олимларга мисол қилиб Фернан Магеллан (1480—1521), Васко да Гама (1469—1524), Христофор Колумбни (1451—1506) кўрсатиш мумкин бўлиб, улардан охиригиси 1492—1493 йилларда учта каравеллада Атлантика океанини босиб ўтган ва Америка қитъасини очган.

1471—1474 йилларда Эрон ва Ҳиндистонга саёҳат қилган Афанасий Никитин «Уч денгиз оша саёҳат» номли асар битган.

1815 йилда ҳам Англиядан Францияга махсус ташкил қилинган турлар мавжуд бўлган. Ёзувчи ва саёҳатчи Д. Галиняни кенг омма учун Париждан Лондонга уюштирилувчи бундай турларнинг ташаббускори бўлган. 1829 йилга келиб саёҳатчилар учун махсус тайёрланган дастлабки йўлқўрсаткич К. Баедекер томонидан тайёрланган ва нашр қилинган бўлиб, у ҳозирда ҳам маълумдир.

Машҳур саёҳатчилар Н.Н.Миклухо-Маклай (1846—1888), Н.М. Прежевальский (1839—1888), В. И. Беринг (1681—1741) ва бошқалар ўз номларини тарихда ёзиб қолдирганлар

Кук 1846 йили қўшни давлат Шотландияга поезд ва пароходда саёҳатлар уюштирди. Энди бундай саёҳат дастурларини ишлаб чиқиб, пул топиш Томас Кук ва унинг ўғли учун бизнес фаолияти бўлиб қолди. Кук 1860 йилда Лондонда ўзининг биринчи туристик корхонасини очди ва бу корхона Thomas Cook Trawel номини олди.

1832-йилда Европа ва Америка қитъалари ўртасида мунтазам кема қатнови йўлга қўйилган бўлиб, 1866 йилда Кук АҚШга туристларнинг дастлабки икки гуруҳини жўнатади. Турлар узоқ муддатли бўлиб, беш ойгача давом этган.

Жаҳон миқёсида ҳуқуқий мақомга эга бўлган туризм фаолияти товар ишлаб чиқаришдан 10 баробар тез суръатлар билан ривожланиш имкониятига эга бўлиб, энг самарали тармоқ ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ташмуродов Т. Халқаро туризм. Ўқув қўлланма Т.: «Турон иқбол», 2007 й, 15 б.

### 3. Туризм турлари, гуруҳлари ва асосий йўналишлари

Туризм турлари - туристлар зиёрат мақсадига, йўналишларнинг моҳиятига, зиёратда фойдаланиладиган транспорт воситалари турига, зиёрат объектига кўра бир неча хил гуруҳларга бўлинади. Ҳозирги вақтда туризмнинг қуйидаги турлари мавжуд: миллий, халқаро ва ички ёки оилавий, ўқиш, даволаниш, иш, дам олиш, дўстларни ва қариндошларни зиёрат қилиш ва бошқалар.

**Халқаро турист** -жаҳон давлатлари бўйлаб ёки бошқа мамлакатга сайёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс ёки резидент. Жаҳон туризми ташкилотининг давлатларга тавсия қилган туризм турлари учга бўлинади: халқаро турист-, миллий туристлар; маҳаллий туристлар. Туристлар гуруҳлари: халқаро, миллий, маҳаллий. Бутунжаҳон Туризм Ташкилотининг кўрсатмасига кўра қуйидаги турист гуруҳлари давлат миқёсида ҳисобланиши ва уларнинг ҳаракати белгиланиши мумкин: «Ички туризм» — давлат ичида ҳаракатда бўлиб, туризм фирмалари томонидан хизмат кўрсатилади, маҳаллий тури ва бошқа давлатлардан қабул қилинган туристлар сони билан ифодаланади; «Миллий туристлар» — давлат фуқароси бўлиб, давлат ичида ва давлатдан ташқарида ҳаракат қилган туристлар сони билан ўлчанади; «Халқаро туристлар» — давлат чегарасини кесиб ўтган туристлар сони билан ўлчанади.

Албатта, ҳар қандай давлат халқаро туристларни айниқса, қабул қилинган туристлар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Чунки бу туристлар давлатга эркин конвертацияланадиган валютани олиб келади ва давлатни бойитади.

Туризм хизмат кўрсатиш таркибидан қатъи назар, хизматлар кўрсатиш жойига ва мазкур хизматларни истеъмол қилувчи туристлар гуруҳига кўра: ички ва халқаро туризмга бўлинади.

Ички туризм (domestic or internal tourism) — маълум бир давлатнинг ўз ҳудуди доирасида аҳоли томонидан туристларга хизмат кўрсатиш фаолияти. Бундай туристлар маҳаллий (ёки миллий) туристлар категориясига киради. Халқаро туризм (international tourism) эса, бирор давлатга бошқа давлат туристларининг бориши ва уларга хизмат кўрсатилишидир. Бундай туристлар хорижий туристлар категориясига киради. Миллий туризм бир мамлакат фуқароларининг давлат ичида ва ташқарисида ҳаракатланишларининг йиғиндисидир.

Бошқа давлат ҳудудида туристларга хизмат кўрсатиш чиқадиган (сайёр) туризм (outbond tourism) деб аталади. Худди шу сингари туристик хизматлар ўз давлати ҳудудида хорижий турларга кўрсатилса, бу — кириладиган туризм (inbound tourism) бўлади.

Шунингдек, «туристларни қабул қилиш» ва «туристларни жўнатиш» каби умумий тушунчалар ҳам мавжуд бўлиб, булар ички ва халқаро туризм учун ҳам тааллуқли. Туризм статистикасида «туристик келиш» атамаси ҳам мавжуд. Айнан туристик келиш сонига қараб туристик оқим белгиланади.

Турист тушунчасининг ички табиатидан келиб чикиб айтиш мумкинки, турист бирор жойга келгач, мазкур жойдан ўзининг мамлакатига ёки доимий истиқомат жойига қайтиб кетади. У вақтинчалик келиб-кетувчидир.

Туризм статистикасида транзит турист тушунчаси ҳам бўлиб, унда туристларнинг бирор давлат ҳудудини босиб ўтиб, иккинчи давлат ҳудудига бориши тушунилади. Бундай давлатлараро транзит турист бўлиш учун махсус транзит визаларга эга бўлиш лозим. Транзит туристларнинг мамлакатда бўлиш муддатлари чегараланган. Шу давр ичида меҳмонхоналарда бўлиш, овқатланиш, мамлакатнинг тарихий ёдгорликлари билан танишиш, бозорлардан, савдо расталаридан ёдгорлик буюмларини сотиб олиш мумкин.

Туристларни қабул қилиш категорияси мазкур регионга ёки туристик марказга туристларнинг келиши ва уларга кўрсатиладиган хизмат фаолияти бўйича характерланади. Ушбу фаолиятдан туризмни ташкил қилиш бўйича барча туризм инфратузилмаси — транспорт юқларини ташувчилар, меҳмонхоналар ва ресторанларни иш билан таъминлаш ташкил топади. Хорижий туризм орқали эса валюта массаси кўпаяди. Туристларни қабул қилишда туристик регион ёки марказда ишчи ўринлари тез ташкил этилади, маҳаллий туристик ресурслардан фойдаланиш ҳисобига регионда иқтисодий ривожланади. Ички ва хорижий туристларни қабул қилиш баланси таркиб топади. Туризмнинг ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий омилларига боғлиқ. Туризмдан тушадиган хорижий валюта давлат иқтисодиётининг ўсишига таъсир этади. Совет даврида хорижий турист саёҳатлари жуда арзон бўлган. Шунингдек, совет фуқароси билан хорижий туристларга кўрсатиладиган хизмат турлари ўртасида ҳам катта фарқ бор эди. Республикамиз мустақилликка эришгач, улар ўртасидаги фарқ камайди ва бир қатор тарихий шаҳарлардаги туристик марказлар ва фирмалар учун туризм манфаатли соҳа бўлиб қолди.

Туристларни жўнатиш ҳам муҳим категория ҳисобланади. Бундай фаолият доимо пул массасининг бошқа регион ёки хорижий давлатларга чиқиб кетишига олиб келади. Шу боисдан, туристларни жўнатиш ҳеч қачон маҳаллий ҳудуд учун ҳам, туристик агентликлар учун ҳам устун соҳа бўлмаган. Худди мана шуни эътиборга олиб, давлатлар ички туризмни ривожлантиришга ва туристларни жўнатишга иқтисодий тўсиқларни қўллашади.

Асосийси, туристларни жўнатиш ҳам, қабул қилиш ҳам маҳаллий хазинани солиқ билан тўлдириш имконини беради.

Миллий туризм (national tourism) соҳасида ички ва жўнатиш туризми тармоқларида ўз давлати туристларига хизмат кўрсатишдаги барча фаолияти тушунилади.

## Туризмнинг турлари:

1. Давлатга кирувчи ва чиқувчи туристларга кўра:  
халқаро туристлар, миллий туристлар, ички туристлар, транзит туристлар.
2. Туристларнинг мақсадига кўра:  
ўқиш туризми, дам олиш туризми, азарт (қимор) туризми, ижтимоий туризм, даволаниш туризми, ов туризми, бизнес туризми, зиёрат туризми, пекедж туризми, спорт туризми, конгресс туризми, хизмат туризми, ўрганиш туризми, диний туризм, археологик туризм, архитектура туризми, этник туризм, носталгия туризми, эксклюзив туризм, экология туризми, алпинизм туризми, тоғ ва чанғи туризми, илмий туризм, қишлоқ туризми.  
Туристларнинг сонига кўра:  
гуруҳ билан саёхат қилиш, якка ҳолда, оилавий, ёшлар (ўсмирлар) гуруҳи, қариялар гуруҳи, мутахассислар гуруҳи, делегатлар гуруҳи, келин-куёвлар туризми, болалар туризми, маросим туризми, хазина излаш туризми, муҳим турист.  
Транспорт турига кўра:  
автобусларда, автомобилларда, ҳаво бўйлаб самолётда, денгиз ва дарё бўйлаб кемада, темир йўл бўйлаб, от-уловда, пиёда, ракетада, велосипедда, аралаш транспортда.
5. Саёхат қилиш вақтига кўра:  
дам олиш кунлари, бир кунлик, маърузали турлар, мавсумий, доимий, давомли турлар, махсус.
6. Туристик йўналиш турларига кўра:  
чартер, тўғри йўналиш, уюштирилган турлар, уюштирилмаган турлар, айланма йўналиш
7. Ташкил қилинишига кўра:  
пассив туризм, фаол туризм, VIP турлар.
8. Виза турларига кўра:  
визасиз туристлар, визали туристлар, дипломатлар, чегара туризми, қочоқлар, кўчманчилар<sup>1</sup>.

Кўпгина илмий адабиётлардаги гуруҳлаш турларининг умумлаштирилган гуруҳлари саккизтага бўлиниб, умумий тури 50 дан ортиқ туризмнинг хиллари алоҳида олимлар ва амалиётчилар томонидан ўрганилган.

Туризмнинг турларига кўра тулопараторлар ва турагентлар томонидан мавсумга ва бозорга қараб туризм йўналишлари тузилади ва улар асосида турмахсулот таклиф қилинади. Бу йўналишлар қуйидагича гуруҳларга бўлиниб ўрганилади ва давлат миқёсида илмий таҳлиллар ўтказилади:

«Авиация» туризми — ҳаво йўллари орқали махсус туристик йўналишлар ташкил қилиниши ва бошқа халқаро йўналишлардан ҳам

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Международный туризм: справочник менеджера (учебное пособие), Ташкент, ТашГЭУ, 1993, 84 стр.



фойдаланиш. Бу туризм фақат бир жойдан иккинчи жойга самолётларда бориш билан эмас, айрим туристларнинг кичик самолётлардан фойдаланиб, ҳавога учишлари билан ҳам аҳамиятли. Кўпчилик туристлар фақат самолётларда бирор туристик жойга бориб келишни хоҳлашади ва бу талабни қондириш мақсадида туроператорлар кичик учоқлардан унумли фойдаланиб, турмаҳсулотларни сотишади. Охириги йилларда бу турмаҳсулотларга бўлган талаб жуда юқори суръатлар билан (ҳар йили 15—25 %) ўсяпти. Кўпчилик ҳолларда 80—90 % туристлар фақат ҳаво йўллари-дан манзилига етиб бориш мақсадида фойдаланишмоқда.

«Автомобил» туризми — автомобилдан фойдаланган ҳолда туристик йўналиш бўйича ҳаракатланиш жараёни. Бу туризм автобус, автомашиналар ва махсус автомобилларнинг туристик йўналишларини ҳам ўз ичига олади. Айрим ҳолларда туристларнинг ижарага олиб ўзлари ҳайдайдиган автомобил йўналишлари юқори суръатлар билан ривожланипти. Кичик автомашиналар туристлар учун жуда қулай ҳисобланади. Бу йўналишлар туристлар учун қулай бўлиб, улар ўзи хоҳлаган жойда хоҳлаган вақтигача тўхтаб туриши мумкин. Поезд ва самолётлар боролмайдиган жойларга автомобил билан бориш имконияти мавжуд. Автомобилларга бўлган туристларнинг талаби ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, чет давлатларда минглаб автомобил ижара фирмалари фаолият кўрсатапти.

Археологик туристик йўналиш — махсус йўналиш бўлиб, туристлар борадиган жойлар асосан археологик жойлар ҳисобланади. Археологик жойлар жуда кўхна тарихий иншоотлар ва шаҳарларнинг қолдиқларини зиёрат қилишдан иборат. Айрим археологик жойлар аксарият чет эл давлатлари туристларини ўзига жалб қилади. Айниқса олимлар, зиёли туристлар мазкур турмаҳсулотга кўп қизиқишади ва ҳозирги кунда туроператорлар бу турмаҳсулотни сотишяпти. Республикамизда 50 дан ортиқ археологик жойлар бўлиб, улар турмаҳсулот ҳисобида сотилиши мумкин.

«Архитектура» туризми — туристларга кўрсатиладиган шаҳардаги чиройли ва тарихий архитектуралар ва иншоотлар бўлиб, ҳар бир шаҳар, давлат, миллат ҳамда даврнинг ўз архитектура объектларига бўлган саёҳат. Ўзига хос миллий архитектура кўпчилик туристларни қизиқтиради. Айрим давлатларда шаҳар архитектураси турмаҳсулот бўлиб, шаҳарларда 30—50 дан ортиқ махсус автобусларда саёҳат ташкил қилинади. Масалан, Нью-Йорк шаҳрида 100 дан ортиқ махсус автобусларда кунига 50—100 минг туристни шаҳар архитектураси билан таништириб, 10—15 вертолётларда шаҳарни юқоридан кўрсатишади.

«Алпинизм» туризми — спорт туризмнинг тоғда ўтказиладиган тури бўлиб, туристлар маълум бир хизматларга харажат қилиб, тоғ чўққиларига чиқиш ва тоғ қийинчиликларидан ўтиш каби завқли йўналишларда ҳаракатланишларини белгилайди. Тоғга чиқиш жараёни қизиқарли бўлгани учун кўпчиликни жалб қилади ва ҳар бир гуруҳ энг камида 5—10 кишидан иборат бўлади. Республикамизда алпинизм ривожланиши учун жуда кўп шарт-шароитлар мавжуд.

Айланма туристик йўналиш — туристларнинг шаҳарлар бўйича айланиб, яна бошлаган жойига қайтиб келадиган йўналишлари. Айланма йўналишлар денгизда «круиз» ташкил қилишда қўлланади. Бу йўналишлар кўпчилик ҳолатда махсус йўналишларни ташкил қилишда ва денгиз туризмни ривожлантиришда кенг ишлатилади.

«Азарт» туризми — бу йўналишларда турист ўзини синаш мақсадида экстремал ҳолатларга ўзини-ўзи мажбур қилади: чўлда ўзини қийнаб азарт спорт мусобақаларида қатнашиш, пулини тикиб қимор ўйнаш, ёввойи ҳайвонларни ўлдириш ва бошқалар. Азарт ишларни бажариш мақсадида турмахсулотлар сотиб олинади. Бу туризм жуда қиммат бўлиб, айрим ривожланган ва рухсат берган давлатларда ташкил қилинади.

Фаол туризм — йўналиш давомида бўш вақтини дам олиш, саёҳат, томоша қилиш ва учрашувлар билан ўтказишга мўлжалланган.

Мамлакат ёки минтақа бюджетига молиявий натижаларнинг акс этиши билан боғлиқ ҳолда туризм икки турга фаол ва пассив туризмга бўлинади.

Жаҳон халқаро иқтисодий муносабатларида халқаро туризм муҳим рол ўйнайди. У одатдаги экспорт шакли сифатида баҳоланмайди чунки, сайёҳга сайёҳлик махсулоти етказиб берилмайди ва у сайёҳлик махсулотини истеъмол қилиш учун ўша жойга ўзи келади<sup>1</sup>.

Сайёҳлик махсулоти деганда сайёҳлик йўлланмаларига кирадиган хизматлар жамланмаси тушунилади. Бу эса халқаро туризмнинг бошқа экспорт турларидан фарқи мавжудлигини кўрсатади.

Биринчидан, сайёҳ транспорт харажатлари ўз бўйнига олади. Иккинчидан, хорижий сайёҳларнинг турли сувенирлар, буюмларни сотиб олиши фойдали ташқи савдо операцияларнинг амалга оширилиши сифатида қаралиши мумкин.

Турли мамлакатларда бир қатор соҳалар “ички экспорт учун” ишлашади. Масалан Японияда сайёҳлар мамлакатда ишлаб чиқарилган радиотоварларни, Швейцарияда соатларни, Францияда парфюмерия махсулотларини сотиб олишади<sup>2</sup>.

Туристтик виза (лотинча) — зиёрат қилишга маълум бир давлатнинг розилик белгиси, туристларнинг чет элга чиқишига рухсат ҳақидаги паспортдаги расмий қайд белгиси. Туристтик визанинг жуда кўп турлари мавжуд: бир марта бериладиган, давомли, маълум давлатларгагина бериладиган визалар. Визасиз давлатлар «Очиқ эшик» туризм сиёсатини тутадиган давлатлар қаторига киради ва ўзига кўп туристларни жалб қилади.

Бир кунлик йўналишлар — бу турмахсулот алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, шифобахш хусусиятли жойларга бориб, дам олиб келиш мақсадида бир кунлик йўналишлар ташкил қилинади. Шаҳар архитектураси, музейлар ва бошқа туристик жойларни кўрсатиш ва саёҳат қилдириш мақсадида бу

---

<sup>1</sup> Материалы Всемирной конференции по туризму (ВТО). - Мадрид: 1981.-175с.

<sup>2</sup> Жильцов Е.Ж. Экономика сферы платных услуг. - М.: МГУ, 1996.-204 с.

йўналишлар ташкил қилинади. Бу йўналишларни сотиш айрим туристик фирмаларнинг асосий пул тушуми манбаи бўлиб ҳисобланади.

Болалар туризми — мактаб ёшидаги болалар (15 ёшгача бўлган болалар туризми) саёҳати ва чет давлатларга боришини амалга ошириш жараёни. Йўналишлар давлат ичида ёшларни тарихий-маданий ва маиший жойларга томошага олиб бориш билан яқунланади. Бу йўналишлар ёшлар туризми деб ҳам юритилади. Бунда ҳар бир ёш фуқаро туристик хизматлардан фойдаланиб, чет давлатлар ва бошқа шаҳарларга чиқиши мумкин. Уларнинг саёҳати учун давлатимизда махсус қонунлар мавжуд. Бу қонунларга асосан уларни четга чиқариш, саёҳат ва зиёратга олиб боришни ташкил қилиш бошқа турлардан фарқ қилади. Ёшлар туризми учун махсус йенгилликлар мавжуд: билетлар ва турмахсулотларнинг қиймати 30—50 фоизга арзон, айрим турмахсулотлар 10—20 фоиз арзон сотилиши мумкин. Юқоридагилар ёшларнинг турмахсулотларни сотиб олишига анча қулайликлар яратади.

Ўсмирлар туризми (болалар) — болалар туризми бўлиб, ҳозир кўпчилик ривожланган давлатларда ёш болалар билими ва тафаккури ривожланишида асосий ўринни эгаллайди. Ривожланган давлатларда махсус марказлар мавжуд бўлиб, улар болалар туризмни ривожлантиришда асосий ўринни эгаллайди. Масалан, Англияда 300 та болалар туризми билан шуғулланадиган туризм фирмалари ва марказлари бўлиб, улар ҳар йили 700—900 минг туристларни қабул қилади ва бошқа давлатларга жўнатади.

Даволаниш туризми — махсус йўналиш ҳисобланиб, туристлар ўз касалликларини даволаш мақсадида ер ости иссиқ сувларига, махсус жойларга, шаҳарларга ва мутахассисларга боришади. Ҳозир республикамизда 500 дан ортиқ туристлар учун мўлжалланган даволаниш масканлари мавжуд бўлиб, улардан 100 тасига турли касалларни даволаш мақсадида 10—30 кунларга мўлжалланган турмахсулотлар сотилади. Ўлкамиздаги йер ости маъданли сувлари турли касалликларга даво бўлиб, бу сиҳатгоҳларга йўлланмаларни туристларга даволаниш учун турмахсулот сифатида янада кўпроқ сотиш мумкин.

Дам олиш кунлари йўналишлари — аҳоли ишламайдиган кунларда (шанба, якшанбада) ташкил қилинадиган туристик йўналишлар бўлиб, узоғи билан 2 кун давомида дам олиш ва зиёратларга бориб келадиган турлар ҳисобланади. Бу йўналишлар асосан шаҳар аҳолисининг шанба ва якшанба кунлари шаҳардан ташқарига бориб зиёрат, сайл қилиб, дам олиб келишидан ташқари шаҳар ичидаги музейлар, тарихий жойларни кўрсатиш каби йўналишларни ўз ичига олади.

Дам олиш туризми — дам олиш кунлари байрам ёки ишдан таътил олган кунлар махсус йўналишлардан фойдаланиш. Шаҳардан ташқарига дам олиб келиш мақсадида иш бўлмаган кунларда махсус тузилган йўналишлар. Охириги йўналиш қисқа ва фақат дам олиш кунлари, байрам кунлари ташкил қилинади. Ривожланган давлатларда дам олиш туризми таътил вақтида туристларнинг бошқа жойларга ва давлатларга бориб дам олиб келиш жараёнини ҳам назарда тутаяди. Масалан, Туркиядаги Анталия турмарказида бир вақтнинг ичида 2 минг турист дам олади. Дам олиш туризмида ҳар бир

йўналиш маълум миқдорда туристларнинг дам олишига мўлжалланган бўлади. Туристлар денгиз бўйида, тоғлар ўртасида ва махсус шифобахш жойларда дам олишни маъқул кўрадилар. Ўзбекистонда ҳозир 1300 дан ортиқ дам олиш масканлари мавжуд бўлиб, улардан 300 тасига халқаро туристларни жалб қилиш мумкин.

Денгиз туризми — туристик йўналишларнинг денгиз бўйлаб бориши ва фақат денгиз бўйлаб йўналишда бир неча шаҳарларни, давлатларни ўз ичига олиб, туристларни кемада олиб юриш. Денгиз туризмида йўналишлар ҳар хил бўлиши мумкин: тўғри, айланма ва бошқа йўналишлар. Масалан, Ўрта ер денгизиде бир ойда 300 дан ортиқ денгиз йўналишлари ташкил қилинади ва ўртача 5—10 давлатларга борадиган йўналиш ҳўйича туристларга сотилади<sup>1</sup>. Диний туризм — аҳолининг кўпчилиги динга эътиқод қўйиб, бошқа давлатлардаги диний иншоотларни, диний қадамжоларни зиёрат қилишади. Диний мақсадларда саёҳат қилувчиларнинг сони доимий ошиб бормоқда. Уларнинг сони ҳар йили 200 млн кишидан ортиқни ташкил этмоқда. Улардан 150 млн киши христианлар, 20-30 млн ҳиндулар, 40 млн буддистлар ва бошқалар<sup>2</sup>.

Ислон динига эътиқод қилувчилар Маккага, Мадинага, Бухорога, Урганчга ва Самарқандга боришади. Бошқа динларда ҳам ўзига хос зиёрат жойлари мавжуд. Бу каби йўналишлар диний туризм дейилади. Ҳар йили диний туризмда қатнашаётган туристлар сони дунё бўйича 4—5 миллиондан кўп. Диний туризм ўз динининг тарихи ва алломалари билан танишиш мақсадида диний объектларга сафар қилишни кўзда тутлади. Улар учун махсус йўналишлар тузилади. Бу йўналишлар барча диний минтақалар ҳудудида мавжуд бўлиб, минтақамизда Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий мақбараларини кўрсатиш бўйича туристик йўналишлар ташкил қилинапти. Бу йўналишлар чет давлатларда ҳам юқори талабга эга бўлиб, диний туризм яқин йилларда давлатимизда асосий турмаҳсулот бўлиб қолиши мумкин. Чунки республикамизда 200 дан ортиқ мўътабар қадамжолар саёҳати турмаҳсулот ҳисобида сотилиши мумкин.

Давомли йўналишлар — туристик мавсумга боғлиқ бўлмаган ҳолда туристлар қатнови тўхтамайдиган йўналишлар. Бундай йўналишлар ҳар бир давлатда мавжуд бўлиб, туроператорларнинг кундалик сотиладиган асосий турмаҳсулоти ҳисобланади. Масалан, Тошкент — Самарқанд — Тошкент йўналиши республикамизда ҳар доим мавсумга қарамасдан сотилади. Йил давомида мавжуд йўналишлар давомли, барча мавсумларда ва кўп йиллар давомида тўхтовсиз сотиладиган турмаҳсулотлар учун ташкил қилинади. Ҳар

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Что нужно знать бизнесмену (учебное пособие). Ташкент, РФНТИ, 1993.

<sup>2</sup> Журавель В., Шебалина Н. Паломничество и международный туризм. Сборник докладов и тезисов сообщений научно-практической конференции. Туристические приоритеты «Золотого наследия Руси» северо-западное Подмосковье. (Актуальные проблемы туризма). - М.: 1999. - 234 с.

бир давлат шаҳарларининг узлуксиз ҳамма вақт ишлайдиган йўналишлари мавжуд. Бу йўналишларга ҳар доим туристлар эҳтиёжи сезилади.

Зиёрат туризми — азиз жойлар, инсонлар, диний қадамжолар билан танишиш мақсадида бошқа жойларга бориш. Бугунги кунда республикамизда ислом зиёратгоҳлари кўп. Туристлар бошқа давлатлар маданиятини, санъатини ўрганиш мақсадида зиёратга боришади. Бу тарихий ёдгорликларни яхши ўрганиш ва уларни кўриш учун борадиган туристларга йўналишлар ташкил қилинади.

Иш туризми (хизмат) — ҳар бир киши туристик ёзма ижозат олиб, хизматларни олдиндан сотиб олган ҳолда бошқа давлатга бориб, ўз ишини бажариб келади. Масалан, бизнес мақсадида, конференцияга қатнашиш мақсадида, халқаро йиғилишларда учрашиш мақсадида бошқа шаҳарга ва давлатга бориш мумкин. Бизнесмен ўз бизнесини ташкил қилиш мақсадида бошқа давлатларга бориб келади. Туристлар иш юзасидан, зиёрат қилганда меҳмонхона ва ресторанлардан фойдаланишади. Охириги вақтда кўпчилик туристик ташкилотлар туристларни бир йилгача туристик визалар очиб, бошқа давлатларга ишлагани жўнатяпти. Бу ҳам ўз навбатида иш туризми деб аталапти. Иш туризми туристларнинг бошқа жойларга бориб ишлаш мақсадида бир йилгача турфирмалардан йўналишлар ташкил қилиб бериши билан туризмдан хизматлар сотиб олишади. Бу йўналишлардан туристларга виза очиш, иш билан таъминлаш, жой топиб бериш ва бошқа хизматларни ўз ичига олган турмаҳсулот кейинги йилларда жуда ривожланаяпти.

Ижтимоий туризм — давлат маблағидан, касаба уюшмаси ва бошқа фондлардан бериладиган маблағ ҳисобига бориладиган саёҳат. Маълум қисми касаба уюшмаси маблағидан тўланиб, ишчиларга ижтимоий ҳимоя ҳисобида берилади. Ижтимоий туризм охириги вақтда касаба уюшмалари ва давлат фондларидан ажратилган маблағлар ҳисобига олинган турмаҳсулотларни ишчиларга сотиш йўли билан амалга ошириляпти.

«экслюзив» тур — турмаҳсулот таркибига кирган хизматлардан ташқари кўшимча хизмат кўрсатиб, умумий тур хизматини яхлит сотиш. Кўшимча хизмат ҳисобига тур қиймати пасаяди. Масалан, турист 3 ёки 5 хизматни сотиб олса, яна 2—3 хизмат улар учун пулсиз берилади.

Илмий туризм — олимларнинг биргаликда конференция, фестивал, семинар ва бошқа йиғилишларни ўтказиш амалий тадбири. Бошқа давлатларда илмий изланиш мақсадида гуруҳлар тузилиб, улар махсус илмий ишларни бажаришга мўлжалланган бўлиб, бир неча давлатлардан ўтиши мумкин. Масалан, маълум бир қитъада илмий текшириш ишлари ўтказиш мақсадида тузилган гуруҳлар туристик ташкилотлар томонидан ташкил қилиниб, улар бир неча давлатларда илмий текширув ишларини ўтказишади. Улар ижтимоий изланишларни ўтказиш, тарихий-археологик жойларни казиш, ўрганиш мақсадида олиб бориладиган йўналишларда қатнашиши мумкин. Олимларнинг йиғилиб конференция ва анжуман ўтказиш мақсадида ташкил қилинадиган туристик йўналишлар ҳам илмий туризм деб айтилади.

Ички туризм — туристларнинг мамлакат ичидаги ҳаракатларининг кўрсаткичи бўлиб, айрим давлатларда резидент туристларга чет эллардан

келган туристларни ҳам кўшишади. Бошқача сўз билан айтганда, давлат ичидаги барча туристлар сони билан ифодаланади. Ички туристлар давлат ичидаги туристлар сориини билдириб, давлат ичидаги зиёратга бошқа давлатлардан келиб зиёрат қилган резидент туристларни кўшиш мумкин. Бундай йўналишлар ҳар бир давлат ичида мавжуд бўлиб, давлат резидентининг давлат ичидаги саёҳати давлатлардан келган туристларнинг давлат ичидаги саёҳатини ташкил этади<sup>1</sup>.

Туристтик йўналиш — туристлар маълум вақт ичида бориб келадиган шаҳарлар ва жойлар, кўриб келадиган тадбирлар, барча хизматларни ўз ичига оладиган йўлни ифодалайди. Йўналишда — бошланиш ва тамом бўлиш вақти, хизматлар сони ва сифати, қиймати, транспорт турлари ҳужжатда кўрсатилади. Йўналишлар ўз хусусиятига кўра бир неча турга бўлинади: ийланма, тўғри йўналиш, дам олиш кунларидаги йўналишлар ва бошқалар.

Космик туризм — туристларни ракеталар ёрдамида бошқа сайёра-ларга олиб бориш ва у ерда томоша, илмий иш ва дам олиш жараёни. Ер орбитаси атрофида айланиб, дам олдириб, томоша қилдириб ва қайта ерга тушириш ҳам космик туризм дейилади. Ҳавога ракеталарнинг учиши билан инсоннинг коинотга ракетада бориши, космосда маълум вақтгача бўлишига имкон берилади.

Кўп муддатли туризм (давомли) — айрим туристик йўналишлар уч ойдан бир неча ойгача, йилгача давом этади. Бунинг асосий сабаби даволаниш мақсадида, ишлаш мақсадида, айрим ҳолларда оилавий ва давлат ишларига боғлиқ равишда туристлар бошқа давлатларда кўпроқ бўлишади ва бундай турларга узоқ муддатли туризм дейилади. Умуман туристик йўналиш 24 соатдан бир йилгача давом этади, бир йилдан ортиғи 24 соатдан кам туристик йўналишга кирмайди.

Мавсумий туристик йўналишлар — туризмнинг айрим турлари мавсумга боғлиқ бўлиб, дам олиш вақтида авж олади. Масалан, денгизда чўмилиб дам олиш фақат ёз ойларида авжигача чиқади. Ҳар бир мавсумнинг ўзига хос йўналишлари бор. Қишда чанғида учиш, кузда махсус турларнинг кўпайиши, баҳорда экотуризмнинг ривожланиши. Ёзда республикамизда зиёрат қилиш, дам олиш, спорт туризми, махсус йўналишлар авж олади. Мавсумли туризмда айрим йўналишлар қишда, ёзда ривожланади. Туристлар дам олиш мақсадида кўпроқ ёзда ҳаракат қилишади ва ёзда турбазалар жуда юқори бандликка эга бўлади. Қишда туризмнинг бошқа турлари кўпроқ ривожланиши мумкин (чанғи, тоғ чанғиси). Ҳар бир туризм тури учун ўз мавсуми бўлади.

Махсус туристик йўналиш — муайян туристлар гуруҳлари ва яқка туристлар талабига кўра алоҳида тузилган йўналишлардир. Муайян гуруҳ туристлар учун алоҳида тузилган дастурга кўра қилинган йўналиш бўлиб, дастур ов, дам олиш, тоғга чиқиш каби махсус тадбирларни ўз ичига олади. Махсус туристлар бир-бирига ўхшамайди. Махсус йўналишларда ҳар бир

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Создание национальной индустрии туризма. В жур: «Экономика и статистика», №5, 1994.

йўналишга алоҳида дастур тузилиб, бу турларга «Алпинизм», «Тоғ туризми», «экотуризм», «экстремал туризм» ва бошқа турмахсулотлар киради.

Маърузали туристик йўналиш — маълум бир муаммога, тарихий иншоотга, улуғ кишиларнинг ўтмишига ёки давлат муаммоларига бағишланган маърузали йўналишларга туристларни жалб қилиш. Масалан, «Ипак йўли», «Улуғбек юлдузлари», «Гемур давлати» ва ҳоказо йўналишлар. Махсус маърузаларга бағишланган фестиваллар ва тадбирлар ҳар йили ўтказилади ва бу анжуманларда минглаб туристлар қатнашади.

Миллий туризм — ҳар бир миллат маданияти, санъати, урф-одатлари, тўйлари, байрамларини ўтказиш тадбирларини кўрсатувчи махсус йўналишлар миллий туризм дейилади. Миллий турмахсулотлар республикамизда 5 мингдан кўп бўлиб, уларни сотиш жараёни туризмдир.

Муҳим турист — бундай туристлар бошқа туристлардан фарқ қилиб, улар жуда сифатли хизматларни талаб қилади, юқори баҳода мазкур турмахсулотни сотиб олади. Асосан бой ва бадавлат кишилар ўз оила аъзолари билан махсус турлар сотиб олишади.

Миллий туристлар — Бутунжаҳон Туристик Ташкилотининг янги тавсиясига кўра миллий туристларга давлат ичида саёҳат қилган резидент туристларга резидентларнинг бошқа давлатларга кетган қисмини ҳам қўшиб ҳисоблаш тавсия этилган.

Маҳаллий туристлар — давлат миқёсида бир жойдан иккинчи жойга зиёрат қилувчи туристлар бўлиб, туристик ташкилотлар жўнатган ва улар қабул қилганлар сони билан ўлчанади. Айрим ҳолатларда маҳаллий туристларни саёҳатчилар ҳам деб айтилади. Чунки улар қисқа вақт ичида фақат бир шаҳар ичида музейлар, тарихий жойларга, дам олиш жойларига саёҳат қилишади.

«Носталгия» туризми — олдинги ҳаётини кўмсаш натижасида бошқа жойларга саёҳат қилиш. Охирги йилларда жаҳон бўйлаб, давлатлар ўртасида янги йўналишлар пайдо бўлди. Бундай сайёҳларнинг асосий мақсади ўз ота-боболари яшаган жойларни бориб кўриш ва қайта кўриш, улар қандай ва қанча яшаганлигини ва қандай тарихий ишлар қилганлигини билиш мақсадида махсус турларни сотиб олишяпти ва бу туризм «ўтмишини кўмсаш» ёки «ўтмишга қизиқиш» натижасида амалга ошириляпти. Масалан, республикамизда яшаб кетган рус, яҳудий, татар, олмон ва бошқа миллатлар вакиллари ва уларнинг авлодлари қайтиб келиб ўзи, ота-бобоси, қариндошлари яшаб ва ишлаб кетган жойларни кўриш мақсадида турмахсулотларни махсус йўналишларда республикамиз бўйича сотиб олишмоқда.

Ов туризми - махсус тур бўлиб, қонун бўйича рухсат берилган жойларда ҳайвонларни ов қилиш йўналишлари ташкил қилиниб, уларга рухсат олиб бериш, жойлаштириш, овқатлантириш ва керакли асбоб-ускуналар билан таъминлаш хизматларини сотиш жараёни амалга оширилади. Ов туризми мавсумий бўлиб, махсус вақтда рухсат берилади. Бу йўналишларда қатнашувчиларнинг махсус рухсатномаси бўлиши керак. У жуда самарали туризм турларига киради.

Оилавий туризм — ривожланган давлатларда туристлар ўз оилалари билан дам олиш ёки саёҳат қилиш мақсадида турмахсулотларни сотиб олишади ва бу йўналишлар таътил вақтида — болалар ўқимайдиган вақтларда кўп ташкил қилинади. Айрим турфирмалар оилавий туризмнинг янги турларини топишяпти. Масалан, тўйдан кейин бир неча давлатларга сайр қилиш, оилавий тўйларни ташкил қилиш, оилавий даволаниш каби турмахсулотларни сотишяпти. Оилавий турлар асосан дам олиш мақсадида ташкил қилинади ва арзон ҳисобланади.

«Пекиж-тур» — йўналиш бўйича кўрсаткичларни ифодаловчи ҳужжат ҳисобланади: томоша масканларининг қисқача тарих ва расмлари, давлат тўғрисида қисқача ахборот, йўналиш давоми, хизматлар тури ва қийматини умумий қилиб ифодаловчи ҳужжат пекиж-тур дейилади. Бу ҳужжат қанча қизиқарли чиқарилса, шунча туристларни жалб қилиш мумкин<sup>1</sup>. Турмахсулотлар сифатли бўлиб, лекин тур яхши ишланмаса туристларни жалб қилиш мумкин эмас. Турист бир неча давлатларда, шаҳарларда, вилоятларда бўлиши мумкин ва пекиж-тур қиймати, уларнинг ҳаммасига кетадиган харажатларни ҳисобга олади. Пекиж-тур туристик йўналиш ташкил қилиш мақсадида тузилган, туристларга керак бўлган асосий ҳужжат. Асосий пекиж-тур ҳужжатлари:

- шартномага асосан тузилган хизматлар турлари;
- дастур ва умумий хизматлар қиймати;
- қисқача хизматлар тўғрисида умумий маълумот;
- транспорт турлари, уларнинг сифати;
- томоша масканлари тўғрисида тарихий маълумотлар;
- турадиган меҳмонхона ва овқатланиш жойлари.

Яхлит тузилган. 2—3 бетлик ҳужжат сотиш учун мўлжалланган, туристларга қулай, тарқатиш учун енгил, жуда чиройли, ҳар қандай кишини қизиқтирадиган суратлар ва расмлар билан безалган бўлади.

Пиёда йўналиш — айрим туристлар махсус жойлардан, чўллардан, тоғлардан ва от-улов ўта олмайдиган жойлардан пиёда ўтишни хошлашади. Олдиндан пиёда юрадиган туристлар услубий тайёргарлик кўриб, махсус турмахсулот сотишади. Пиёда йўналишлар кўпчилик дам олиш жойларида ташкил қилинади, тоғларга чиқиш ва сайр қилиш каби қисқа турлар ҳар куни ташкил қилинади.

Спорт туризми — туристик ташкилотларнинг ҳар хил халқаро спорт йиғинларига келадиган туристларга хизмат кўрсатиши. Ҳақиқий спортдан спорт туризми фарқ қилади ва спорт дам олиш билан боғланган ҳолда махсус йўналишлар тузилади. Масалан, велоспорт, алпинизм, от ўйинлари каби спорт туризмига талаб йил сайин ўсиб боряпти. Канада давлати фақат спорт туризмидан, спорт турмахсулотларини бошқа давлатларга сотишдан йилига 5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ даромад олади. Спорт туризми, туризмнинг бир тур маҳсулоти бўлиб, велосипед, чанғи, тоғ чанғи, автомобил, мотоцикл, параплан, дельтаплан, сувда кемада сузиш,

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Турпродукт Узбекистана. В жур: «Экономика и статистика», №1,1995.



олимпиадаларда қатнашиш, гольф ва теннис ўйнаш мақсадларида ташкил қилинадиган туристик маҳсулотлар.

Сув йўналиши — сувга яқин шаҳарларда, денгизга яқин давлатларда махсус кемаларда сув бўйлаб юрадиган йўналишлар. Кемада шаҳарлар ўртасидаги аҳоли қатнови яхшиланган жойларда туристлар учун махсус сув бўйлаб юрадиган йўналишлар ташкил қилинади. Денгизда 10-15 кун бир неча давлатлар орқали юрадиган туристик йўналишлар махсус «круиз»ларда амалга оширилади. Бу йўналишлар дам олиш, ўқиш, тарихни, маданиятни ўрганиш мақсадида сув бўйлаб амалга оширилади.

Темир йўл йўналиши — шаҳарлар ва давлатлар ўртасида фақат поездда туристларнинг бориб келишлари ташкил қилинади. Бундай йўналишлар арзон, қулай, доимий бўлгани учун уларга талаб кўп бўлади. Кўп йиллар давомида Тошкент—Самарқанд—Бухоро—Урганч—Тошкент темир йўли йўналиши аҳоли ўртасида жъуда юқори талабга эга. Чунки ҳафтада икки марта бориб келганда бири иш кунларига ва иккинчиси дам олиш кунларига тўғри келганлиги учун доимо вагонлардаги жойлар банд бўлган. Чет давлатларда бундай йўналишлар барча турфирмаларнинг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Масалан: Куала-Лумпур— Сингапур—Куала-Лумпур темир йўл йўналиши бўйлаб ҳар йили бир миллиондан ортиқ туристларнинг асосий талаблари қондирилади.

Тижорат туризми — товар сотиб олиш ва ундан маълум даражада фойда кўриш мақсадида туристлар бошқа давлатларга бориб келишади. Турфирмалар махсус «Бизнестур»лар ташкил қилиб, уларга виза, карго, меҳмонхона, банк хизматларини, қабул қилиш ва кузатиб кўйиш хизматларини сотишади. Бизнес турлар товар конъюктурасига боғлиқ бўлиб, туристлар сони тез ўзгариш хусусиятига эга.

Тоғ туризми — тоғлар бўйлаб от-уловда, пиёда юриш ва ҳар хил тоғ ўйинларидан фойдаланиш, тоғ бағрида тоза ҳавода дам олиш, тоғ ҳайвонларини ов қилиш каби хизматларни турмаҳсулот сифатида сотиш амалга оширилади. Тоғ туризми республикамизда кенг ривожланиш имкоҳиятига эга ва кўпчилик аҳоли ёзда тоғ бағрида дам олиб келишади.

Тўғри йўналиш — туристларнинг бир жойдан чиқиб иккинчи ва учинчи жойларга, шаҳарларга бориб, яна шу йўлдан қайтиб келиши. Агар туристлар бир жойдан бошқа жойларга бир йўлдан бориб бошқа йўналиш бўйича қайтса, айланма йўналиш бўлади. Буларнинг фарқи фақат йўл ҳаракатларининг хусусиятига қараб аниқланади.

Туризм йўналиши дастури — йўналишлар бўйича алоҳида ёзиладиган асосий ҳужжат. Туристларнинг кўрадиган жойлари, транспорт туридан, меҳмонхоналардан фойдаланиш тартиблари ёзилади.

Тижорат туризми — савдо-сотиқ мақсадида туристлар бошқа жойга бориб, келадиган йўналиши. Ҳозирги вақтда республикамизда бизнес турлар камайиб, даволаниш, ўқиш каби турлар ортиб борапти.

Транзит туристлар — бир кунгача келиб қайтиб бошқа тарафга кетган туристлар. Қисқа — 24 соат вақт ичида тўхтаб ўз ишларини битириб, келган давлатига қайтиб кетадиган туристлар ҳам транзит туристлар. Улар денгиз

круизида юрувчилар, экипаж аъзолари, бирорта бошқа давлат орқали учиб кетадиган туристлар.

Улови йўналишлар — ҳайвонлардан йўналиш давомида туристларни ҳир жойдан иккинчи жойга ташувчилар сифатида фойдаланадиган йўналишлар киради: туя, от, ит ва бошқа ҳайвонлардан фойдаланиш мумкин. Туристларнинг бир жойдан иккинчи жойга боришига махсус ҳайвонлар тайёрланиб, уларнинг бориши ва келиш тартиблари махсус усуллар ёрдамида олдиндан белгиланади ва туристларга улови билан маълум вақтга сотилади.

Уюштирилган йўналишлар — махсус турларни ўз ичига олиб, стандарт йўналишларга қўшимча жойларга бориш ва махсус турларни тузиш туристларнинг талабига асосан тузилган йўналишлар. Бу йўналишлар ўзига хос бўлиб, бир-бирига ўхшамасдан аниқ бир турист талабини ҳисобга олган ҳолда тузилади ва ташкил қилинади.

Уюштирилмаган йўналишлар — махсус ёки ишлаётган йўналиш бўлиб, айрим туристлар ўзи бориши мумкин. Бу йўналишлар туроператор ва турагентлар томонидан сотилмасдан, туристларнинг ўзи бориб турмаҳсулотни жойида сотиб олиши жараёнида пайдо бўлади.

Ўқиш туризми — бошқа давлатлар олийгоҳида ўқишга, қисқа дастурларда малака оширишга бориш жараёни. Бирор миллатнинг маданияти, урф-одатини ва мусиқаси ёки тарихини ўрганиш мақсадида бошқа давлатларга бориш йўналиши. Музейларга ва концерт, киноларни кўриш мақсадида бошқа давлатларга бориш жараёни ҳам ўқиш туризмига киради. Ривожланган давлатларга туристлар тил ўрганиш мақсадида, янги иш тажрибаларини ўрганишда, янги технологияни бошқаришни ўрганиш мақсадида бориб келишади.

Халқаро туристлар — жаҳон туристик жамиятининг тавсиясига кўра халқаро туристлар сони бошқа давлатлардан келган туристларга бошқа давлатларга борган ўз резидент туристларни қўшиш билан аниқлаш лозим. Лекин кўпчилик давлатларда бошқа давлатлардан келган туристлар сони билангина аниқлашади. Бу албатта тўғри, чунки даромад келтирган туристлар бошқа давлатлардан келган туристлар ҳисобланади.

Халқаро туризм — туристларнинг бир давлатдан иккинчи ёки бир неча давлатга бориб келишини ифодалайди, айрим давлатларда фақат туристларнинг келиши ҳисобланса, бошқалари келган ва кетаётган резидентларни ҳам қўшиб ҳисоблайди. Халқаро туристлар давлат учун даромад келтирадиган туристлар ҳисобланади. Туристлар бир давлатдан иккинчи давлатга бориш сони билан ўлчаниб, резидентлар давлат ичидаги саёҳатчилар билан фарқ қилинади. Масалан, халқаро туризмда қатнашган туристлар сони бошқа давлатга ўзимиздан кетган туристларга тенг. Халқаро туризм қанча яхши ривожланса шунчалик давлатга кўпроқ валюта тушуми бўлади.

Чегара туризми — қўшни давлатлар ичида кенг ривожланиб, айрим кишилар тижорат қилиш мақсадида вақтинча чегарадан ўтишга рухсат олишади. Айрим давлатлар ўртасида ёзма ижозатсиз ўтиш масалалари ҳал

килиниб, туристик фирмалар ёрдамида ўтишга рухсат берилади. Чегарада жойлашган кўшни давлатлар ўртасида туристлар алмашинади.

Чартер йўналишлар — маълум бир давлатга ёки шаҳарга қисқа вақт ичида бориш ва махсус йўналиш ташкил қилинадиган турмаҳсулотларни ўз ичига олади. Бу йўналишлар янги турмаҳсулотни ўрганишда, талаб ва таклиф кўрсаткичларини ишлашда, турмаҳсулот конъюктурасини аниқлашда ишлатилади ва бир неча марта чартер йўналишлари ташкил қилинади. Чартер йўналишларининг натижасига асосан давомли йўналишлар ташкил қилинади. Чартер туризм йўналиши икки давлат ўртасида тузилган шартнома асосида туристлар алмашиш амалга оширилади ва хизмат турлари учун тўланадиган маблағлар келишиб олинган ҳолда, турфирмалар ёрдамида олиб борилади.

Этник туризм — ўз қариндош-уруғларини улар яшаётган давлатларга бориб кўриш мақсадида туристик фирмалар ёрдамида бошқа жойларга бориш жараёнини ифодалайди. Бу гуруҳ туристларга алоҳида ёзма ижозат берилади ва узоқ муддатга мўлжалланади.

Экотуризм — табиат билан боғлиқ бўлган барча йўналишлар «эко-туризм» дейилади. Бу йўналишларда асосан табиат турмаҳсулот сифатида сотилади. Масалан, туристлар тоғларда дам олишга, чўлларда сайр қилишга, ўтлар теришга, ҳайвонларни кўришга, балиқ овига боришга махсус турлар ташкил қилишни сўрайдилар. Ривожланган давлатларда экотуризм дам олиш туризми сифатида тез ривожланаётган йўналишлар ҳисобланади.

Ҳар бир америкалик хорижда экотуризмда қатнашган вақтларида кунига ўртача 100 доллардан маблағ сарфлайди<sup>1</sup>.

Якка ҳол турист — ҳозирги даврда гуруҳлар жўнатиш қийин бўлган йўналишларга туристларнинг бир ўзига «ваучер» сотиб, йўналиш бўйича виза, меҳмонхона, кутиб олиш хизмати каби асосий турмаҳсулотларни сотишади. Йўналиш бўйлаб ҳар бир турист ўзи бориб келади. Айрим ҳолларда турист бошқа давлатларда олинадиган турмаҳсулотларни жойида (ўз давлатида) сотиб олиш жараёни ташкил қилинган.

Ривожланган мамлакатларда туризм уйғун ҳолатда тараққий этади. Ички ва қабул қилиш туризмида баланс мувозанат мавжуд. Ички туризм миллий туристик ресурслардан унумли фойдаланиш ва туризм индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантиришга ёрдам беради<sup>2</sup>.

Аммо, амалиётда ҳамма мамлакатлар ҳам бунга қодир эмас. Албатта, иқтисодиёти туризм билан боғлиқ мамлакатларгина бунга амал қиладилар. Айрим мамлакатлар ички давлат тузуми баҳонасида фуқароларининг хорижга чиқишини чегаралаб қўйишади ёки туристик фаолиятни давлат томонидан бошқариш учун чора-тадбирлар киритишади. Яъни, давлатнинг рухсатсиз бирор йерга чиқиш қийинлашади, туризмни бошқариш давлат қўлига ўтади.

<sup>1</sup> Методические рекомендации (Всемирной туристической организации). «Развитие национальных парков и охраняемых природных территорий в туристических целях». Туризм и окружающая среда ВТО, ЮНЕП. ИЕ/РАС, Серия технических докладов, №13. - 61с.

<sup>2</sup> Ташмурадов Т. Международный туризм в XXI веке, Египет. Каирский Университет. 1996, 9 стр.

Статистик маълумотларга кўра венгриялик чақалоқ ва пенсионерларни ҳисобга олмаганда ҳар бир фуқаро йилда икки марта хорижий мамлакатларга туризм мақсадида чиқади. Бу кўрсаткич Россия аҳолисининг фақат 2 % ни ташкил этади.

Ер юзидаги кўплаб давлатларнинг аҳолиси туризм мақсадида хорижга чиқишга қодир эмас. Асосий сабаб олинадиган маошнинг камлиги ёки аҳолининг камбағаллигидир. Сўнгги йилларда Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига ҳукуматимиз ва хорижий инвесторлар томонидан туризм инфратузилмаси учун маблағ ажратилди. Йирик меҳмонхоналар қурилди, модернизация қилинди, янги замон талабидаги автобус ва авиалайнерлар сотиб олинди. Йирик туристик марказлар, маданий ёдгорликлар таъмирланди, йўллар барпо этилди. Хусусий меҳмонхоналар ва миллий уйлар бунёд этилиб, маҳаллий ва хорижий туристлар қабул қилинмоқда. Рекреацион ҳудудлар, масалан, Чорбоғ — Чимён ҳудудига республика бюджетидан катта маблағ ажратилди. Маданий-тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Республикамизда ички туризмни ривожлантириш бутун дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкент каби тарихий шаҳарларни ривожлантириш, аҳолининг туризм ва дам олиш эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун туристик ресурслардан максимал тарзда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, бошқа иқтисодий омиллар ҳам мавжуд. Масалан, туристик хизматлардан, айниқса, транспорт, меҳмонхона, овқатлантириш хизматлари даражаси ва нархи туристларни қаноатлантирмайди. Маҳаллий туристлар учун ҳам, хорижий туристлар учун ҳам бир хил нарх белгиланган. Лекин, Нью-Йорк ва Тошкент шаҳарлари аҳолиси яшаш тарзи, даромадлари турлича.

Ҳозирда қанча хорижий фуқаронинг республикамизга келганлиги ва чиқиб кетганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Ҳар бир ташкилот ўзининг статистикасини олиб боради. Ташқи ишлар вазирлиги берилган визалар сони билан, Ички ишлар вазирлиги рўйхатга олинган хорижий фуқаролар сони билан, божхона кўмитаси иқтисодий декларация тўлдирган фуқаролар сони билан; Давлат чегараларини муҳофаза қилиш кўмитаси аэропорт, темир йўл вокзалининг асосий пунктларида келувчилар ва кетувчиларни рўйхатлаш билан шуғулланадилар.

Жаҳон туризм ташкилоти томонидан чоп этилган «Жаҳони туризм ташкилотининг 2005 йилдаги ривожланишининг асосий кўрсаткичлари» номли нашрда халқаро туризм ривожланишининг асосий кўрсаткичлари берилиб, унда жумладан қуйидаги маълумотлар ўрин олган:

Жаҳон туризм ташкилотининг берган маълумотига кўра, 2005 йилда халқаро туризм 3 фоизга ўсган. Бу кўрсаткич 2002 йилда 5 фоизга қисқарган эди.

Арзон авиалиниялар Шимолий Америка ва Европада ўсиб борди. Интернетнинг аҳамияти нафақат ахборот манбаи сифатида, шунингдек, ташишларни ташкил этиш, меҳмонхона ёки саёҳатларни резервлашда ҳам катта бўлди. 2005 йилда барча ҳудудларда халқаро туризм соҳасида ижобий силжишлар юз берди. Фақат Шимолий ва Жанубий Америка бундан

мустанасно. Бу ерда 11 сентябр воқеаларидан сўнг, 2001—2002 йилларда 10 %, 2005 йилда эса 4 % пасайиш юз берган. Европа туроператорлари дунёда ўзининг етакчилигини давом эттирди. Жаҳон бозорида улар 57 % улушни қўлга киритиб, 2 % ўсди. Осиё ва Тинч океани ҳудудлари туроператорлари 8 % га, Яқин Шарқ мамлакатлари 17 % ўсишга эришди. Африкада сўнгги йиллардаги ўсиш суръати 3 % сақланиб қолди.

Халқаро туризмдан 474 млрд АҚШ доллари ёки 501 млрд евро дунё туроператорлари томонидан қабул қилинди. 2005 йилдан кейинги иқтисодий танглик ва туристларнинг келишидаги камайишга қарамай (2000 йилдан кейин 20 % га қисқарган) АҚШ дунёда ўз етакчилигини сақлаб қолди ва 67 млрд АҚШ доллари ҳисобида фойда кўрилди. Ундан кейинги ўринларда Испания, Франция, Италия каби мамлакатлари бўлиб, улар 34 млрд АҚШ долларида 27 млрд АҚШ долларигача фойда кўрдилар. Шунингдек, Гонконг (Сянган), Хитой ва Австрия рекорд натижаларни қўлга киритдилар, уларнинг фойдалари 2002 йилга қараганда икки марта ортди.

Туризм ички ва халқаро кўринишларда акс этади. Ўз мамлакати ҳудудида олиб борилган туристик фаолият ички туризмга ва бошқа мамлакатга бориб уюштирилган турлар халқаро туризмга алоқадордир.

## **II боб Халқаро туризмнинг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари**

### **1. Халқаро туризмнинг сўнги йилларда ривожланиши**

Халқаро туризм — туристларнинг бир давлатдан иккинчи ёки бир неча давлатга бориб келишини ифодалайди, айрим давлатларда фақат туристларнинг келиши ҳисобланса, бошқалари келган ва кетаётган резидентларни ҳам қўшиб ҳисоблайди. Халқаро туристлар давлат учун даромад келтирадиган туристлар ҳисобланади. Туристлар бир давлатдан иккинчи давлатга бориш сони билан ўлчаниб, резидентлар давлат ичидаги саёҳатчилар билан фарқ қилинади. Масалан, халқаро туризмда қатнашган туристлар сони бошқа давлатга ўзимиздан кетган туристларга тенг. Халқаро туризм қанча яхши ривожланса шунчалик давлатга кўпроқ валюта тушуми бўлади.

Халқаро туристлар — жаҳон туристик жамиятининг тавсиясига кўра халқаро туристлар сони бошқа давлатлардан келган туристларга бошқа давлатларга борган ўз резидент туристларни қўшиш билан аниқлаш лозим. Лекин кўпчилик давлатларда бошқа давлатлардан келган туристлар сони билангина аниқлашади. Бу албатта тўғри, чунки даромад келтирган туристлар бошқа давлатлардан келган туристлар ҳисобланади.

Сўнги йилларда халқаро туризмнинг ривожланиш кўрсаткичлари бу соҳанинг турли мамлакатлар иқтисодиётининг етакчи тармоғига айланиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Айниқса ривожланаётган мамлакатлар ўз иқтисодий сиёсатларини ишлаб чиқишда халқаро туризмга устивор соҳа сифатида алоҳида аҳамият қаратишмоқда.

Шу боис дунё бўйича халқаро туризмнинг ривожланиш тенденцияларини БМТ БТТ маълумотлари асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро сайёҳлар ташрифи 2006 йилда 846 миллионга етиб, ўтган йилга нисбатан 5.4 фоиз ўсишга эришилди. Туризм сектори ўсиш суръатлари ўртача ўсиш суръатларидан юқори кўрсаткичга эгаллиги билан ажралиб туради. 2006 йилнинг алоҳида хусусияти шундан иборатки барча минтақаларда ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. 846 млн халқаро ташрифлар амалга оширилиши 2005 йилга нисбатан 43 млн кўшимча ташрифлар жумладан, 22 млн Европа, 12 млн Осиё ва Тинч океани ва қолган минтақалар 3 млн дан (Америка, Африка ва Яқин Шарқ) халқаро ташрифлар тўғри келади. Африка (+9%) кўрсаткичи билан 2006 йилда ўртача ўсиш суръатларидан деярли икки баробар катта кўрсаткич билан етакчилик қилмоқда. Бунда Саҳрои Кабир минтақаси 10 фоиз, Шимолий Африка 7 фоиз кўрсаткичи билан йилни дунё ўртача кўрсаткичидан юқори кўрсаткич билан яқунлади. Осиё ва Тинч океани минтақаси 8 фоиз ўсишга эришган бўлиб, 2004 йил декабр ойидаги цунами тўфонлари натижасида Таиланд ва Мальдив оролларида юзага келган талофатларга қарамасдан ижобий

кўрсаткичларга эришилди. Европада 5 фоизга ўсиш кузатилган бўлса, Яқин Шарқдан у ердаги геосиёсий вазиятга қарамасдан яъни Исроил-Ливан инқирозига қарамасдан 9 фоизлик ўсиш суръатларига эришилди.

Ўсиш суръатлари энг паст минтақа бу Америка бўлиб 2 фоизлик ўсишга эришилган. Бунда Канада ва Мексикага ташрифлар ўсиш суръатлари турғунлашуви Марказий Америка ва Кариб ҳавзаси, Жанубий Америкадаги юқори суръатларни чиппака чиқармоқда. (2.1-жадвал)

### Халқаро туризм ривожланиш тенденциялари

2.1-жадвал

	Халқаро сайёҳлар ташрифи (млн)					Бозор- даги улуш (%)	Ўзгариш (%)		Йиллик ўртача ўсиш (%)
	1990	1995	2000	2005	2006*	2006*	05/04	06*/05	00-06*
<b>Дунё</b>	<b>436</b>	<b>536</b>	<b>684</b>	<b>803</b>	<b>846</b>	<b>100</b>	<b>5,5</b>	<b>5,4</b>	<b>3,6</b>
<b>Европа</b>	<b>262,3</b>	<b>310,8</b>	<b>392,5</b>	<b>438,7</b>	<b>460,8</b>	<b>54,4</b>	<b>4,3</b>	<b>5,0</b>	<b>2,7</b>
Шимой Европа	28,3	35,8	42,6	51,0	54,9	6,5	7,8	7,6	4,3
Ғарбий Европа	108,6	112,2	139,7	142,6	149,8	17,7	2,6	5,0	1,2
Марказий/Шарқий Европа	31,5	60,0	69,4	87,8	91,2	10,8	2,2	3,9	4,7
Жанубий/Марказий Европа	93,9	102,7	140,8	157,3	164,9	19,5	5,9	4,8	2,7
<b>Осиё ва Тинч океани</b>	<b>56,2</b>	<b>82,5</b>	<b>110,6</b>	<b>155,3</b>	<b>167,2</b>	<b>19,8</b>	<b>7,8</b>	<b>7,7</b>	<b>7,1</b>
Шимоли-Шарқий Осиё	26,4	41,3	58,3	87,5	94,0	11,1	10,3	7,4	8,3
Жануби-Шарқий Осиё	21,5	28,8	36,9	49,3	53,9	6,4	4,9	9,3	6,5
Океания	5,2	8,1	9,2	10,5	10,5	1,2	3,7	0,4	2,2
Жанубий Осиё	3,2	4,2	6,1	8,0	8,8	1,0	4,7	11,0	6,4
<b>Америка</b>	<b>92,8</b>	<b>109,0</b>	<b>128,2</b>	<b>133,2</b>	<b>135,9</b>	<b>16,1</b>	<b>5,9</b>	<b>2,0</b>	<b>1,0</b>
Шимолий Америка	71,7	80,7	91,5	89,9	90,7	10,7	4,7	0,9	-0,2
Кариб ҳавзаси	11,4	14,0	17,1	18,8	19,4	2,3	3,7	3,5	2,2
Марказий Америка	1,9	2,6	4,3	6,3	7,0	0,8	13,2	10,8	8,2
Жанубий Америка	7,7	11,7	15,3	18,2	18,8	2,2	11,9	3,0	3,5
Жаҳон иқтисодиётининг ҳаддан ташқари беқарорлиги натижасида (молиявий инкироз, товар ва нефт нархи ошиши, алмашув курсларининг кескин тебраниши) туризм талаби йил давомида сезиларли даражада сусайди, 2008 йилнинг 6 ойи давомида 5 фоиз ўсишга эришилган бўлса иккинчи 6 ойида 1 фоиз пасайиш кузатилди. 2008 йилнинг 6 ойи давомида Европа (-3 фоиз) ва Осиё (-3 фоиз) ўсиш суратлари 2007 йил 6 ойига нисбатан паст эканлигини кўришимиз мумкин.

Йил давоми Европадан ташқари барча барча минтақалар ташрифлар ўсишига эришилди. Энг яхши кўрсаткичлар Яқин Шарқ (+11фоиз), Африка (+5), Америка (+4фоиз) минтақаларига тегишли.

Европадаги салбий натижалар Шимолий ва Ғарбий Европадаги салбий натижалар таъсирида вужудга келди.

Осиё ва Тинч Океани минтақаси 2008 йилда (2007 йил 11фоиз) 2 фоиз ўсишга эришди. Жанубий Шарқий Осиё (+4 фоиз), Жанубий Осиё (+4 фоиз), Шимоли-Шарқий Осиё (+0.4 фоиз) ва Океания (-1.5 фоиз) кўрсаткичларга эришди.

Америка қитасида АҚШдаги ўсиш (Шимолий Америка +3фоиз) ва Марказий ва Жанубий Америкада ҳам туристлар ташрифи ошиши кузатилди. Кариб хавзаси дунёдаги 2007 йилдга нисбатан кўпроқ ўсиш суратига эришган ягона ҳудуд ҳисобланади (2007- йилда 1фоиз, 2008 йилда 1.2фоиз).

Яқин Шарқ тезкор ўсиш суратига эришмоқда яъни 2008 йилда 11 фоиз ўсишга эришди.

Африкада ҳам 5 фоиз ўсишга эришди ва бу кўрсаткич ўтган йилги натижанинг ярим ҳисобланса ҳам яхши натижа ҳисобланади.


Ўтган йилга нисбатан ўсиш суратлари пасайган бўлса ҳам Гондурас, Никарагуа, Панама, Уругвай, Корея республикаси, Макао (Хитой), Индонезия, Миср, Ливан, Иордания, Марокаш ва Туркияда яхши натижаларга эришилди.

Ҳаво транспорти уюшмалари малумотларига кўра ҳам пасайиш кузатилган. Ноябрь ойида йўловчилар ҳаракати 2.2 фоизга ошган (2007 йилда +7.4 фоиз) бўлсада йил якуни бўйича кўрсаткичлар ёмонлашган. Ташиш сифими 3.9 фоизга ошган бўлса ҳам юк ташишга бўлган талаб 76 фоизга пасайди (2007 йилда 77 фоиз)

- 2008 йил 11 ойи бўйича меҳмонхоналар бандлигида ҳам пасайиш кузатилганлиги таъкидланмоқда. Яқин Шарқ (+2фоиз) ва Марказий ва Жанубий Америка (+6 фоиз) дан ташқари барча минтақаларда пасайиш кузатилди. Юқорида тилга олинган минтақаларда мос равишда тушумлар ҳам икки баробарга ортган.

## 2. Халқаро туризмнинг ривожланиш истиқболлари

2020 йилгача туризмнинг ривожланиш истиқболлари бўйича БСТ прогнозларига эътибор берадиган бўлсак, 1995 йилдан бошлаб 25 йилни ўз ичига олувчи миқдорий прогнозлар бўйича йилига 4.2 фоиз ўсиши тахмин қилинмоқда.



2020 йилга бориб прогнозлар бўйича халқаро ташрифлар 1.6 млрд кишига етади. Шундан 1.2 млрд киши минтақа ичида, 378 миллиони узоқ масофаларга саёҳатларни ташкил этиши тахмин қилинмоқда.

2020 йилга бориб энг яхши учта минтақада тўлиқ сайёҳлар ташрифи куйидагича бўлиши кутилмоқда: Европа (717 млн киши), Шарқий Осиё ва Тинч Океани (397 млн киши) ва Америка (282 млн киши) сайёҳларнинг сезиларли қисмини қабул қилади.

Шарқий Осиё ва Тинч Океани, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Африка йилига 5 фоиздан ортиқ ўсиш кўрсаткичларига эга бўлиши, Европа ва Америка ўртача ўсиш кўрсаткичларидан паст натижага эришишилари кутилмоқда.

Узоқ масофаларга саёҳатлар ўсиш суратлари ошиб боради ва 1995 йилдаги минтақа ичкарасидаги ва узоқ масофаларга саёҳатлар ўртасидаги нисбат 82:18 2020 йилга бориб 76:24 нисбатда бўлиши тахмин қилинмоқда. (2.4.2-жадвал)

### Минтақалар бўйича халқаро сайёҳлик ташрифлари (миллион киши)

2.20.-жадвал

	Базис йил	Истиқбол		Ўртача йиллик ўсиш (%)	Улуши (%)	
		1995	2010		2020	95-2020
<b>Умумий</b>	<b>565</b>	<b>1,006</b>	<b>1,561</b>	<b>4,1</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
<b>Африка</b>	20	47	77	5,5	3,6	5
<b>Америка</b>	109	190	282	3,9	19,3	18,1
<b>Шарқий Осиё/Тинч Океани</b>	81	195	397	6,5	144	25,4
<b>Европа</b>	338	527	717	3	59,8	45,9
<b>Яқин Шарқ</b>	12	36	69	7,1	2,2	4,4
<b>Жанубий Осиё</b>	4	11	19	6,2	0,7	1,2
<b>Минтақа ичида</b>	464	791	1,183	3,8	82,1	75,8
<b>Узоқ масофага</b>	101	216	378	5,4	17,9	24,2

БМТ БТТ экспертлари томонидан 2008 йил якунлари бўйича хисоботда 2009 йилда халқаро миқёсда туризм ривожланиши прогнозлари куйидагича:

- иқтисодий пасайиш, бозордаги беқарорлик, истемолнинг пасайиши давом этади.
- 2009 йилда тушкунлик ҳатто 1-2 фоиз пасайиши кузатилиши мумкин.
- Америка билан бирга Европада ҳам пасайиш кузатилмоқда. Осиё ва Тинч Океанида ўсиш суратлари секинлашса ҳам ижобий бўлади. Шу фикрлар Африка ва Яқин Шарқ тўғрисида ҳам айтиш мумкин.
- Компаниялар ҳаражатларини эҳтиёткорлик билан марказлаштиришади ва рақобат устунликларни сақлаб қолишга ҳаракат қилишади.
- Бу ҳолатда жамоат ва хусусий сестор биргаликда ҳаракат қилган ҳолда фаолият юритишлари лозимлигини кўрсатмоқда.

Тарихдан маълумки инқирозлар салбий оқибатлардан ташқари ижобий имкониятларни ҳам вужудга келтиради яъни ишлаб чиқаришнинг таркиби



тўлик ислоҳ қилинишига олиб келади. Бу борада БМТ БТТ туризм соҳасига зарурий кўмак бериш уни қўллаб-қуватлашни амалга оширади.

БМТ БТТ учта ўзаро боғлиқ ташаббусга эътибор қаратмоқда:

- яқинда ташкил этилган туризм қўмитаси орқали кучли бозор маълумотлари ва яхши усуллари тақсимлаш;
- туризм устуворлигини иқтисодий чоралар таркибига киритиш;
- туризмнинг энг эластик йўл эканлигини такидлаш лозим ва у иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали комбағалликнинг енгиллаштирилишига олиб келади.

### Ш боб Ўзбекистонда халқаро туризмнинг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари

#### 1. Ўзбекистонда халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий асослари ва унинг долзарб йўналишлари

Республикада халқаро туризмни янги босқичга кўтариш ва самара билан фаолият кўрсатишга мос келадиган янги шароит ва механизм вужудга келди. Ўзбекистон тарихида ва айниқса бу ўлкада туризм ривожланиши тарихида «Буюк Ипак йўли»нинг тутган ўрни ва моҳияти ниҳоятда чексиз<sup>1</sup>.

Бир неча асрлар давомида заминнинг Ғарб ва Шарқда истиқомат қилган халқларни Жануби-шарқий Осиёдан Ўрта ер денгизи мамлакатларигача чўзилган ва «Буюк Ипак йўли» деб ном олган савдо-сотик йўли бир-бири билан боғлаб турар эди. Бу йўлга «Ипак йўли» деб ном берилишининг асосий сабаби бу ердан ташиладиган маҳсулотлар ипак бўлганлигидандир.

Буюк Ипак йўлида Туркистон ҳудуди етакчи ролни бажариб келган, у ҳудуддаги Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Хўжанд, Чоржўй каби қатор шаҳарлар Ипак йўлидаги асосий манзиллар бўлган. Ўзбекистон ўзининг қулай географик ўрни туфайли бу тарихий йўлда марказий ўринни эгаллаган. Немис олими Рихтгофен XX асрга келиб Ипак йўлининг шон-шуҳрати маълум даражада ўз моҳиятини йўқота бошлади деган эди. Эндиликда унинг номи тез-тез тилга олинадиган бўлди ва унинг тарихда тутган ўрни ҳамда аҳамиятини тиклаш, бу йўлда туризмни ривожлантириш каби мақсадларни мўлжаллаб, 1994 йилнинг октябр ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва нуфузли ташкилот ЮНЕСКО иштирокида Ўзбекистонда Бутунжаҳон Туризм Ташкилотининг кенгаши бўлиб ўтди ва кенгаш аъзолари Ипак йўли бўйлаб туризм фаолиятини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган Самарқанд Декларацияси қабул қилинди.

Ўзбекистонда халқаро туризмни янада юқори босқичга кўтаришда 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Туризм тўғрисида қонун» алоҳида ўрин тутди. Бу қонун туризмни кучайтириш ва туризмга хизмат қилиши лозим бўлган инфраструктурани вужудга келтириш имконини беради.

Туризмни ривожлантиришга оид Фармон ва қарорларни бажариш ва Республикада туризм тараққиёти учун зарур бўладиган улкан имкониятлардан оқилона фойдалана билиш лозим<sup>2</sup>.

Бозор иқтисодиёти шароитида ва бозор муносабатлари ривожланиши натижасида Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар юзага келаётганлиги, туризмнинг республика иқтисодиётига янада интеграцияланиши мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб етмоқда. Буларнинг барчаси чет эллик туристлар эътиборини ўзига тортади.

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Саёҳатни ташкил қилиш (ўқув қўлланма), Т.: ТошДИУ, 2000, 49-б.

<sup>2</sup> Ташмурадов Т. Туроператор менежменти (ўқув қўлланма), Т.: ТошДИУ, 2000, 54-бет.

Халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистонда мавжуд бўлган сиёсий барқарорлик ҳам муҳим ўрин тутади.

Аmmo халқаро туризм тараққиёти даражасини юқори босқичга олиб чиқишда ҳали кўп ислохотларни амалга ошириш, кечиктириб бўлмас чораларни белгилаш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш лозим бўлади.

### Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижлик туристлар<sup>1</sup>

3.1-жадвал

Йиллар	Туристлар (минг киши)	Ўтган йилга нисбатан ўсиш,
1998	272,0	7,6
1999	274,0	0,7
2000	306,0	11,9
2001	326	10,3
2006	330	12,4

Ўзбекистонда халқаро туризмни янада жонлантириш мақсадида 1995 йилнинг октябр ойида Тошкент шаҳрида «Буюк Ипак йўли бўйлаб туризм» деб номланган биринчи халқаро туристик ярмарка ўтказилди. Ярмарка шундан буён ҳар йили ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда «Буюк Ипак йўли»нинг аҳамияти чексизлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳукумат томонидан қабул қилинган «Буюк Ипак йўлининг тикланишида Ўзбекистон Республикасининг иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони кутилган натижаларни бермоқда. Буюк Ипак йўли орқали ташилган маҳсулотлар ипакдангина иборат бўлмай, балки бу йўл орқали бронза, жун хомашёлари ва улардан тайёрланган буюмлар ҳам ташилар эди. Буюк Ипак йўли икки минг йиллик тарихга эга, у йўл асосан Италиядан Туркия орқали Ироқ ва Эронга борган, у ердан эса Марказий Осиёга ҳамда Шимолий Помир орқали Ёркентгача борган. Бу ердан йўл иккига ажраган ҳамда шимол томондан Такла-Макон саҳросини айланиб ўтиб Лобнор кўли яқинида қўшилган ва Шанхайгача борган.

Ўзбекистонда кейинги йилларда ажойиб иншоотлар, маданий дам олиш масканлари, зиёратгоҳлар вужудга келди. Сўнгги йилларда республикамизда боис, ўзбек миллий кураши, теннис бўйича жаҳон миқёсида нуфузли чемпионатлар ўтказилмоқда. Бу тадбирлар кўпгина хорижий мамлакатлардан туристлар келишига олиб келмоқда. Халқаро туризмни ривожлантиришда бу омилларни ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим.

<sup>1</sup> Манба: «Ўзбектуризм» МК. 2005 й.

## Ўзбекистон туризмнинг иқтисодий кўрсаткичлари<sup>1</sup>

3.2-жадвал

Йиллар	Жами хизмат, млн сўм	Фойда, млн сўм	Туристлар, минг киши		Турхизматлар
			Жами	Шундан хорижий	Экспорти, млн доллар
1999	4814	622	752	274	25,5
2000	4990	661	864	306	25,8
2006	5343	703	916	329	27,5

Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида халқаро туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари давлат томонидан белгиланган бўлиб, иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун турли битимлар, келишувлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир вақтда халқаро туризмни ривожлантиришда амалга оширилиши муҳим бўлган ишлар қуйидагилардан иборат:

- халқаро туризмда кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятидан кенг фойдаланиш ва халқаро бозорларга чиқишга интилиш;
- маҳаллий ахборот агентликлари орқали ривожланган мамлакатларни Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари билан таништиришга ҳаракат қилиш;
- туризм соҳасида ишлайдиган мутахассисларни чет элларда бир йилда камида бир марта малака оширишга юбориш, ўқитиш, улар учун барча имкониятларни яратиш, туристларга сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш;
- республикамиз вакилларининг Европа мамлакатларида ўтказиладиган туристик ярмаркаларда доимий равишда иштирок этишини таъминлаш;
- халқаро туристик ташкилотлар билан ахборот алмашишни яхшилаш, биргаликда фаолият юрита оладиган қўшма корхоналар, компаниялар фаолиятини кенг йўлга қўйиш;
- ички туристик бозорда ўзаро рақобатни янада кучайтириш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш»муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқаро туризмни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиёти учун ғоятда зарур боғлиқ, унинг имкониятларидан келиб чиқиб, туризм соҳаси орқали аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш учун иш ўринларини ташкил қилиш мумкин бўлади. Бу мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган ишлар кўлами жуда кенг<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг ривожланиши унга бўлган муносабатнинг ижобий томонга силжиши билан белгиланади. Республикамиз шароитида, айниқса, ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантиришда туризмнинг имкониятлари бошқа соҳаларга қараганда жуда каттадир. Чунки республикадаги иқтисодий барқарорлик ва бозор иқтисодиётига босқичма-

<sup>1</sup> Манба: «Ўзбектуризм» МК.

<sup>2</sup> Ташмурадов Т. Международный туризм (учебное пособие), Т.: ТашГЭУ, 2000, 43 стр.

босқич ўтилиши тадбиркорларга кенг йўл очиши билан бирга уни жадал ривожлантириш имкониятларини туғдирмоқда. Жаҳондаги ҳар бир давлатнинг иқтисодий юксалишида энг асосий омил — тинчлик ва ижтимоий адолатдир. Ўзбекистон ҳозир Марказий Осиё минтақасидаги иқтисоди тез ривожланиб бораётган ва энг тинч, осойишта республика бўлиб, тадбиркорлар ва ишбилармонларни, туристлами жалб қилувчи маконлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг ривожланиш даражасига эришиш мақсадида иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш чора-тадбирларини кўриб, ўз миллий моделига асосланган туризм соҳасини шакллантириш учун керакли ишлар қилинмоқда. Ушбу миллий модел биринчи навбатда ички имкониятларни, ўзбек халқининг менталитетини ва жаҳон андозаларига мос келадиган омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Ўзбекистоннинг жаҳон туризм бозоридаги салоҳияти Марказий Осиё давлатлари ичида энг юқори имкониятларга эга. Республика ҳудудида тўрт мингдан ортиқ қадимий меъморчилик, монументал санъат ёдгорликлари мавжуд. Ўзбекистон тарихий меъморий ёдгорликларнинг сони бўйича жаҳондаги ўнта етакчи мамлакат қаторига киритилиб, тўртта йирик шаҳри ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданияти ёдгорликлари сифатида халқаро ташкилот томонидан муҳофазага олинган.

### Ўзбекистоннинг халқаро туризмдан олаётган валюта тушуми

3.3-жадвал

Йиллар	Валюта тушуми (минг \$ ҳис.)	Ўртача 1 туристга тўғри келадиган валюта, долл.
1997	18.835	74.5
1998	20.980	77.1
1999	25.255	93.2
2000	26.370	102.3
2001	28.485	132.9
2002	32.390	145.2
2006	34.000	156.0

Манба: «Ўзбектуризм» МК. 2005 й.

Халқаро туризм республикамиз иқтисодиёти учун ғоятда зарур бўлган валюта тушумини таъминлайди. Туризмнинг республика иқтисодиёти учун қанчалик зарур тармоқ эканлигини келтирилган жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Республикада халқаро туризмни ривожлантиришда тарихий-маданий обидалар билан бир қаторда дам олиш, ҳордиқ чиқариш учун хизмат қиладиган туристик объектларнинг ҳам мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Бунга мисол қилиб ҳар йили ўн миллионлаб туристлами ўзига жалб қилиб, муваффақият билан ишлаётган Европадаги паркларини олиш мумкин. Париж

«Диснейленд»ига ўртача 15 млн га яқин туристлар ташриф буюришади. Ўзбекистонда ҳам шу каби парклар сонини кўпайтириш имконияти йетарли. Тошкентда 1997 йилдан бошлаб Диснейленд ва Аквапарк фаолият кўрсатиб келмоқда. Лекин бундай парклар сонини кўпайтириш, хизмат сифатини яхшилаш ва фаолиятини янада кенгайтириш учун чет эл инвестицияларини жалб қилиш, техник имкониятларини кенгайтириш талаб қилинади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси бу йўлнинг самарали эканлигидан далолат бериб турибди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида туризмнинг ривожланишида туристик ташкилотларнинг ва тадбиркорларнинг ўрни келажакда янада ортиб бориши кутилмоқда. Буни «Ўзбектуризм» МК фаолияти мисолида кўриш мумкин. Ҳозирда республикада 450 дан ортиқ туристик фирмалар мавжуд бўлиб, уларнинг иш жараёни Миллий Компания томонидан назорат қилиб борилмоқда. Жаҳон тажрибасида туризмни ривожлантириш учун қуйидаги иқтисодий моделлар қўлланади: марказдан бошқариш, бозор ва монетар ривожланиш йўллари. Республикамизда туризм асосан марказлашган бошқарув усулида ривожлантирилмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда туризм иқтисодиётининг бозор модели қўлланади ва бунда кўпгина кўрсаткичлар давлат томонидан (солиқлар, меъёрномалар) бошқарилиб турилади. Бозор иқтисодиёти шароитида туризм соҳасининг монетар бошқарув модели молиявий бошқаришга асосланади. Бундай бошқарув туристик маҳсулотнинг ўсишига олиб келади. Халқаро туризмнинг бундай тартибга солиниши ҳозирда Япония, Франция, Италия каби туризм ривожланган мамлакатларда йўлга қўйилган.

Бозор иқтисодиётида мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини юқори босқичга олиб чиқиш учун иқтисодий ислохотлар ўтказилиши зарур. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотлар барча тармоқларда, жумладан, туризм соҳасида ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Республикамиз туризм бўйича Марказий Осиёда энг илғор ҳисобланиб, дунёдаги етакчи ўн та давлат қаторига киритилган. Турмаҳсулотларнинг умумий сони ўн мингтадан ортиқ бўлиб, жуда кўп сон ва сифат кўрсаткичларига эга. Аммо айрим миллий туристик маҳсулотлар ҳалигача шаклланмаган ёки халқаро бозорда сотишга мўлжалланмаган. Кўпчилик турмаҳсулотлар маълумот берувчи сифатида ифодаланиб, унда маҳсулот бўйича барча кўрсаткичлар тўлиқ ёритиб берилмаган.

Турмаҳсулотнинг бозордаги рақобатбардошлиги стратегик аҳамиятга эга бўлган асосий омиллардан бири ҳисобланиб, унга айниқса баҳо катта таъсир кўрсатади. Турмаҳсулотни баҳолашда ланинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш керак. Турмаҳсулотга халқаро бозорда бўлган эҳтиёжнинг кўплиги, маҳсулотнинг турли хиллиги ва рақобатчи товарларнинг баҳоси катта таъсир кўрсатади.

Халқаро туристик бозорни ўрганиш натижасида миллий турмаҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги учта

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Международный туризм (учебное пособие), Т.: ТашГЭУ, 2000, 61 стр.

тамойил асосий рол ўйнайди: ишни аниқ мақсадга йўналган ҳолда давом еттириш, янги режаларни мўлжаллаш ва иш фаолиятини мувофиқлаштириб бориш. Ҳақиқатан ҳам, турмаҳсулотнинг бозорда ўз мавқеини ушлаб туришига доир тадбирлар ушбу йўналишдаги кенг қамровли ишларни узлуксиз равишда олиб боргандагина ижобий натижа бера бошлашини ривожланган давлатлар тажрибасидан ҳам билса бўлади. Турмаҳсулотни ўтказиш воситаларининг якка тартибда, бошқа чора-тадбирлардан ажралган ҳолда қўлланиши ёки уларнинг гоҳи-гоҳида қўлланиб турилиши ушбу воситалар таъсирчанлигини анча камайтириши маълум. Турмаҳсулотни халқаро бозордаги рақобатбардошлигини оширишда ва унинг сотувини таъминлашда қуйидаги асосий йўналишларни таъкидлаш мумкин:

- маҳсулот сотувини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат томонидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- жамоатчилик билан алоқани кучайтириш ва тўғридан тўғри ахборотлар беришни таъминлаш;
- реклама-ташвиқот ишларини кучайтириш.

Реклама миллий турмаҳсулотни кенг оммага танитишда стратегик йўналишнинг асосини ташкил қилади. Дунёнинг туризм ривожланган давлатларида (Франция, Италия, Испания) маркетинг тадбирларига ажратилган маблағнинг асосий қисми рекламага сарф қилинади. Рекламани тўғри ташкил қилиш туризмда асосий аҳамиятга эгадир.

Реклама — аниқ бир мақсадга йўналтирилган тадбирлар шакли бўлиб, у муайян манба (реклама берувчи) томонидан тўланган вақтда ёки тўлов амалга оширилган жойда эълон қилинади.

Туризм рекламаси — бевосита ёки билвосита туризм бозорида даромад олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар тўғрисида тарқатиладиган ахборот.

Айни пайтда реклама турмаҳсулот ва хизматларни дистрибуция қилиш ва бозорда ўтказишнинг муҳим бўғини. Аксарият туристик ташкилотлар ундан сотув ҳажмини ошириш мақсадида фойдаланишади. Ушбу мақсадлар учун сотувдан келиб тушган фойданинг ўртача 5—15 % и сарфланади.

Халқаро туризм соҳасида маҳсулотни реклама қилишда, рекламанинг қуйидаги асосий турларини ажратиб кўрсатишади: жумладан, ахборот тарзидаги, чорловчи (қиёсий) ва эслатма реклама<sup>1</sup>.

Туризмда янги бозорни ўзлаштиришда реклама кутилмаган ва кенг оммани ўзига жалб қилиши лозим. Албатта бу туристик рекламада амалдаги фактларни ошириб ёки бузиб кўрсатиш лозимлигини англамайди. Европанинг туризм ривожланган мамлакатлари — Буюк Британия, Испания, Францияда турли меъёрий ҳужжатлар воситасида рекламага тегишли ташкилотлар томонидан жуда қатъий назорат олиб борилади. Ўзбекистонга хорижий туристларни жалб қилиш учун ҳунармандчилик соҳасига доир омиллар анча салмоқли бўлиши мумкин. Ҳунармандлар яратган бетакрор санъат асарлари инсонларни ҳар доим ўзига жалб қилиб келган, шуни

ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг туристик фирмалари ўз рекламаларида ушбу омилга катта эътибор беришлари керак. Қилинаётган ҳар бир реклама бевосита давлат назорати остига олиниши лозим, шунда реклама ишончли бўлади.

Рекламани тўғри ташкил қилган ҳар бир компания катта миқдорда фойда олиши аниқ. Мисрда ўтказилган халқаро семинарда туризмда тўғри ташкил қилинган ҳар қандай реклама учун сарфланадиган 1 АҚШ доллари 4 АҚШ доллари миқдорида фойда билан қайтиши таъкидлаб ўтилган. Реклама кампаниясининг самарадорлигини омманинг ишончи ортиши нуқтайи назаридан ёки маҳсулот сотуви ошиши жиҳатидан баҳолаш мумкин (ташриф буюрувчилар сони ва келаётган тушум бўйича). Омманинг ишончини қозониш даражасини назорат қилишнинг энг оддий усули реклама эълонида жойлаштирилган жавоб хати купонлар сонини ҳисобга олишдир. Ўзбекистон учун туристик маҳсулотларни реклама қилиш билан бир қаторда сотувни қўллаб-қувватлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Сотувни қўллаб-қувватлаш — маҳсулотни ёки хизматни харид қилишни рағбатлантирувчи қисқа муддатли чора-тадбирларнинг амалга оширилишидир.

Туристтик маҳсулотни ўтказишга доир рағбатлантирувчи чора-тадбирларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ Ўзбекистоннинг туристик хизматлари ёки турларини сотувчи ходимлар, иккинчиси эса миқозларга хизмат кўрсатишга йўналтирилган тадбирлардир, Биринчи гуруҳга туроператорлар, турагентлар туристик маҳсулотлар тўғрисидаги билимларни оширишга йўналтирилган барча чора-тадбирлар (танишув турлари, ташрифномалар, кўرғазма материаллари) киради.

Туроператорлар ишини муваффақиятли амалга оширишда рисола ва ташрифномалардан қўшимча ёрдамчи материал сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон турмаҳсулотини сотаётган турагентлик ваколатхонасида кўрғазмали матнлар, афишалар, кичик деворий газеталар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари ва рангли расмлар кўрғазмасини ўтказиш лозим<sup>1</sup>.

Иккинчи гуруҳдаги масалалар қуйидагилар:

тўғридан тўғри почта алоқаси (маҳсулотни сотиш, хатлар ёзиш, потенциал миқозлар номига жўнатилган рисола ва танишув ташрифномалари илова қилинади);

сотувни қўллаб-қувватлашга доир рағбатлантирувчи тадбирлар. Бу тадбир рекламани тўлдиреди ва турмаҳсулотлар савдоси ҳажмининг қисқа муддатда ошишига олиб келади. Шунинг учун Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришнинг стратегик режаларини амалга ошириш усулларини ишлаб чиқишда юқорида қайд этилган ҳолатларни ёдда тутиш керак.

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Перспективы устойчивого развития туризма. В жур.: «Экономика и статистика», № 2, 1998, 8 стр.



Public relations (жамоатчилик билан алоқалар) туристик корхона коммуникация фаолиятининг ажралмас қисмидир. Жамоатчилик билан муносабатлар туристик ташкилот ва жамоатчилик ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини шакллантириш, уни сақлаб қолишга йўналтирилган махсус режалаштирилган доимий хатти-ҳаракатлардан иборат бўлиши керак.

Бу омилларни назардан четда қолдирмаган ҳолда, жамоатчилик билан муносабатларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- публик рилейшиз ҳам реклама ва сотувни қўллаб-қувватлаш каби коммуникацияга қаратилган;
- реклама ва сотувни қўллаб-қувватлаш учун қулай муҳит яратиш ва уни сақлаб туришга хизмат қилиш лозим.

Жамоатчилик билан муносабатлар ёрдамида Ўзбекистон миллий турмахсулотини халқаро бозорда ўтказиш воситаларини қуйидагича таҳлил қилиш мумкин:

- туристик газета, журналлар учун бериладиган ахборотларнинг аниқлигини ошириш. Мисол учун, TTG (Россия), GOLDEN APPLE (Франция) каби газета ва журналлар дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатига тарқатилади. Туристлик маълумотлар чоп этиладиган газета бизда ҳам мавжуд бўлиб, «Буюк Ипак йўли» деб номланади. Бу газетанинг сифатини ошириш ва унинг қўллаб эътиборли нашриётлар билан алоқасини бундан ҳам кучайтириш чораларини кўриш лозим;
- ўзбек ҳунармандлари, рассомларининг энг яхши асарларини, халқимизнинг маънавий бойлиги, бетакрор маданияти акс еттирилган асарларнинг кўрғазмаларини ташкил этиш.

Халқаро туристларнинг мамлакатимизга ташрифини оширишда туристик гуруҳлар учун махсус чегирмаларни киритишнинг аҳамияти жуда катта. Бунга шунингдек, туристларни ташишда ички ва халқаро рейслар учун авиачипталарнинг нархини камайтириш тўғрисидаги махсус таклифларни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. Ўзбекистонга келаётган туристларни ташишда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК устуворликка эга эканлигини ҳисобга олиб, ушбу миллий авиакомпания билан ҳамкорликда нархларни табақалаштириш масаласига алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлаб ўтиш керак. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК қисқа вақт ичида ўзининг юқори сифатли хизматлари ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаши билан жаҳондаги етакчи давлатларнинг авиакомпаниялари билан бемалол рақобатлашиш даражасига етди<sup>1</sup>.

Миллий авиакомпания ҳозирда 80 дан ортиқ давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган, аҳолига ва туристларга юксак даражада хизмат кўрсатмоқда, туристларни ташиш билан боғлиқ муаммоларни йечишга ёрдам бермоқда. Ташриф буюраётган туристларни темир йўл ва автобусларда кўрсатилаётган хизматлар қониқтирмаётгани аниқланган

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Создание свободной туристической зоны. В жур: «Экономика и статистика», Ташкент, 1998, №3, 11 стр.

бўлиб, бу ҳоли бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун туристларга енгил автомашиналари ижарага беришни йўлга қўйиш ҳақида таклифлар киритилган. Автомобиллар ижарасини ташкил этиш эса асосан чет эл инвестициясига таянган ҳолда иш кўришни тақозо этади. Автомобил ижараси деярли барча ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, уларда автомобиллар фақат туристлар ёки меҳмонларга эмас, балки тўловга лаёқатли ҳар қандай кишига ижарага берилиши оддий ҳолга айланган. Бу соҳани мамлакатимизда аввал туристлар ва меҳмонларга нисбатан татбиқ қилишдан бошлаш ижобий натижаларга олиб келиши мумкин.

### **Хорижлик туристларнинг сегментлар бўйича кўрсаткичлари (минг киши)**

*3.4-жадвал*

№	Кўрсаткичлар	1996	2002	2006
1	Дипломатлар	31,1	60,3	80,0
2	Бизнесменлар	41,4	90,2	150,0
3	Вакиллар	7,1	20,7	30,0
4	Қариндош-уруғлар	6,3	10,9	20,0
5	Илмий ишлар билан	15,3	20,4	30,0
6	Ўқишга	14,3	30,5	60,0
7	Бошқалар	17,2	60,3	90,0
8	Жами хорижлик туристлар	150,4	306,0	460,0

*Манба: «Ўзбектуризм» МК. 2005 й.*

Маҳсулотларни ўтказиш каналининг чекланганлиги туризмнинг тижорат соҳасидаги бир қанча йўқотишларини келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Республикаимизда туризм соҳасида қуйидаги тадбирларни амалга оширишга катта эътибор қаратиш лозим:

- маҳсулотни ўтказишнинг турли хил каналлари ва воситачилик шакллари аниқлаш мумкинлигини инобатга олган ҳолда, ушбу сотув тизимини тўлиқ таснифлаб чиқиш, янги каналларни зудлик билан ўзгартириш ва керакли маблағ билан кечиктирмасдан таъминлаш;
- воситачиларнинг шаклларига кўра қилинадиган харажатларни таҳлил қилиш ва икки томонлама манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорликни янада ривожлантириш;
- воситачилар таклиф қилинаётган хизматларга нисбатан аниқ ахборотга эга бўлишини ўз вақтида таъминлаб туриш;
- ташриф буюраётган туристлар орқали воситачиларнинг мавқеи ва аҳамияти тўғрисидаги фикрларни ўрганиш, турли анкета саволларини тузиш.

Миллий турмаҳсулотни бозорда муваффақиятли ўтказиш учун бир томонлама сотув тармоғининг ўзи камлик қилишини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Маҳсулотни сотишга доир ишлар, агарда улар маҳсулотни

ўтказишга доир бошқа хатти-ҳаракатлар билан қўшиб олиб борилмаса кутилган натижага олиб келмаслиги аниқ<sup>1</sup>.

Миллий турмаҳсулотларга халқаро бозорда талаб ортиб бориши республиканинг халқаро майдондаги мавқеи ортиши билан бир вақтда аҳоли учун янги иш ўринларини ташкил қилиш, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ва мамлакат ривожига ҳиссаси билан, алоҳида аҳамият касб этиши билан ажралиб туради.

## **2. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш босқичлари**

Ўзбекистонда туризм ривожланиши икки босқичга ажратилиб ўрганилади. 1-босқич 1986 йилдан 1991 йилгача бўлган давр.

2-босқич 1992 йилдан кейинги даврни уз ичига олади. Бундай даврларга бўлиш республика туризм таракқиётидаги икки энг муҳим даврни ажратишга имкон беради.

1-босқичда туризм республика касба уюшмасига буйсунар, унинг бош органи СТРЭУ - Ўзбекистон Республикаси туризм ва экскурсиялар бўйича Кенгаши эди; бу давр туризм чора-тадбирларини тўлиқ хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини қоплаш ва ўз-ўзини молия билан таъминлашга ўтказиш билан боғлиқ бўлди. Иккинчи давр эса Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши, “Ўзбектуризм” Миллий Компаниясининг ташкил қилиниши ва бозор муносабатларига ўтиш билан 1991 йилда Республикада туризм соҳасида 87 корхона, муассаса ва ташкилотлар мавжуд бўлиб, 4234 ўринлик 11 туризм комплекси, 2928 ўринлик 12 туризм базаси ва 599 ўринлик 2 кемпинг фаолият кўрсатар эди.

Республикада туризмни ривожлантиришда моддий-техник база алоҳида аҳамиятга эга, у ташкилий туризмни ривожлантириш ва комплекс туризм-экскурсия хизмати кўрсатиш: жойлаштириш, озиқ-овқат билан таъминлаш, кўнгил очиш, даволаш, экскурсиялар ўтказиш ва ҳоказолар учун шароит яратиш беради.

Ўзбекистон Республикаси туризмида моддий-техник базанинг ривожлантирилиши бир неча босқичдан иборат. Ҳар бир босқичнинг муддати ва унинг сифат таркиби собиқ Иттифоқнинг объектив тарихий ва иқтисодий шарт-шароитларига боғлиқ бўлди.

Республика туризм салоҳиятини баҳоловчи яна бир муҳим кўрсаткич - асосий фондларнинг моддий элементларини ташкил қилиш ва харид қилишга кетган пул харажатларининг йиғиндисидан иборат бўлган капитал қўйилмалар ҳажмидир. Республика туризм тизимининг ўз моддий-техник базасини ривожлантиришга сарфланган капитал қўйилмаларнинг 1986-90 йиллардаги умумий ҳажми 17345 минг сўмни ташкил қилди.

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Прогноз развития международного туризма до 2010 года. Информационно-аналитическом журнале «Индустрия туризма, отдыха и здоровья», №1, 1999, 18 стр.

Бозор муносабатларига ўтиш бутун республика туризм тизими олдига анчагина кескин шартлар қўйди. Туризм тизимининг жами ташкилий-иқтисодий структурасини тубдан қайта ташкил қилиш, туризмни бошқаришнинг марказлаштирилган механизмдан фарқ қилувчи амалий иқтисодий механизмни ишлаб чиқиш зарур эди

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 июлдаги Фармонида биноан “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси ташкил қилинди. Бу компания Ўзбекистон Республикаси қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, “Интўртаж” қўшма корхонаси, “Сайёҳ-Интур” республика хўжалик ҳисобидаги бирлашмаси ва собиқ “Госкоминтурист” корхоналари асосида ташкил қилинди.

“Ўзбектуризм” Миллий Компанияси бир неча йиллик фаолияти давомида миллий ва халқаро туризмни қайта тиклаш, моддий-техник ва меъёрий базани мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, янги туризм маршрутларини ишлаб чиқиш, экскурсия мавзуларини янгилаш, мавжуд туризм база ва кемпингларини такомиллаштириш ва янгиларини ташкил қилиш, қўшимча хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириш бўйича маълум миқдордаги ишларни амалга оширди.

1992 йилдаёқ “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси тизимида 135 корхона бор бўлиб, улар ичида жами 10 минг ўринлик 34 меҳмонхона, турбазалар, кемпинглар, мотеллар бор эди.

Қиймати асосий фондларнинг 1,6 млрд сўми ташкил қилар эди, уларнинг 79 фоизи қурилганига 15-20 йил бўлган бино ва ишоотлар эди. Аамлда барча меҳмонхоналар, турбаза ва кемпинглар капитал таъмирлашга ва реконструкциялашга муҳтож эди, уларнинг 40 фоизи кам рентабелли ва зарар кўраётган корхоналар эди.

1992 йил давомида республикада 408 минг кишига хизмат кўрсатилди, улардан 40 минг киши Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Жанубий-Шарқий Осиёдан, 30 фоизи Европадан ва 10 фоизи Шимолий ва Лотин Америкасидан келган туристлар эди. Чет элларга 60 минг киши юборилди. Кўрсатилган хизматлар ҳажми шу йили 1,2 млрд сўми, валюта тушумлари 3,7 млн долларни, фойда 180 млн сўми ташкил қилди.

1993 йил охирига келиб республика туризм тизимида ҳуқуқий шахс мақомига ва мустақил балансга эга бўлган 123 ташкилот бор эди. Ўтган 1993 йилга нисбатан бу кўрсаткичларнинг турбазалардаги ўринлардан бошқа барчаси камайди. Ўринлар сони 256 тага кўпайди.

Тармоқнинг ривожланиш кўрсаткичлари энг юқори бўлган 1988 йилга нисбатан 1993 йилда туризм-экскурсия корхоналари сони 1,5 баравар, турбазалардаги ўринлар сони 105 тага ортди.

Республика ҳудудидаги туризмнинг моддий-техник базаси ғоятда нотекис тақсимланган: республикадаги барча ишлаб чиқариш салоҳиятининг 40фоиз қисми Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига, 37фоиздан ортиқ қисми Самарқанд, Бухоро, Хива ва Урганчга, тахминан 16 фоизи Фарғона водийсига тўғри келади. Қолган 7 фоиз республиканинг бошқа минтақалари ўртасида тақсимланади.

1993 йил давомида республикада 457 минг туристга, шу жумладан 40 минг чет эллик туристларга ва 530 минг экскурсантларга хизмат кўрсатилди. Бу кўрсаткичлар 1992 йилга нисбатан бирмунча кўп бўлса-да, 1988 йилга караганда анчагина камдир.

Умуман олганда, 1993 йилда туризм соҳасининг рентабеллиги 1992 йилги кўрсаткичдан анчагина баланд эди, аммо бу асосан туризм хизматлари ва туризм соҳасидаги бошқа ишлар нархининг бир неча баравар ортганлиги ҳамда моддий базани қуриш, реконструкциялаш ва мустаҳкамлаш харажатларининг ортганлиги ҳисобига юз берди. Сўнгги йилларда туризм фуқаролар учун “қимматга тушувчи роҳат” бўлиб бормоқда, хизмат кўрсатиш сифати эса пасайиб бормоқда. Шу сабабдан республикадаги саёҳатлар ва экскурсия бюроларининг кўпчилиги туристларга хизмат кўрсатишнинг белгиланган кўрсаткичларига эриша олмаяптилар.

1993 йилда меҳмонхона хўжалиқларининг бандлиги режалаштирилган кўрсаткичнинг 64,5 фоизни, тўлиқ меҳмон қабул қилиш қобилятининг 30,5 фоизни ташкил қилди.

1994-95 йиллар республика туризми ривожланишида мураккаб ва зиддиятли давр бўлди. Улар республикада юз бераётган иқтисодий жараёнларнинг барча муаммоларини, ўтиш даврининг барча қийинчиликларини ўз ичига олди.

Бу йилларда туризм тараққиётининг асосий кўрсаткичлари қуйидагичадир: туризм-экскурсия хизматлари ҳажми бирмунча ортиб, икки йил учун ўртача 237,6 млн сўмни ташкил қилди, асосий ишлаб чиқариш фонларининг қиймати 39 млн сўмдан ортди, автотранспорт ҳажми кўпайиб, 14,5 минг сўмни ташкил қилди, туризм корхоналарининг рентабеллиги 34,6 фоизга етди ва 1992 йилга нисбатан 2 баравардан кўпроққа ўсди.

Рентабеллик асосан барча турдаги туризм хизматларига белгиланган нархларнинг бир неча баравар ошганлиги ҳисобига ўсди, бу эса фаровонликни ва туризмни ривожлантиришнинг самарадорлигини кўрсатмайди.

1993 йилга нисбатан чет эллик туристлар сони бирмунча кўпайди: республикага 1993 йилда 43 минг киши, 1994 йилда 44,8 минг киши ва 1995 йилда 46,3 минг киши меҳмон бўлиб келди, аммо 1989 йилга нисбатан бу кўрсаткич барибир анча камдир.

1996 йилда республикада қабул қилинган туристлар сони 550 минг кишига етди, улардан 165 минг киши чет эллик туристлардир. Туризм хизматлари кўрсатишнинг валютадаги (АҚШ долларларида) ҳажми 101,2 млн доллардан 198 млн долларга ортди. Валюта тушумларини миллий валютада ҳисоблаганда туризмнинг барча хизмат кўрсатиш соҳаларининг ялпи ички маҳсулотигаги улуши 1996 йилга келиб тахминан 9 фоизни, валюта тушумлари эса 67,5 фоизни ташкил қилди.

Аммо барибир, олинаётган даромад нуқтаи назаридан караганда, туризмнинг республика миллий даромадидаги ҳиссаси анчагина кичиклигича қолиб келмоқда.

Бунга ишонч хосил қилиш учун дунёдаги етакчи мамлакатлардан олинган маълумотларни таққослаб кўриш етарли: Испания, Франция, Канада, АҚШ ва Италия мамлакатларида бир йилда (1995 йил) мос равишда 54 млн., 43 млн., 39 млн., 37 млн. ва 27 млн. киши меҳмон бўлади.

Валюта тушумлари мос равишда 16,2; 16,5; 4,8; 34,5; 11,5 млрд. долларни ташкил қилади.

Бу мамлакатларда бир туристдан олинадиган даромад мос равишда 300, 384, 123, 932 ва 426 долларни ташкил қилади. Ҳатто Туркия, Мексика ва Гонконг каби мамлакатларда ҳам бу кўрсаткич 533 долл., 683, 768 долларни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси эса 0,004 млн. турист қабул қилган, валюта тушумлари 0,002 млрд долларни, бир туристдан олинадиган даромад 36 долларни ташкил қилади.

Ўзбекистонда туризм инфратузилмасига Собиқ Иттифоқ давриданок асос қўйилган эди. Бироқ, бу соҳадан келадиган даромадларнинг қайта тақсимланиш муаммоси одатдагидек марказ томонидан ҳал этилар эди. 1985-89 йилларда Ўзбекистондаги ички ва ҳудудий туризмнинг ҳажми 1,4-1,6 млн кишини, бунда чет эллик туристларнинг миқдори атиги 130-180 минг кишини ташкил этарди ҳолос. Бу вақтга келиб, яъни 1985 йилда Туркияда 1,5 млн, 1992 йилда эса 7 млн, 2003 йилда эса 11 млн. аҳолида хорижий туристлар ташриф буюришди. 1981 йилда Венгрия 14,2 млн туристларни қабул қилган бўлса, 1991 йилга келиб бу миқдор 19,1 млнга етди. 1992 йилда Ўзбекистоннинг туристик соҳаси чет эллик туристларга фақатгина 27 та, 2003 йилда эса 50 дан ортиқ хизмат турини таклиф этди. Туркия, Италия ва Испания каби мамлакатларда эса бу кўрсаткич 250-400 тани ташкил этади<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида туризмнинг миллий моделини шакллантириш жараёни амалга оширилмоқда. Ушбу моделда таъкидланишича, мамлакатда ривожлантирилаётган туристик бозор бошқа ҳар қандай бозорлар каби мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятига таъсир кўрсатади. У мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда инвестиция ва капитал оқимини таъминлаш даражаларини аниқлашда муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Маълумки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, асосан, хусусий ва тижорат компаниялари туристларга хизмат кўрсатади. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам давлат оптимал иқтисодий ва ҳуқуқий заминни яратган тақдирдагина туризм ривожланиши мумкин. Агарда давлат касбий тайёргарлик масалалари, табиий ва маданий муҳитни муҳофаза этиш, ахборот-реклама ишлари ва расмиятчиликни соддалаштириш кабилар билан шуғулланмаса, у ҳолда туризм култлганидек ривожланиш даражасига эриша олмайди. Бунда давлат томонидан туризмни ривожлантириш, туристик хизматлар бозорини шакллантириш, Иқтисодий тартибга солиш усуллари ва ричаглари қайта ислоҳ этиш, туризмнинг ташкилий бошқарув структураларини

---

<sup>1</sup> А.Таксанов. “Экономика большого туризма” китоби. 2003.й

такомиллаштириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш ва энг асосийси, хорижий инвестицияларни жалб қилиш кабиларга тегишли услубий ва амалий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда туризм инфратузилмасига Собик Иттифоқ даврида асос қўйилган эди. Бироқ бу соҳадан келадиган даромадларнинг қайта тақсимланиш муаммоси одатдагидек марказ томонидан ҳал этилар эди. 1985-89 йилларда Ўзбекистондаги ички ва ҳудудий туризмнинг ҳажми 1,4-1,6 млн кишини, бунда чет эллик туристларнинг миқдори атиги 130-180 минг кишини ташкил этарди, холос. 1985 йилда Туркияда 1,5 млн, 1992 йилда эса 7 млн, 2005 йилда эса 11 млн атрофида хорижий туристлар ташриф буюришди. 1981 йилда Венгрия 14,2 млн туристларни қабул қилган бўлса, 1991 йилга келиб бу миқдор 19,1 млнга етди. 1992 йилда Ўзбекистоннинг туристик соҳаси чет эллик туристларга фақатгина 27 та, 2005 йилда эса 50 дан ортиқ хизмат турини таклиф этди. Туркия, Италия ва Испания каби мамлакатларда эса бу кўрсаткич 250-400 ни ташкил этади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг туризмни ривожлантириш устувор масалага айланди. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасининг ривожланишини бир неча босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич (ўз ичига 1992 йилни олади). Ушбу босқич Республикамизда миллий туризмнинг дастлабки шакллантирилиши билан характерланади. Бу босқичда туризм инфратузилмасида етакчи ҳисобланган Ўзбектуризм Миллий компаниясига асос солинди.

Иккинчи босқич (1993—1995 йиллар). Бунда туризмнинг миллий ривожланиш модели ишлаб чиқилди. Ушбу босқич туристик хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ошиб бориши билан биргаликда янги туристик йўналишларни ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатишни яхшилаш, туризмнинг моддий-техник базасини кенгайтириш, бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва бошқа шу кабилар билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларни юзага келтирди. Компания туристик операторлар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш мақсадида Германия (Франкфурт-Майн), Буюк Британия (Лондон), АҚШ (Нью-Йорк), Бирлашган Араб амирликлари (Шаржа) ва Россия (Москва) каби мамлакатларда ўзининг ваколатхоналарини очди.

Учинчи босқич (1995—1997 йиллар). Бунда туристик хизматлар соҳасида хусусийлаштириш жараёни бошланди. 1996 йилнинг бошларида миллий компания тизимидаги туристик объектлар умумий миқдорининг 90 фоизига яқини давлат тасарруфидан чиқарилди<sup>1</sup>.

Тўртинчи босқич (ўз ичига 1998 йилни олади). Бу босқичда экспорт салоҳиятини ошириш, валюта, туристлар, хусусий иқтисодий ва инвестицияларнинг барқарор оқимини таъминлаш учун имконият яратилди. Республикада миллий туризмни жаҳон андозалари даражасида шакллантириш, туризмга билвосита тегишли бўлган хизмат кўрсатиш

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Халқаро туризм. «Иқтисод ва ҳисобот» жур., Тошкент, № 11 — 12, 1993, 14-бет.

инфратузилмасини, хусусан, туристларни хориждан кутиб оладиган чегара, божхона ва аэропорт хизматларини қайта шакллантириш бошланди.

Бешинчи босқич (1999 йилдан 2005 йилгача). Ушбу босқичда Ўзбекистон Республикаси «Туризмни ривожлантиришнинг давлат дастури тўғрисида»ги норматив ҳужжат халқаро туризмнинг тутган ўрнини мустаҳкамлаш учун сиёсий асосни шакллантирди, унинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлади. Ушбу меъёрий ҳужжат асосида туристик корхоналарга қўшимча бож имтиёзлари берилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналарида туризм бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Мамлакат Парламентида «Туризм тўғрисида»ги қонун қабул қилинди ва бунинг натижасида туризм соҳасининг фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди.

Олтинчи босқич (2006 йилдан бошлаб) - жаҳон андозаларига жавоб берадиган туризм хизмат турларини давлатимизга келган туристларга сотиш, туризм товарининг олди-сотди жараёнини амалга ошириш. Ривожланган туризм бозорига кириш ва халқаро туристларга жаҳон андозасига жавоб берадиган хизмат кўрсатиш.

### **3. Сурхондарё вилоятида туризм объектлари ва халқаро туристларга туризм хизматини кўрсатиш истиқболлари**

Сурхондарё вилояти Шеробод водийсида жойлашган жанубдан Афғонистон, шимол ва шарқдан Тожикистон, жануби-ғарбдан Туркменистон, ғарбдан Қашқадарё вилоятлари билан чегарадош. Майдони 20.1 минг кв.км, аҳолиси 1770,4 минг киши (2002 йилги маълумот). Маъмурий маркази Термиз шаҳри, аҳолиси 115,2 минг киши (2002 йилги маълумот).

Рельефи шимолдан жанубга қияланиб ва кенгайиб борадиган текисликдан иборат. Сурхондарё ва Шерободдарё оқиб ўтадиган бу текислик шимоли-ғарб ва шарқдан баланд Ҳисор тизмаси (4643 метр) ва унинг тармоқлари (Бойсунтоғ, Кўхитантоғ, Боботоғ) билан ўралган. Ёзи жазирама иссиқ ва узок, қиши илиқ ва қисқа, йиллик ўртача ҳарорат 16-18 даража, июлнинг ўртача ҳарорати 28-32 даража.

Вилоятда темир йўл, автомобил, ҳаво, сув таранспорти орқали мамлакатнинг кўпгина жойлари билан ва сув транспорти орқали қўшни Афғонистон билан боғланган. Термиз-Тошкент ўртасида ҳаво йўллари алоқаси ўрнатилган.

Сурхондарё вилояти аҳолиси асосан палов, тандир гўшт, кабоб, бостирма, димлама, қозон кабоб, ширгуруч, кескан ош, чўпонча қовурилган гушт каби миллий таомлар истемол қилинади.

Вилоятда ташқи ва ички туризм йўналишлари бўйича саёҳатлар ташкил этилади. Қуйидаги йўналишлар бўйича **ички туризм** дастурлари режалаштирилади:

1. Термиз - Шеробод - Бойсун йўналиши



- Термиз шаҳрида: Археология музейи, ҳарбий қалъа, ҳайвонот боғи;
- Термиз тумани ҳудудидаги Султон Саодат, Қирқ қиз, Кокилдор ота, Ҳаким ат-Термизий, Фаёзтепа, Қоратепа, Чингизтепа каби тарихий археологик обидалар;
- Шеробод туманидаги Зараутсой, Жарқўтон, Абу Исо ат-Термизий тарихий обидалари.
- Бойсун туманидаги Тешиктош ва Мачай ғорлари.

## 2. Термиз - Шўрчи - Денов йўналиши

- Жарқўрғон туманидаги Жарқўрғон минораси, Шўрчи туманидаги Далварзинтепа археологик ёдгорлиги;
- Денов шаҳри марказидаги Сайид оталиқ мақбараси.

## 3. Термиз - Музработ йўналиши:

- Музработ туманининг Шўроб қишлоғидаги Кампиртепа археологик ёдгорлиги, Кўнғирот сувдан фойдаланувчилар уюшмасидаги Сополлитепа археологик ёдгорлиги.

Сурхондарё вилоятида хорижий сайёҳлар учун ишлаб чиқилган йўналишлар ҳам мавжуд.

Сурхондарё вилояти маркази Термиз шаҳри ҳудудида “Ўзбектуризм” Миллий компанияси лицензиясига эга 10 та меҳмонхоналар мавжуд бўлиб, ушбу меҳмонхоналар 637 та сайёҳларни қабул қилиш имкониятига эга. Меҳмонхоналардаги моддий-техник базаси ва ундаги шароитлар куйида келтириб ўтилган:

### **«ASSON-TERMIZ» меҳмонхонаси**

Идоравий тааллуқлилиги Термиз шаҳар Хоқимлигига қарашли бўлган хусусий оддий меҳмонхона бўлиб, Туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича 2008 йил 6 августдаги № 005401-сонли сертификатга эга. 2005 йил 1 апрелда ишга туширилган.

Штатлар сони - жами 16 та шу жумладан: бошқарув аппарати ходимлари 4 та, техник ва хизмат кўрсатиш ходимлар 8 та, кўмаклашувчи ходимлар 4 тани ташкил этади.

Меҳмонхонада автоном ҳолда иссиқлик, сув ва электр энергияси таъминоти амалга оширилади.

Меҳмонхона номерлари жами 85 та бўлиб, 4 та апартамент ва 81 та люкс хоналардан иборат, хоналар икки кишилик. 2008 йилда меҳмонхонада 240 киши истиқомат қилган бўлиб, уларнинг барчаси хориж фуқаролари ва банд этиш коэффиценти 100 фоизни ташкил этади.

Меҳмонхонанинг мустақил балансида бўлмаган ресторан, кафе, бар, буфет қўшимча хизмат кўрсатувчи сартарошхона, сауна, автомобил тўхташ жойи мавжуд.

Импорта эвазига 60 фоиз ва маҳаллий ишлаб чиқариш эвазига 40 фоиз асосий фонд жиҳозлар хар-хил асбоб–ускуналар, жиҳозлар ва хўжалик моллари харид этилган бўлиб, хорижий фуқароларни жойлаштириш учун ўртача нарх 100 АҚШ доллар, республика фуқаролари учун 100000 сўмни

ташқил этади. Объектнинг рентабеллиги 3.0 ни ташқил этади ва меҳмонхонани таъмирлашга ҳожат йўқ.

### **«Финка» меҳмонхонаси**

Идоравий тааллуқлилиги Термиз шаҳар Хоқимлигига қарашли бўлган хусусий оддий меҳмонхона бўлиб, Туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича 2005 йил 11 октябрдаги № 191-05 сонли лицензия олган. 2004 йил 28 ноябрда ишга туширилган.

Штатлар сони - жами 4 та шу жумладан: бошқарув аппарати ходимлари 2 та, техник ва хизмат кўрсатиш ходимлар 1 та, кўмаклашувчи ходимлар 1 тани ташқил этади.

Меҳмонхонада автоном ҳолда иссиқлик, сув ва электр энергияси таъминоти амалга оширилади.

Меҳмонхона номерлари жами 59 та бўлиб, 1 та апартамент, 1 та люкс, бир хоналик 14 та, икки хоналик эса 43 та хоналардан иборат, 2008 йилда меҳмонхонада 910 киши истиқомат қилган бўлиб, улардан 805 таси хориж фуқаролари ва 105 таси эса республика фуқароларини ташқил этиб, меҳмонхонани банд этиш коэффиценти 50 % ни ташқил этади.

Меҳмонхонанинг мустақил балансида бўлмаган транспорт воситасини ижарага бериш хизмати мавжуд, импорта эвазига 20 фоиз ва маҳаллий ишлаб чиқариш эвазига 80 фоиз асосий фонд жиҳозлар хар-хил асбоб –ускуналар, жиҳозлар ва хўжалик моллари харид этилган бўлиб, хорижий фуқароларни жойлаштириш учун ўртача нарх 10 АҚШ доллар, республика фуқаролари учун 6000 сўмни ташил этади. Объектнинг рентабеллиги 2.4 ни ташқил этади ва меҳмонхонани қисман таъмирлаш керак

### **«Баракат» меҳмонхонаси**

Идоравий тааллуқлилиги Термиз шаҳар Хоқимлигига қарашли бўлган хусусий оддий меҳмонхона бўлиб, Туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича 2007 йил 26 июндаги № 348-07 сонли лицензиясини олган. 2006 йил 5-майда ишга туширилган.

Штатлар сони - жами 10 та шу жумладан: бошқарув аппарати ходимлари 3 та, техник ва хизмат кўрсатиш ходимлар 4 та, кўмаклашувчи ходимлар 3 тани ташқил этади.

Меҳмонхонада автоном ҳолда иссиқлик, сув ва электр энергияси таъминоти амалга оширилади.

Меҳмонхона номерлари жами 17 та бўлиб, 1 та ярим люкс, бир хоналик 16 та хоналардан иборат, 2008 йилда меҳмонхонада 1200 киши истиқомат қилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси республика фуқароларини ташқил этиб, меҳмонхонани банд этиш коэффиценти 30 % ни ташқил этади.

### **«Акмал-Холис» меҳмонхонаси**

Идоравий тааллуқлилиги Термиз шаҳар Хоқимлигига қарашли бўлган хусусий оддий меҳмонхона бўлиб, Туризм соҳасида фаолият кўрсатиш

бўйича 2004 йил 26 сентябрдаги № 001058 сонли сертификатини олган. 2003 йил 1 майда ишга туширилган.

Меҳмонхонанинг мустақил балансида бўлмаган транспорт воситасини ижарага бериш ва кимёвий тозалаш пунктлари мавжуд, шунингдек меҳмонхонанинг асосий кириш қисмига транспорт воситалари тақдим этиш имконияти ва объект тўғрисидаги реклама махсулотлари мавжуд. Импорта эвазига 20 фоиз ва маҳаллий ишлаб чиқариш эвазига 80 фоиз асосий фонд жиҳозлар хар-хил асбоб–ускуналар, жиҳозлар ва хўжалик моллари харид этилган бўлиб, республика фуқаролари жойлаштириш учун ўртача нарх 12 000 сўмни ташил этади. Объектнинг рентабеллиги 2.0 ни ташкил этади ва меҳмонхонани таъмирлашга ҳожат йўқ.

Штатлар сони - жами 12 та шу жумладан: бошқарув аппарати ходимлари 3 та, техник ва хизмат кўрсатиш ходимлар 4 та, кўмаклашувчи ходимлар 5 тани ташкил этади.

Меҳмонхонада автоном ҳолда иссиқлик, сув ва электр энергияси таъминоти амалга оширилади.

Меҳмонхона номерлари жами 28 та бўлиб, 10 та ярим люкс, бир хоналик 18 та хоналардан иборат, 2008 йилда меҳмонхонада 2822 киши истиқомат қилган бўлиб, хорижий фуқаролар 148 киши, республика фуқаролари эса 2674 кишини ташкил этиб, меҳмонхонани банд этиш коэффициенти 50 % ни ташкил этади.

Меҳмонхонанинг мустақил балансида бўлмаган транспорт воситасини ижарага бериш мавжуд, шунингдек меҳмонхонанинг асосий кириш қисмига транспорт воситаларининг тақдим этиш имконияти ва объект тўғрисидаги реклама махсулотлари мавжуд бўлиб, импорта эвазига 20 фоиз ва маҳаллий ишлаб чиқариш эвазига 80 фоиз асосий фонд жиҳозлар хар-хил асбоб –ускуналар, жиҳозлар ва хўжалик моллари харид этилган.

Хорижий фуқароларнинг жойлаштириш учун ўртача нархи 40 \$ республика фуқаролари жойлаштириш учун 14 000 сўмни ташил этади. Объектнинг рентабеллиги 2.4 ни ташкил этади ва меҳмонхонани таъмирлашга ҳожат йўқ.

### **«Меридиан Отел» меҳмонхонаси**

Идоравий тааллуқлилиги вилоят Хокимлигига қарашли бўлган қушма корхона турт юлдузли меҳмонхона бўлиб, Туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича 2005 йил 4 августдаги № 170-05 сонли лицензиясини олган. 2005 йил 25 октябрда ишга туширилган.

Штатлар сони - жами 25 та шу жумладан: бошқарув аппарати ходимлари 6 та, техник ва хизмат кўрсатиш ходимлар 6 та, кўмаклашувчи ходимлар 4 тани ташкил этади.

Меҳмонхонада автоном ҳолда иссиқлик, сув ва электр энергияси таъминоти амалга оширилади.

Меҳмонхона номерлари жами 50 та бўлиб, апартамент 2 та, 4 та люкс, 4 та ярим люкс, бир хоналик 17 та, икки хоналик 23 та хоналардан иборат, 2008 йилда меҳмонхонада 2180 киши истиқомат қилган бўлиб, хорижий фуқаролар 950 киши, республика фуқаролари эса 1230 кишини ташкил этиб, меҳмонхонани банд этиш коэффициенти 80 % ни ташкил этади.

Меҳмонхонанинг мустақил балансида бўлмаган ресторан; кафе бар; буфет; буюмлар саклаш хонаси сауна; автомобил тўхташ жойи; транспорт воситасини ижарага бериш; массаж хоналари; кимёвий тозалаш пунктлари мавжуд, шунингдек меҳмонхонанинг асосий кириш қисмига транспорт воситаларининг тақдим этилиши имконияти ва объект тўғрисидаги реклама махсулотлари мавжуд. Импорта эвазига 90 фоиз ва маҳаллий ишлаб чиқариш эвазига 10 фоиз асосий фонд жиҳозлар хар-хил асбоб–ускуналар, жиҳозлар ва хўжалик моллари харид этилган бўлиб, Хорижий фуқароларнинг жойлаштириш учун ўртача нархи 75 \$ республика фуқаролари жойлаштириш учун ўртача нарх 25 000 сўмни ташил этади. Объектнинг рентабеллиги 3.13 ни ташкил этади ва меҳмонхонани таъмирлашга ҳожат йўқ.

### **«Рамз-чархпалак» меҳмонхонаси**

Идоравий тааллуқлилиги Термиз шаҳар Хоқимлигига қарашли бўлган хусусий оддий меҳмонхона бўлиб, Туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича 2005 йил 5 октябрдаги № 190-05 сонли лицензиясини олган. 2004 йил 6 мартда ишга туширилган.

Штатлар сони - жами 6 та шу жумладан: бошқарув аппарати ходимлари 2 та, техник ва хизмат кўрсатиш ходимлар 4 тани ташкил этади.

Меҳмонхонада автоном ҳолда иссиқлик, сув ва электр энергияси таъминоти амалга оширилади.

Меҳмонхона номерлари жами 23 та бўлиб, 2 та ярим люкс, бир хоналик 21 та хоналардан иборат, 2008 йилда меҳмонхонада 240 киши истиқомат қилган бўлиб, уларнинг хаммаси республика фуқароларини ташкил этиб, меҳмонхонани банд этиш коэффициенти 40 % ни ташкил этади.

Меҳмонхонанинг мустақил балансида бўлмаган автомобил тўхташ жойи транспорт воситасини ижарага бериш ва кимёвий тозалаш пунктлари мавжуд импорта эвазига 20 фоиз ва маҳаллий ишлаб чиқариш эвазига 80 фоиз асосий фонд жиҳозлар хар-хил асбоб –ускуналар, жиҳозлар ва хўжалик моллари харид этилган бўлиб,

Республика фуқаролари жойлаштириш учун ўртача нарх 20 000 сўмни ташил этади. Объектнинг рентабеллиги 1.5 ни ташкил этади ва меҳмонхонани таъмирлашга ҳожат йўқ

### **«Сурхон» меҳмонхонаси**

Идоравий тааллуқлилиги Термиз шаҳар Хоқимлигига қарашли бўлган хусусий оддий меҳмонхона бўлиб, Туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича 2005 йил 10 февралдаги № 122-05 сонли лицензиясини эга. 1984 йил 1 октябрда ишга туширилган.

Штатлар сони - жами 15 та шу жумладан: бошқарув аппарати ходимлари 2 та, техник ва хизмат кўрсатиш ходимлар 8 та, кўмаклашувчи ходимлар 5 тани ташкил этади.

Меҳмонхонада автоном ҳолда иссиқлик, сув ва электр энергияси таъминоти амалга оширилади.

Меҳмонхона номерлари жами 95 та бўлиб, 6 та ярим люкс, икки хоналик 57 та уч хонали эса 37 та хоналардан иборат 2008 йилда

меҳмонхонада 140 киши истиқомат қилган бўлиб, уларнинг барчаси хориж фуқаролари ва банд этиш коэффиценти 100 фоизни ташкил этади. Меҳмонхонанинг мустақил балансида бўлмаган массаж хоналари; кимёвий тозалаш пунктлари меҳмонхонанинг асосий кириш қисмига транспорт воситаларининг тақдим этилиши имконияти ва объект тўғрисидаги реклама махсулотлари бор.

Импорта эвазига 80 фоиз ва маҳаллий ишлаб чиқариш эвазига 20 фоиз асосий фонд жиҳозлар хар-хил асбоб–ускуналар, жиҳозлар ва хўжалик моллари харид этилган бўлиб, хорижий фуқароларни жойлаштириш учун ўртача нарх 30 АҚШ доллар, республика фуқаролари учун 100000 сўмни ташил этади. Объектнинг рентабеллиги 2.8 ни ташкил этади ва меҳмонхонани таъмирлашга ҳожат йўқ.

### **«Шарқ-аслидин» меҳмонхонаси**

Идоравий тааллуқлилиги шаҳар Хоқимлигига қарашли бўлган хусусий оддий меҳмонхона бўлиб, Туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича 2005 йил 5-октябрдаги № 190-05 сонли лицензиясини олган. 2004 йил 6-мартда ишга туширилган.

Меҳмонхонада автоном ҳолда иссиқлик, сув ва электр энергияси таъминоти амалга оширилади.

Меҳмонхона номерлари жами 23 та бўлиб, 10 та ярим люкс , бир хоналик 13 та, хоналардан иборат, меҳмонхонани банд этиш коэффиценти 40 % ни ташкил этади.

Меҳмонхонанинг мустақил балансида бўлмаган бошка умумий овкатлариш шаҳобчалари автомобил тўхташ жойи; транспорт воситасини ижарага бериш; массаж хоналари; кимёвий тозалаш пунктлари мавжуд, шунингдек меҳмонхонанинг асосий кириш қисмига транспорт воситаларининг тақдим этилиши имконияти мавжуд. Импорта эвазига 20 фоиз ва маҳаллий ишлаб чиқариш эвазига 80 фоиз асосий фонд жиҳозлар хар-хил асбоб –ускуналар, жиҳозлар ва хўжалик моллари харид этилган бўлиб,

Хориж фуқароларни жойлаштириш учун ўртача нархи 25 \$ республика фуқаролари жойлаштириш учун 14 000 сўмни ташил этади. Объектнинг рентабеллиги 1.8 ни ташкил этади ва меҳмонхонани таъмирлашга ҳожат йўқ.

### **«Улуғбек» меҳмонхонаси**

Идоравий тааллуқлилиги Термиз шаҳар Хоқимлигига қарашли бўлган хусусий оддий меҳмонхона бўлиб, Туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича 2007 йил 3 февралдаги № 301-07 сонли лицензиясини олган. 2006 йил 11 январда ишга туширилган.

Штатлар сони - жами 8 та шу жумладан: бошқарув аппарати ходимлари 3 та, техник ва хизмат кўрсатиш ходимлар 5 тани ташкил этади.

Меҳмонхонада автоном ҳолда иссиқлик, сув ва электр энергияси таъминоти амалга оширилади.

Меҳмонхона номерлари жами 26 та бўлиб, 6 та апартамент, 6 та люкс, бир хоналик 6 та, икки хоналик эса 8 та хоналардан иборат, 2008 йилда меҳмонхонада 1340 киши истиқомат қилган бўлиб, улардан 360 таси хориж

фуқаролари ва 980 таси эса республика фуқароларини ташкил этиб, меҳмонхонани банд этиш коэффициенти 100 % ни ташкил этади.

Меҳмонхонанинг мустақил балансида бўлмаган транспорт воситасини ижарага бериш мавжуд, импорта эвазига 80 фоиз ва маҳаллий ишлаб чиқариш эвазига 20 фоиз асосий фонд жиҳозлар хар-хил асбоб –ускуналар, жиҳозлар ва хўжалик моллари харид этилган бўлиб, хорижий фуқароларни жойлаштириш учун ўртача нарх 50 АҚШ доллар, республика фуқаролари учун 45 000 сўмни ташкил этади. Объектнинг рентабеллиги 2.9 ни ташкил этади ва меҳмонхонани қисман таъмирлаш керак.

Сурхондарё вилоятида хилма-хил саёҳлик турлари: маданий туризм яъни маданий мерос обидаларга ташриф, фольклор ва номоддий маданий мерос намуналари билан танишиш, зиёратгоҳларга ташриф, экотуризм яъни отда юриш – Шеробод, Бойсун ва Сариосиё ва Узун туманларида, тоғ тизмалари бўйлаб пиёда саёҳат – Сариосиё, Бойсун ва Кўхитанг тоғ тизмалари бўйлаб, кураш ҳамда кўпқари мусобақалари ҳар бир туманда, ов ва балиқ ови туризми Жарқўрғон туманида Оқтепа сув омборида балиқ ови ва Шеробод туманининг Шалқон кўрикхонасида мавсумий ов билан шуғулланиш имконияти мавжуд.

Сурхондарё вилоятида аэропорт инфратузилмаси аҳволи халқаро талаблар даражасида эмас.

Аэропорт учиш-қўниш йўлаги халқаро мақомга жавоб берсада, биноти қайта капитал реконструкцияга муҳтож. Аэропортда ягона ахборот хизмати тизимининг мавжуд эмас. Божхона назорати пунктларининг умумий сони ва уларнинг жиҳозланиши қониқарли даражада бўлсада, Паспорт ва божхона назорати чегара ҳудудида сайёҳлар учун алоҳида (яшил) йўлаклар, сайёҳларга хизмат кўрсатишда транспорт воситаларини тақдим этиш учун аэропорт ҳудудидаги қулайликлар йўқ. Божхона назорати зонасигача бўлган аэропорт ҳудудида сайёҳларни кутиб олиш учун туристик компаниялар масъул ходимларининг рұхсатномалари, ташқи ишлар вазирлигининг консуллик бўлимлари йўқ, аэропорт ҳудудида валюта айрбошлаш шаҳобчаси мавжуд.

Сурхондарё вилоятида ички ва халқаро туризмни ривожлантириш учун мавжуд инфратузилма объектларини замон талаблари даражасида таъмирлаш ва ишга тушириш лозим.

Темир йўл вокзаллари инфратузилмаси аҳволи халқаро талабларга жавоб бермайди. Халқаро мақомга эга Термиз темир йўл вокзали ҳамда 10 та маҳаллий темир йўл вокзаллари мавжуд. Маҳаллий йўналишаги темир йўл вокзалларида жаҳон андозаларига мос туристик хизмат кўрсатиш имкониятлари мавжуд бўлиб фақат хорижий сайёҳлар томонидан дунёга чиқиш ахборот тизимларини ўрнатиш лозим, биргина Термиз шаҳрида божхона ва паспорт назорати пункти мавжуд бўлиб, аҳволи қониқарли даражада.

Темир йўл орқали келаётган сайёҳлар учун чегара ҳудудларида паспорт ва божхона назоратидан ўтишда яратилган қулайликлар яъни

чегара ва божхона назорати пунктлари сони, жиҳозланиши, ахборот хизмати жадваллари, жойларда виза олиш имконияти ва транспорт хизмати кўрсатиш имконияти мавжуд эмас. Темир йул орқали келаётган сайёҳлар учун замонавий жиҳозланган вагонларни ташкиллаштириш ва Туркманистон республикаси чегарасидан ўтиш вақтидаги қийинчиликларни бартараф этиш ҳамда темир йул раҳбарияти томонидан хорижий сайёҳлар замонавий транспортлар тақдим этишни ташкиллаштириш лозим. Темир йул вокзаллари ҳудудидаги валюта айрбошлаш шаҳобчалари мавжуд бўлсада божхона назорати зонасигача бўлган темир йул вокзали ҳудудида сайёҳларни кутиб олиш учун туристик компаниялар масъул ходимларининг рухсатномалари мавжуд эмас.

**Сурхондарё вилоятида Давлат чегарасидан ўтиш пунктлари инфратузилмаси аҳволи қуйидагича:**

Халқаро мақомга эга Давлат чегарасидан ўтиш пункти Айритом ҳудудида мавжуд бўлиб, Афғонистон ва бошқа давлатлар сайёҳларининг келишини ташкиллаштириш лозим. Бунинг учун эса Давлат чегараларини кесиб ўтиш пунктларидаги жаҳон андозаларига мос туристик хизмат кўрсатиш имкониятларини вужудга келтириш лозим. Божхона ва паспорт назорати пунктлари ва уларнинг жиҳозланиши қониқарли даражада. Сайёҳларни кутиб олиш учун транспорт воситаларини тақдим этишда Давлат чегараларини кесиб ўтиш пунктларигача бўлган ҳудудаги қулайликларни яратиш лозим. Давлат чегараларини кесиб ўтиш пунктлари орқали келаётган сайёҳлар учун чегара ҳудудларида паспорт ва божхона назоратидан ўтишда яратилган қулайликлар яъни чегара ва божхона назорати пунктлари сони, жиҳозланиши, ахборот хизмати жадваллари, жойларда виза олиш имконияти ва транспорт хизмати кўрсатиш имконияти мавжуд эмас. Бундан ташқари Давлат чегараларини кесиб ўтиш пунктлари ҳудудида жойлашга транзит заллардаги хизмат кўрсатиш турлари мавжуд эмас, валюта айрибошлаш шаҳобчаси мавжуд.

**Сурхондарё вилоятида реклама таъминоти ва ёдгорлик буюмлари махсулотларини ишлаб чиқариш аҳволи қуйидагича:**

Вилоятда йил давомида реклама махсулотларини ишлаб чиқариш учун ажратиладиган маблағ, унинг молиявий таъминоти мавжуд эмас фақатгина вилоят сайёҳлик ва экскурсия бюроси томонидан буклетлар рус ва инглиз тилларида ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарилаётган реклама махсулотларида ягона миллий «UZBEKISTAN» туристик брендидан фойдаланилмайди. Ҳудудда тарихий обидалар ва археологик қазилмалар реклама махсулотлари сифатида халқаро кургазма ва ярмаркаларда намойиш этиш учун тақдим этиш лозим. Вилоят Сайёҳлик ва Экскурсия бюроси ва “Меридиан-Отел”, «Улуғбек» меҳмонхоналари Тошкент халқаро туристик ярмарка ишида қатнашишади холос. Минтаканинг махсус веб-сайтида миллий «UZBEKISTAN» туристик бренди мавжуд эмас. Вилоятда биргина Шеробод кулолчилик ишлаб чиқариш корхонаси амалий санъат намуналари (ёдгорликлар, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, каштачилик,

попопчилик ва бошқалар) буюмларини ишлаб чиқаради. Фақат Ҳаким Ат Термизий мажмуасида ёдгорлик дўкони мавжуд.

### **Сайёҳларга медицина хизмати кўрсатилиши ва хавфсизликнинг таъминланиши аҳволи.**

Тоғлик худудлар, сув ҳавзалари, миллий боғлар ва табиий кўриқхоналарда назорат-қутқарув хизматларининг мавжуд, мураккаб туристик йўналишлар бўйлаб инструкторлар йўқ ва сайёҳлар суғурта қилинмайди.

Медицина пунктлари:

- меҳмонхона хужаликларида;
- асосий туристик йўналиш ва трассаларда мавжуд.

Автотранспорт воситалари биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун керакли дори-дармон ва жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, туристик хизмат кўрсатиш объектлари ва воситаларида ёнғин хавфзилигига карши чоралар:

- а) автотранспорт;
- б) меҳмонхона;
- в) ташриф буюриш жойлари;
- г) ресторанлар ва бошқаларда мавжуд.

### **Сурхондарё вилоятида хорижий сайёҳлар учун ишлаб чиқилган маданий туризм йўналишлари мавжуд бўлиб бу йўналишлар қуйидагилар:**

**Биринчи йўналиш:** Термиз (“Меридиан” меҳмонхонасидан) – Султон-Саодат мажмуаси - Кокилдор ота хонақоси - Қирқ қиз саройи – Фаёзтепа буддавийлик ёдгорлиги – Эски Термиз ёдгорликлари – Ҳаким ат-Термизий мақбараси - Зурмала минораси - Термиз (“Меридиан” меҳмонхонасига).

Ушбу йўналиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши лозим:

#### **1. Термиз туманидаги Қирқ қиз саройи**

- Археологик тадқиқотларни олиб бориш ( шурфлар, қазув ва қидирув ишлари);
- Меъморий обида ва унинг атрофи топографик тархини (топопланини) тузиш;
- Гидрогеологик ва муҳандислик –геологик тадқиқотларини ўтказиш;
- Ёдгорликнинг хозирги кун ҳолати бўйича эрозия ва емирилиш сабаблари, сахни оид муҳандислик тадқиқотлар ўтказиш (пойдеворни ва унинг хусусиятларини ўрганиш, қурилиш хом-ашёлари таркиби бўйича хулосалар - ғишт, пахса, лой);
- Аини пайтгача ёдгорликда ўтказилган таъмирлаш, сақлаш ва илмий изланишлар натижаларига оид тарихий, архив ва библиографик маълумотларни тўплаш;
- Ёдгорликнинг емирилиш ва бузилиши даражасини аниқлаш учун теодолит ёрдамида тархини тузиб чиқиш;
- Емирилиш, бузилиш ва йиқилиб тушган қисмларини таъмирлаш бўйича лойиҳа хужжатларини тайёрлаш;
- Меъморий обида куббалари, томларида таъмирлаш ва сақлаш,



гидроизоляция ва атрофдаги сизот сувларни қочириш билан боғлиқ ишлар лойихасини тайёрлаш ва бажариш режалари ишлаб чиқиш.

**2. Кокилдор ота меъморий ёдгорлиги.** Йирик пештоқли икки қаватли маҳобатли меъморий обида. Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан тўлиқ таъмирлаш ишлари олиб борилган. Хонақоҳга унинг номи ва санаси 3 тилда (ўзбек, инглиз ва рус тилларида) ёзилган ёднома тахтасини ўрнатиш.

**3. Султон -Саодат мақбаралар мажмуаси.** Мақбара асосини 70 метрли айвон атрофида қурилган иншоотлар ташкил этади. Ғарбий тарафдан йирик пештоқли икки мақбара (XI-XII асрлар), шимоли ва жанубий қанотларидаги (XIII-X асрлар) бунёд этилган мақбаралар ва унинг шарқий тарафи (XVI-XVII асрлар) барпо қилинган хонақоҳ ва дарвозахоналардан иборат. Термиз шаҳрининг юбилейи муносабати билан Султон-Саодат мажмуининг асосий қисмларида таъмирлаш ишлари ўтказилган. Ёдгорликнинг асосий кириш қисмида мажмуа тарихи ва таърифи тушилган 3 тилда (Ўзбек, инглиз ва рус тилларида) ёднома тахтасини ўрнатиш. Сувенир, буклетлар асори-атиқа ва яхна ичимликлар савдосини ташкил қилиш. Санитария ва гигиена талабларга жавоб берадиган тахоратхона, хожатхона қуриш.

**4. Фаёзтепа буддавийлик ибодатхонаси.** Милодий I асрда бунёд этилган Ўрта Осиёдаги энг қадимги буддавийлик ибодатхонаси. XX асрнинг 60-70 йилларида ва 2002-2006 йилларда амалга оширилган археологик тадқиқотлар туфайли бу ибодатхонадан юксак дид билан яратилган хайкалтарошлик, деворий суратлар, қадимги ёзув намуналари, куплаб тангалар топилган. Япония ва Европа мамлакатлари сайёҳларнинг бу обидага бўлган қизиқиши кундан –кунга ошиб бормоқда. 2003-2006 йилларда Фаёзтепада таъмирлаш ва сақлаш ишлари олиб борилиб унинг яқинидан ибодатхона тарихидан ҳикоя қилувчи музей ЮНЕСКО кумагида қурилган. Фаёзтепа ёдгорлигидан топилган санъат намуналаридан нусха-сувенирлар тайёрлаб сайёҳларга сотишни ташкил қилиш ва ибодатхона тарихига оид бир неча тилда буклет, йўлқўрсаткичлар тайёрлаб сотишни йўлга қўйиш лозим.

**5. Эски Термиз VI-V-XVIII асргача мавжуд бўлган қадимий шаҳар.** Хозирда Эски Термиз ҳудудида ўзбек-француз, ўзбек –япон археологик гуруҳлари кенг куламадаги қазув-қидирув ишларини олиб бормоқдалар. Чегара ҳудудидаги Қоратепа буддавийлик ибодатхонаси чегара иқсмидан ташқаридаги шаҳар истехкомлари сақланиб қолган. Эски Термиз ҳудудини «Очиқ осмон остидаги музей»га айлантириш мақсадга мувофиқдир. Шу боис «Қўрғон-кўшк», шаҳар маҳалла масжиди кулол усталар маҳаллаларини шаҳар қадимий қатламларига зарар етказмасдан тиклаш лозим. Эски Термиз ҳудудига кутарилаётган сизот сувларни қочириш мақсадида мавжуд завурни кайтадан қазиб чиқиш мақсадга мувофиқ..

**6. Ҳаким ат-Термизий мақбараси.** Мақбара IX асрда ислом дунёсида муҳим ўрин тутган Мовороуннаҳр тасаввуф таълимотининг дастлабки вакили, ислом дини пешвоси Ҳаким ат-Термизий қабри атрофида шаклланган. Мақбара, узининг базатилишида қўлланган нақшлар, аллома қабри устига ўрнатилган мрамор сағана тоши билан мусулмон дунёсидаги ноёб

ёдгорликлар сирасига киради. 2006-2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилоят ҳокимиятининг махсус ишлаб чиқилган лойиҳа асосида ҳамкорликда олиб борган сақлаш, тиклаш, таъмирлаш ва кенг куламда олиб борилган ва ҳозиргача давом этаётган ободонлаштириш ишларининг амалга оширилиши ўз навбатида зиёратчи ва сайёҳларнинг бу обидага бўлган ташрифини янада кўпайтирди. Мақбарани зиёратгоҳ ва саёҳатбоб иншоотга айлантириш учун:

- Ҳаким ат-Термизий мақбарасига бағишланган бир неча тилдаги рангли буклет нашр қилиш;
- Ҳаким ат-Термизий ҳаёт йўли, дунёвий ва диний бисоти битилган рангли рисола ни нашрдан чиқариш;
- Ҳаким ат-Термизий ҳаёти, алломанинг дунёвий-диний меросига ва ислом дунёсида тутган ўрнига бағишланган юбилейини нишонлаш.
- Ҳаким ат-Термизий мақбараси атрофида археологик тадқиқотлар жараёнида очилган горсимон иншоотларни тарихи тузилиб уларнинг ёнида изоҳ матнли тахталар ўрнатиш;
- Емирилиб кетиш олдини олиш мақсадида сақлаш ишларини бажариш лозим.

**7. Зурмала» буддавийлик иншооти (ступа).** Зурмала - Ўрта Осиёдаги мавжуд буддавийлик иншоотларининг энг маҳобатлиси. Ёдгорликни халқаро сайёҳлик талабларига мос ҳолда намоёниш этиш учун ёдгорлик ва унинг атрофида қуйидаги ишларни бажариш лозим:

- Катта Ўзбек трактидан Зурмала ёдгорлигига қадар (Термиз тумани ҳокимияти билан келишилган ҳолда) йўловчилар транспортига мўлжалланган йўл қуриш ;
- Археологик тадқиқотлар ўтказиш;
- Ёдгорликни емирилишидан сақлаб қолиш мақсадида унда лойиҳа асосида сақлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш.

Биринчи йўналиш бўйлаб бажариладиган ишларга кетадиган ўртача сарф-харажатлар Сурхондарё вилояти маданий объектларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш инспекцияси маълумотига кўра:

- Қирқ қиз саройига – 500 миллион сўм;
- Зурмала минораси – 200 миллион сўм;
- Ҳаким ат-Термизий мақбараси- 300 млн.сум;
- Султон-Саодат ансамбли – 100 млн. сум.

**Иккинчи йўналиш (Термиз – Денов йўналиши):** Термиз (“Меридиан” меҳмонхонасидан) - Жарқўрғон минораси - Македон кўприги - Далварзинтепа археология ёдгорлиги - Термиз (“Меридиан” меҳмонхонасига).

**1. Жарқўрғон минораси** – муҳофаза ҳудудини аниқлаш, атрофидаги ноқонуний қурилмаларни кўчириш, йўллари таъмирлаш (масъул ташкилотлар - туман ҳокимияти, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш вилоят инспекцияси, туман кадастр хизмати, туман йўл қурилиши

бўлими). Бажариладиган ишлар учун кетадиган тахминий сарф-харажатлар 150млн.сўм.

**2. Македон кўприги** - мухофаза ҳудудини аниқлаш, атрофидаги ноқонуний қурилмаларни кўчириш, йўллари таъмирлаш (масъул ташкилотлар - туман ҳокимияти, маданий мерос объектларини мухофаза қилиш вилоят инспекцияси, туман кадастр хизмати, туман йўл қурилиши бўлими). Бажариладиган ишлар учун кетадиган тахминий сарф-харажатлар 5млн.сўм.

**3. Далварзин тепа** - археологик тадқиқотлар, қазилмалар жараёнида очилган ҳудудларни талаб даражасига етказиб қўйиш, обида қошидаги музейни янги экспонатлар билан бойитиш, йўллари таъмирлаш лозим. Бажариладиган ишлар учун кетадиган тахминий сарф-харажатлар 3 млн сўм.

**Учинчи йўналиш (Термиз- Бойсун йўналиши):** Термиз (“Меридиан” меҳмонхонасидан - Музработ туманидаги Кампиртепа археологик ёдгорлиги - Шеробод туманидаги Жаркутон-Бўстон археологик ёдгорликлари ва археология музейи - Термиз (“Меридиан” меҳмонхонасига).

**1. Кампир тепа** археологик ёдгорлиги - сайёҳлар учун қисқа муддатли дам олиш жойини, яхна ичимликлар сотишни ташкил қилиш, ёдгорлик тарихига, археологик казув ишлари натижаларига оид кургазма ташкил қилиш, ёдгорликка олиб борувчи йулларни таъмирлаш лозим. Бажариладиган ишлар учун кетадиган тахминий сарф-харажатлар тахминан 10 млн.сўм.

## **2. Жаркутон-Бўстон ( музей), Абу Исо ат-Термизий мақбараси.**

Сайёҳлар учун ( салқин ичимликлар ва қисқа муддатли дам олиш жойини ташкил қилиш, ёдгорлик тарихи ва археологик тадқиқотлар натижаларига оид кургазма ташкил қилиш, ёдгорликка олиб борувчи йулларни таъмирлаш, Жарқўтон-Бўстон ёдгорлиги ҳудудида Маданий мерос объектларини сақлаш Қонунига зид равишда фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик экинлари билан эгалланган ҳудудларни қайтариб олиш лозим Бажариладиган ишлар учун кетадиган тахминий сарф-харажатлар тахминан 10 млн. сўм.

**Тўртинчи йўналиш (Бойсун–Тешик тош ғори):** Термиз (“Меридиан” меҳмонхонасидан) - Бойсун тумани маркази - Тешик тош ғори - Термиз (“Меридиан” меҳмонхонаси”).

Туман марказида замонавий талаблар асосида қурилган сайёҳлар базасини (турбаза) ташкил қилиш. Тешиктош ғори яқинидаги сой бўйида маҳаллий шароитдан келиб чиқиб сайёҳлар учун дам олиш масканини яратиш (масъул ташкилот - Бойсун туман ҳокимияти). Бажариладиган ишлар учун кетадиган тахминий сарф-харажатлар 15-20 млн. сўм.

Сурхондарё вилоятида Марказий Осиёда ягона бўлган **Термиз археология музейи мавжуд бўлиб қуйида унинг тематик-экспозицияси келтирилган:**

Қулай иқлим шароит ва мутлақо унумдор ерлар унинг Сурхондарё вилоятида қадимги одамлар томонидан жуда эрта ўзлаштириши, сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг интенсив равишда ривожланиши, шаҳар ва қишлоқларнинг юзага келиши ва юксалиши учун кенг имкониятлар яратади.

Вилоятдаги қадимги одамларнинг дастлабки манзилгоҳлари турли ёввойи хайвонлар ва ёввойи ўсимликлар билан қопланган тоғ ўрмонларида, Бойсун тоғларидан оқиб тушувчи дарё этакларининг бўйларидан пайдо бўлди. Уларнинг ичида энг қадимгилари сифатида ўрта ва юқори палеолит даврига мансуб (100-12 минг йил ав.) Тешиктош ва Мачай ғорлари ҳисобланади. Тешиктош ғоридан неандерталь боланинг суяклари топилган бўлиб, ушбу кашфиёт Ўрта Осиё ҳудуди ҳозирги одамларнинг шаклланиш минтақаларидан бири бўлган деган илмий хулосага олиб келди. Кўхитанг тоғларида аниқланган Зараутсой қоятош расмлари эса мезолит ёки неолит (12-5 минг йил ав.) даврига бориб тақалади. Зараутсойдаги унча катта бўлмаган ғор шифтлари ва деворларида 200 дан ортиқ расмлар аниқланган бўлиб, улар оҳра бўёғи ёрдамида ғор деворларида катта маҳорат билан тасвирланган. Расмларнинг асосий қисми ёввойи ҳўкизларни сеҳр-жоду йўли билан овлаш манзарасини акс эттиради. Эрамизга қадар II-минг йилликнинг I-ярмида Ўзбекистон жанубида Шимолий Афғонистондан ўтrockлашган қабилалар деҳқончилик анъаналарини ўзида ифода этган Шарқ маданиятини олиб киради. Улар Кўхитанг ва Бойсун тоғ олди ҳудудларини ўзлаштириб, Сополлитепа, Жарқўтон, Молалитепа сингари муҳим аҳоли манзилгоҳларига асос соладилар. Ушбу даврга хос хусусият сифатида оддий хом ғишт қўлланилган ва манументаль архитектура (ибодатхона, сарой) мураккаб иншоотлар ва истехкомларни қуриш, примитив усулдаги сунъий суғориш, уй хайвонларини сақлаш, ҳунармандчиликнинг ривожланиши (металл ва сопол буюмларидан фойдаланиш) ҳамда санъатнинг пайдо бўлиши сингари тараққиёт босқичларини кўрсатиш мумкин. Ўрта Осиёда эрамизга қадар I-минг йилликнинг биринчи ярим илк темир асри ва давлат шаклидаги йирик бирлашмаларнинг юзага келиши билан характерланади. Ушбу жараён Шимолий Бактрия ҳудудида жойлашган Сурхондарё вилоятига ҳам тўла тааллуқлидир.

Эрамизга қадар 539-330 йилларда Ўрта Осиё, шу жумладан Бактрия сатраплик ҳуқуқи билан Ахмонийлар империяси таркибига кирган. Кейинчалик у (Эр.ав. 329-327й.) Македонмялик Искандар томонидан босиб олинади. Эрамизга қадар 306-йилда унинг тузган давлати парчаланиб кетгач, Александр Селевка давлати таркибига киради.

Эрамизга қадар III-аср ўрталарида бактриядаги Салавкийлар сатрапи Диадот фанда Юнон-Бактрия деб ном олган мустақил давлат тузади ва ўзини подшо деб эълон қилади. Унинг давлати эрамизга қадар II асрнинг ўрталарига қадар яшаб турди.

Ушбу даврда Ўрта Осиёнинг моддий ва маънавий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатган эллинизм сиёсати кенг ёйилади.

Эрамизга қадар II-аср ўрталарида саклар зарбаси остида Юнон-Бақтрия подшолиги қулайди, кейинчалик эса юечжи-тохарлар босқини туфайли бутунлай парчаланиб кетади. Юечжи-тохарларнинг Кушонлар қабиласидан бўлмиш Куджула Кадфиз эрамизнинг I асрини биринчи ярмида буюк Кушонлар империясини тузади.

Шимолий Бақтрия ҳам кушонлар империяси таркибига киритилиб, шимолий-ғарбий чегарасидан кириб келадиган тоғ йўлида кўчманчилар хужумидан сақланиш учун Темир дарвоза ва қудратли муҳофаа истеҳкомлари қурилади.

Кушон подшолиги ҳукмронлиги даврида Сурхондарё тарихи ҳаётининг барча соҳаларида тараққиётнинг юксалганлиги билан характерланади. Жумладан, Шарқ ва ғарб халқлари ўртасида маънавий ва маданий қадриятларнинг ўзаро алмашинувида муҳим роль ўйнаган Буюк Ипак йўлининг икки асосий йўналиши кушонлар давлати ҳудудидан ўтган.

Сурхондарё вилояти ҳудудидаги Кушонлар даврига оид археологик ёдгорликлар ниҳоятда кўп ва хилма-хилдир.

Далварзинтепа ва Холчаёнда ўтказилган қазилмалар кушонлар шаҳри юксак маданият ўчоқлари бўлганлигини кўрсатади. Бу даврда хунармандчилик ва қишлоқ ҳўжалигининг интенсив равишда ривожланиши, товар-пул муносабатларининг ўсиши архитектура, монументал ҳайкалтарошлик ва рассомчилик, коропластика ва глиптика санъатининг юксалиши кузатилади. Кушон шаҳарлари шунингдек, йирик тарғибот марказлари ҳам бўлган. Айритом, Далварзинтепа ва Кўҳна Термиздан топилган Будда ибодатхоналари ва ступалар, Бақтрия-Тохаристон маданияти эллинистик ва хиндбуддавийлик маданиятининг кучли таъсири остида маҳаллий бақтрияга хос тарзда шаклланади.

Сурхондарё вилоятининг ҳозирги ҳудуди эрамизнинг III-IV асрларида Кушонлар давлати парчаланиб кетгач, дастлаб хионийлар, сўнгра эса эфталийлар давлати таркибига киради.

Илк ўрта асрларда (эр. V-VIII аср) вилоят ҳудуди кўпгина мулкликлардан иборат йирик тарихий-маданий минтақа ҳисобланган Тохаристон таркибида бўлган. Улардан иккитаси: Термизшоҳлар ва Чағаниёнлик хидаватлар турк ёбгуларининг ҳукмронлигига бўйсунганлар.

667-йилда араблар Чағаниён ва Термизга биринчи маротаба хужум уюштириб, VIII асрнинг иккинчи ярмидагина тўлиқ босиб олишга эришдилар.

Шу вақтдан эътиборан Тохаристон Аббосийлар халифалиги остига ўтади.

XI аср бошларида Сомонийлар давлати парчаланиб кетгач, Чағаниён ва Термизнинг келиб чиқиши турклардан бўлган ғазнавийлар ва Қорахонийлар ўртасидаги кураш майдонига айланди. 1008-йилдаги Балх ёнидаги жангдан сўнг, Махмуд ғазнавий Қорахонийлар қўшинларини тор-мор этади ва Термиз ғазнавийлар давлатига қўшиб олинади. Чағаниён эса Қорахонийлар ҳукмронлиги остида қолади.

XI асрнинг ўрталарига келиб бу икки ҳудуд Салжукийлар давлати таъсирига тушади ва XII асрнинг иккинчи ярмига қадар уларнинг истилоси остида бўлади.

XII асрнинг иккинчи ярмидан эса Чағаниён ва Термиз вақти-вақти билан қорлуқлар, қорахонийлар ва ғурийлар кўлига ўтиб туради. 1206 йилда Чағаниён ва Термиз Хоразмшоҳлар давлатига қўшиб олинади.

1220 йилда Термиз Чингизхон босқинчилигидаги мўғил қўшинлари томонидан босиб олинади. Вайрон этиб ташланган Термиз шаҳрининг қайтадан тикланиши XIV-асрнинг бошларига тўғри келиб, ҳозирги Термизнинг шимолий томонидаги Сурхондарёнинг қуйи оқимида содир бўлади. XIV асрнинг эллагинчи йиллари охирида мўғуллар давлатининг Чигатой улуси инкирозга юз тутгач, Термиздаги ҳокимият маҳаллий руҳоний феодаллар-саййидлар кўлига ўтади. Сўнгра Ўзбекистон жанубидаги ерлар Амир Темур давлати таркибига киради. Унинг вафотидан сўнг Термизни Амир Темур набираси Халил Султон, 1409 йилдан эса ўғли Шохрух бошқаради.

XV асрнинг иккинчи ярмига келиб, маркази Ҳисорда бўлган Темурийларнинг Ҳисор вилояти таъсири кучаяди.

1504-1505 йилларда Чағаниён ва Термиз Шайбонийхон босқинчилигидаги кўчманчи ўзбеклар томонидан босиб олинади.

Сафавийлар билан бўлган жангда Шайбонийхон вафотидан сўнг Термиз қисқа вақт Темурий Бобур томонидан эгалланади. 1512 йилда Бобур қўшинларининг хайдаб чиқарилиши туфайли Термиз ва Чағаниён яна Шайбонийлар ихтиёрига, 1598 йилда 1747 йилгача эса Ўрта Осиёда мустақкам ўрнашиб олган янги ўзбек сулоласи-жонийлар кўлига ўтади. Ушбу даврда Чағаниён ўзбек беклари томонидан бошқарилган Ҳисор вилояти таркибига кирсада, амалда марказий ҳокимиятдан мустақил сиёсат юритиб келган.

XIX-XX аср бошларида Сурхондарё вилояти Бухоро амирлигининг таркибий қисми эди. Унинг ҳудудида эса бир неча бекликлар мавжуд эди.

1894 йилда Амударё бўйлаб, шу жумладан ҳозирги Термиз ҳудудида русларнинг чегара божхона назорати ўрнатилади.

Термиз шаҳрининг муҳим стратегик жойлашувини ҳисобга олган рус харбийлари томонидан шаҳарда доимий гарнизонга эга бўлган қалъа курилади. Термизга Россиядан аста-секин харбий қўшинлар ва кўчманчилар кела бошлади.

1898 йилда эса Бухора махсус ҳужжат билан қалъа атрофидаги ерларни қурилиш иншоатларни ва турар-жой бинолари учун рус харбийлари ихтиёрига топширилади ва бу ерда кўп ўтмасдан шаҳар ахамиятига эга бўлган аҳоли манзилгоҳи пайдо бўлади.

Шўролар ҳукумати ўрнатилгач ва 1924 йилдаги миллий чегараланишдан сўнг, вилоят Ўзбекистон таркибига киради. 1925 йилда эса Сурхондарё округи тузилади. 1941 йил 6 мартда эса маъмурий маркази Термиз бўлган Сурхондарё вилояти ташкил топади.

1991 йил 1 сентябрда мустақиллик эълон қилгач, Сурхондарё вилояти Ўзбекистон Республикасининг ажралмас ва таркибий қисмидир.

Музейда сақланаётган дурдона буюмлар:

- Тош қуроллар 10 дона Эр.авв. 100-40 минг йилликлар. Тешиктош ғори
- Тош қуроллар 10 дона Эр.авв. 40-12 минг йилликлар. Мачай.
- Одамнинг шаклланиш тарихини кўрсатувчи стенд 5 дона Тош даври палеолит (қадимги тош асри)
- Тош омуш 1 дона. Энеолит эр.ав. 6-4 минг йилликлар. Жийда булоқсой.
- Сопол вазалар 8-10 дона. Бронза. Эр.ав. XV-XIV асрлар. Жарқўтон, Сополли.
- Сопол чойнак 2 дона. Эр.ав. XV-X асрлар. Жарқўтон,
- Хурмача 6-8 дона. Эр.ав. XV-X асрлар. Жарқўтон,
- Бронза михлар 2 дона. Эр.ав. XVII-XV асрлар. Жарқўтон,
- Палахмон тошлар 4 дона. Эр.ав. XV-X асрлар. Жарқўтон,
- Мухр 1 дона Эр. ав. XV-X асрлар. Жарқўтон.
- Пештоқ бўлаги 2-3 дона
- Пештоқ бўлаги
- Пештоқ бўлаги
- Бақимон сопол идишлар 2 дона ил. ав. VII-V асрлар. Кучуктепа

Сурхондарё вилоятида халқаро туризмнинг ривожланиш кўрсаткичларига эътибор берадиган бўлсак хорижий 2006 йилда республикамизга ташриф буюрган хориж сайёҳларининг 4.3 фоизи вилоятга ташриф буюрганлигини кўришимиз мумкин. Қуйида келтирилган жадвал орқали 2004-2008 йилларда Сурхондарё вилоятига ташриф буюрган хорижий сайёҳлар уларнинг мақсадига кўра ташрифларини таҳлил этишимиз мумкин.

### Мақсадига кўра Сурхондарё вилоятига 2004-2008 йилларда ташриф буюрган хорижий фуқаролар

*3.3.1-жадвал*

Келишдан мақсад	2004		2005		2006		2007		2008	
	сони	ўзгар иш %	сони	ўзгар иш %	сони	ўзгар иш %	сони	ўзгар иш %	сони	ўзгар иш %
1. Ишбилармонлик туризми (хизмат ишлари билан) 6 ойдан кўп муддатга	1621	129,3	2011	124,1	4089	203,3	2028	49,6	3623	178,6
2. Ишбилармонлик туризми (хизмат ишлари билан) 6 ойдан кам муддатга	889	208,7	2254	253,5	1023	45,4	3528	344,9	359	10,2
3. Хусусий саёҳатлар	53	182,8	65	122,6	49	75,4	58	118,4	48	82,8
4. Сайёҳлик визаси билан	8	160,0	11	137,5	9	81,8	13	144,4	18	138,5
<b>5. Жами</b>	<b>2571</b>	<b>150,0</b>	<b>4341</b>	<b>168,8</b>	<b>5170</b>	<b>119,1</b>	<b>5627</b>	<b>108,8</b>	<b>4048</b>	<b>71,9</b>
6. бошқалар	1825	744,9	1115	61,1	4027	361,2	5137	127,6	4397	85,6
<b>Ҳаммаси</b>	<b>6967</b>	<b>189,7</b>	<b>9797</b>	<b>140,6</b>	<b>14367</b>	<b>146,6</b>	<b>16391</b>	<b>114,1</b>	<b>12493</b>	<b>76,2</b>

Сурхондарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари

Жадвалдан кўриниб турибдики, халқаро туризм ташрифлари 2004 йилдан 2007 йилгача ўртача 15.5 фоиз ошиб борганлигини кўришимиз мумкин. 2008 йилда ўсиш суръати 2007 йилга нисбатан 24 фоизга яқин камайганлигини кўришимиз мумкин. Хусусий сайёҳлар ва сайёҳлик визаси билан ташриф буюрган сайёҳлар сони бармоқ билан санарли даражада эканлигини кўришимиз мумкин. Бу эса вилоятда сайёҳлик фирмаларининг фаолияти яхши йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда.

2006 йилда вилоятга ташриф буюрган хорижий сайёҳларнинг сони республикага ташриф буюрган хорижий сайёҳларнинг 4.3 фоизини ташкил этди. Вилоятнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланилса ва ташриф буюрувчиларга етарли шароитлар яратиб берилса ушбу кўрсаткичларнинг бир неча ўн баробарга ошириш имконияти мавжуд.

Туризм ривожланган етакчи мамлакатлардан ташриф буюрган хорижий сайёҳларнинг улуш қуйидаги жадвалда келтирилган.

### **Сурхондарё вилоятига хорижий фуқароларнинг 2004-2008 йиллардаги ташрифи киши**

*3.3.2-жадвал*

№	Мамлакат	2004 й		2005 й		2006 й		2007 й		2008 й	
		Сони	%	сони	%	Сони	%	сони	%	сони	%
1	Япония	9	0.11	6	0.06	4	0.027	7	0.04	8	0.06
2	Хитой	13	0.18	16	0.16	12	0.083	19	0.11	22	0.18
3	Франция	1	0.01	2	0.02	4	0.027	5	0.03	4	0.03
4	Италия	8	0.10	6	0.06	5	0.034	4	0.02	8	0.06
5	Германия	1203	17.3	1542	15.75	1446	10.06	3742	22.8	1555	12.4
6	бошқалар	5733	82.3	8225	83.95	12896	89.76	12614	76.9	10896	87.2
	<b>Жами</b>	<b>6967</b>	<b>100</b>	<b>9797</b>	<b>100</b>	<b>14367</b>	<b>100</b>	<b>16391</b>	<b>100</b>	<b>12493</b>	<b>100</b>

Жадвалга эътибор берадиган бўлсак, мамлакатимизга тушриф буюраётган халқаро сайёҳлар таркибида Германиядан ташриф буюрган сайёҳларнинг ўртача 15 фоизни ташкил этишини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат Германия билан ҳамкорлик муносабатлари яхши йўлга қўйилганлигини кўрсатмоқда. Айниқса Термиз шаҳрида қиймати 25 млн АҚШ долларига тенг бўлган 4 юлдузли халқаро талабларга жавоб бердиган Меридиан отел меҳмонхонаси немис ишбилармонлари билан биргаликда ишга туширилганлиги муносабатлар ривожланиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Яқин кўшнилариимиз Афғонистон ва Тожикистон республикаларидан ҳам ташриф буюрувчиларнинг сезиларли салмоққа эга эканлигини таъкидлаш лозим.

Сурхондарё вилоятидаги меҳмонхоналарда 637 та ўринлар мавжуд бўлиб, тўлиқ юкланиш билан ишлайдиган бўлса бир йилда 232 мингдан ортиқ сайёҳларга хизмат кўрсатишлари мумкин.

Меҳмонхоналарнинг ўртача юкланиш коэффиценти, хорижий ва республикамиз фуқаролари учун ўртача нархлари қуйидаги жадвалда келтирилган.



## 2003-2008 йилларда Меҳмонхона хўжаликлари фондлари ҳолати

3.3.3-жадвал

Кўрсаткичлар	Мери-диан	Ассон	Улуғ-бек	Сурхон	Акмал Холис	Термиз	Шарк
Номер/ўринлар сони	82	85	26	95	60	31	63
Номер/ўринлар сони (офислар учун)	82	85	26	95	60	31	63
юкланиш коэффициенти, %	2003	56		95			
	2004			95			
	2005			95	60	20	63
	2006	84	85		95	60	63
	2007	88	85	60	95	60	63
	2008	82	85	60	95	60	63
2009 йил 1 январ ҳолатига нархи (ҚҚС билан) жумладан:	60	28	30	30			
<b>Ўзбекистон республикаси фуқаролари учун</b>							
1 номер/ўрин сўм	30	15	15	20	15	15	15
1 номер/ 2 ўрин сўм	72	29	30	25	25	26	29
<b>МДХ фуқаролари учун</b>							
1 номер/ўрин сўм	40	21	18	23	16	16	16
1 номер/ 2 ўрин сўм	85,8	43,2	36,6	46,1	28,8	28,8	30
<b>Хорижий фуқаролар учун</b>							
1 номер/ўрин сўм	86	21	18	23	16	16	16
1 номер/ 2 ўрин сўм	172,8	43,2	36,6	46,1	28,8	28,8	30
Ходимлар сони	25	15	9	25	14	24	12

Жадвалга эътибор берадиган бўлсак, Меридиан ва Сурхон меҳмонхоналари юкланиш коэффициенти бошқа меҳмонхоналарга нисбатан юқорлигига гувоҳ бўламиз. Немис фуқаролари доимий равишда имкон қадар ушбу меҳмонхоналарда тўхташларини эътироф этишимиз мумкин.

Меҳмонхоналарда хорижий сайёҳлардан ташқари республикаимиз фуқаролари ҳам истиқомат қилишади. Масалан Меридиан отел меҳмонхонасида 2008 йилда 2180 киши истиқомат қилган бўлиб, улардан 950 таси хорижий фуқаролар ва қолган 1230 киши республикаимиз фуқароларидир.

Ушбу меҳмонхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичларига эътибор берадиган бўлсак, Меридиан отел меҳмонхонасида 2008 йилда 90600 минг сўмлик соф фойда яъни 2007 йилга нисбатан деярли икки баробарга ортганлигини кўришимиз мумкин. Сурхон меҳмонхонасида эса 2008 йилда 92900 минг сўмлик соф фойда олинган бўлиб, 2007 йилга нисбатан деярли 4 баробар кам натижага эришилганлигини кўришимиз мумкин.

### Меҳмонхоналар фаолияти иқтисодий кўрсаткичлари (минг сўм)

3.3.4-жадвал

Меҳмонхона	2007 йил	2008 йил
------------	----------	----------

	Даромад	харажат	баланс фойдаси	соф фойда	даромад	харажат	баланс фойдаси	соф фойда
Меридиан	376671	283871	74380	47000	400100	387112	1290920	90600
Сурхон	1298480	1298480	418590	339781	1014390	1014390	131130	92900
<b>Жами</b>	<b>1675151</b>	<b>1582351</b>	<b>492970</b>	<b>386781</b>	<b>1414490</b>	<b>1401502</b>	<b>1422050</b>	<b>183500</b>

Сурхондарё вилоятидаги сайёҳлик фирмалари фаолияти иқтисодий кўрсаткичларига эътибор берадиган бўлсак, 2007-2008 йилларда тадқиқи этилган 6 та фирма томонидан 2007 йилда 20345 минг сўм ва 2008 йилда 25970 минг сўмлик сайёҳлик хизматларидан тушумларга эришилган бу ҳар бир фирмага ўртача 3390 минг сўм ва 4328 минг сўмдан тўғри келмоқда. Бу кўрсаткичлар республика кўрсаткичлари билан таққослаганда жуда кам эканлигини кўришимиз мумкин.

### Сурхондарё вилоятидаги сайёҳлик фирмалари фаолияти иқтисодий кўрсаткичлари

3.3.5-жадвал

№		2007 й	2008 й	
1	Тадқиқ этилган сайёҳлик фирмалари	6	6	
2	Ходимлар сони, жами	18	19	
3	Ташкил этилган турлар, бирлик	7	7	
4	Хизмат кўрсатилган сайёҳлар, киши	18	18	
5	Сайёҳлик хизматларидан тушган тушум, минг сўм	жами, минг сўм	20345	25970
		бир фирмага	1813	2104
		бир ходимга	194,2	201,5
6	Хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва бошқалар учун ҳуқуқий рухсатнома олишга харажатлар, минг сўм	жами, минг сўм	16274	20776
		бир фирмага	1450	1683
7	Молиявий фаолият натижаси, минг сўм	жами, минг сўм	20345	25970
		бир фирмага	1813	2104

Сурхондарё вилоятида санаторияларда даволанувчи ва дам олувчилар сони 2004 йилдан бошлаб ҳар йили ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга санаторияларнинг хизматлар даражаси ҳозирги кун талабларига жавоб бераётганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Ушбу санаторияларда шарт-шароитлар ва қўшимча хизмат кўрсатиш даражасини кескин яхшилаш талаб этилади.

### Сурхондарё вилоятидаги санаторияларида даволанувчи ва дам олувчилар сони

3.3.6-жадвал

Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008
Сони, минг	1204	1248	1348	1488	1591
Ўзгариш, %	102,3	103,5	104,1	104	103,4
Юкланиш коэффиценти, фоизда					

Вилоятда Ўрта осиеда ягона бўлган Археология музейи ва Ўлкашунослик музейи мавжуд бўлиб, ушбу музейларга сўнгги йилларда

ташрифлар йил сайин ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. 2008 йилда ушбу музейларга 104 мингдан ортиқ киши ташриф буюрди.

3.3.7-жадвал

Музей номи	2004 й			2007 й			2008 й		
	жами, минг киши	улардан		жами, минг киши	улардан		жами, минг киши	улардан	
		якка ҳолда	экскур- сантлар		якка ҳолда	экскур- сантлар		якка ҳолда	экскур- сантлар
Термиз археология музейи	38530	19225	19305	40487	25508	14979	54264	25508	28756
Ўлкашунос- лик музейи	34259	10832	23427	35297	13100	22197	50446	13100	37346
<b>Жами</b>	<b>72789</b>	<b>30057</b>	<b>42732</b>	<b>75785</b>	<b>38608</b>	<b>37177</b>	<b>104710</b>	<b>38608</b>	<b>66102</b>

Юқоридаги маълумотларга асосланиб Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш учун бой ресурслар мавжудлиги ва ушбу ресурслардан самарали фойдаланиш вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшишини айтишимиз мумкин.

#### 4. Ўзбекистонда халқаро туризм ривожланишининг истиқболлари

Мамлакатларда халқаро туризмни ривожлантиришда ҳар бир давлатнинг ўзига хос томонларини унинг бошқалардан ажратиб турадиган томонларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Республикамиз эга бўлган кучли жиҳатлар Ўзбекистоннинг янги турмахсулот билан жаҳон бозорига тезроқ чиқишига ёрдам бериши мумкин. Фақат Ўзбекистонга хос бўлган ютуқли томонлар қуйидагилар:

- Ўзбекистоннинг Европа ва Осиё йўллари чорраҳасидаги стратегик кулай ўрни;
- яхши халқаро ҳаво алоқаси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК хизмат кўрсатишининг нисбатан юқори даражаси;
- Бухоро, Самарқанд, Хивадаги яхши сақланган архитектура ёдгорликлари, бу шаҳарларнинг дунёдаги энг муҳим тарихий-маданий ёдгорликлар рўйхатига киритилиши;
- Бухоро ва Самарқанднинг хорижий меҳмонларга маълумлиги;
- Ўзбекистон Саудия Арабистони, Исроил ва Россиянинг кўплаб фуқароларининг тарихий ватани ҳисобланиши;
- бу ерда буддизм ва исломнинг муҳим муқаддас жойлари сақланиб қолганлиги.

Юқоридагиларнинг ривожланишига етарли эътибор қилинса, Ўзбекистон туризм саноатида тез ўсишга эришиш и мумкин.

Республиканинг халқаро туризм бозорига чиқишида турли мамлакатлардаги республикамиз расмий ваколатхоналарининг ўрни бекиёсдир. Ушбу ваколатхоналар мамлакатимизнинг туристик

имкониятларини реклама қилган ҳолда турли халқаро семинарларда иштирок этиб уларда «Ўзбектуризм» МК вакили сифатида мамлакатимизга туристлар келишининг кўпайишига ёрдам бермоқдалар.

Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан Буюк Британиянинг Кембриж шаҳрида ўтказилган кўргазма «Ўзбектуризм» МК Буюк Британиядаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси томонидан ташкиллаштирилган. 1999 йилнинг октябрида бўлиб ўтган БТТ Бош Ассамблеясининг 12-сессиясида Ўзбекистон БТТнинг Ижроия Кенгаши таркибига киритилди. Бу яна бир бор «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси дунё бозорига чиқиш стратегиясини амалга ошириш бўйича самарали фаолият юритаётганини таъкидлайди. Ўзбекистон БТТ Ижроия Кенгашига жаҳон туризмнинг илғорлари Франция ва Италия билан бирга сайланди. Сессия иши мобайнида «Буюк Ипак йўли» дастурига алоҳида вақт ажратилиб, махсус мажлис ўтказилди.

Мажлисда «Буюк Ипак йўли» журналининг тақдими бўлиб ўтди. Ушбу журнал Ипак йўлида жойлашган 16 давлат олимлари томонидан тайёрланган бўлиб, Ипак йўлида жойлашган давлатларнинг маданияти, тарихи ва туризмнинг ҳозирги аҳволини намойиш қиладиган кўп серияли филм яратиш ҳақида қарор қабул қилинди.

«Ўзбектуризм» МК республика туристик салоҳиятини намойиш қилиш учун катта реклама кампаниясини амалга оширмоқда. «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси доимий равишда Республика туристик марказлари ҳақида ҳикоя қилувчи реклама журналларини чоп этмоқда. Барча рекламалар инглиз ва немис тилларида бўлиб, халқаро ярмарка ва кўргазмаларда тарқатилади.

«Ўзбектуризм» Миллий Компанияси илмий-туристик гуруҳларга мўлжалланган, Ўзбекистон тарихини намойиш қилувчи ахборот тўплами учун материаллар йиғишда давом этмоқда. Тўплам Ўзбекистон ҳудудида топилган янги туризм объектлари — қоялардаги ёзувларга бағишланади ва инглиз тилида чоп этилади. «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг хориждаги ваколатхоналарининг хорижлик журналистлар билан ҳамкорлиги натижасида чет эл радиоларида Ўзбекистоннинг маданияти, тарихи ва қадимий шаҳарларининг туристик салоҳияти ҳақидаги доимий эшиттиришлар бериб борилади. Доимий равишда жаҳоннинг нуфузли газета ва журналларида (Хералд Трибунес, Тимес, Травел Виикли, Нью Маркетс) мақолалар босилмоқда<sup>1</sup>.

Илмий асосланган туризмни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш мақсадида «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси БМТ ва БТТ билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда туризмнинг барқарор ривожланиши» ҳаракат дастурини ишлаб чиқди.

Хорижий туристлар сонини кўпайтириш учун «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси ваколатхоналар тизимини кенгайтириш керак. Ўзбекистонда халқаро туризмнинг «Буюк Ипак йўли» туристик маҳсулоти билан ўзаро

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Халқаро туризм, «Иқтисод ва ҳисобот» жур. Тошкент, № 11 — 12, 1993, 14-6

боғлиқлигини эътиборга олиб, Ипак йўли давлатлари бўйлаб ҳамкорликдаги туристик йўналишлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Республика туристик шаҳарлари орқали транзит халқаро йўналишлар ташкил қилиш лозим.

Ҳозирги кунда саёҳатларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида суғурта хизматларига талаб пайдо бўлмоқда. Шу мақсадда хорижлик ҳамкорлик билан бирга миллий туризмни ривожлантириш, туристларни суғурта қилишнинг хорижий тизимларини ёйиш, туристлар соғлиғини сақлаш ва туристларга хизмат кўрсатувчи масканлар учун санитария нормалари белгиланиши бўйича профилактика чоралари кўрилиши керак. Туристлар сонини ошириш учун виза бериш жараёнини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда асосий шаҳарлар — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғонада эркин иқтисодий туризм ҳудудлари ташкил қилиш жуда истиқболли лойиҳа ҳисобланади. Бундан ташқари туризмни ривожлантириш имконияти яъни туристик ресурслари мавжуд бўлган истиқболли минтақаларни ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Ушбу ҳудудларда ташриф буюрган чет эллик туристлар таклифсиз, бож тўловисиз бир ҳафта мобайнида бу шаҳарларда бўлиш имкониятига эга бўларди. «Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг халқаро туризмдаги ютуқларидан бири Тошкент туризм ярмаркасидир. 1995 йилнинг сентябридан бошлаб ҳар йили «Ипак йўли бўйлаб туризм» Тошкент туризм ярмаркаси ўтказилади. Бу ярмаркада кўплаб машҳур туристик фирмалар иштирок этмоқдалар. 1999 йилда ярмаркада жаҳоннинг 35 мамлакати, шу жумладан халқаро туризмда етакчи бўлган Франция, Италия, Греция, Кипр, Испания, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Миср, Туркия, Япония, Ҳиндистон, Таиланд, Малайзия, Хитой фирмалари иштирок этдилар ва бу Тошкент ярмаркаси халқаро туристик форумлар орасида муносиб жой эгаллаганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида туризм ривожланишининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳозирда туркорхоналарнинг кўпчилиги хорижга жўнатишга эмас, кўпроқ қабул қилишга ихтисослашган. 1998 йилда Ўзбекистонда 731,2 минг туристга хизмат кўрсатилган (бу 1995 йилга нисбатан 2,5 марта кўп), улардан 271,1 мингтаси хорижлик туристлардир. 1998 йилда туристик хизматлар жами 3 653,3 млн сўмни, умумий даромад 544,3 млн сўмни, валюта тушумлари 20980,14 минг АҚШ долларини ташкил қилди. Туристлар оқимининг ўсиши кейинчалик ҳам сақланиб қолади. 2005 йилга келиб Ўзбекистонга келаётган туристлар сони бир миллионга етди<sup>1</sup>.

Вақт ўтиши билан туризм интеграцион жараёнларга кўпроқ ёрдам бера бошлайди. Ҳозирги вақтда Ўрта Осиё давлатлари ташқи бозорларда Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон бўйлаб

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Туризмда — менежмент таълими, «Истеъдод» жур., Тошкент, № 5— 6, 1999, 5-б.

йўналишлардан фойдаланиб, «Буюк Ипак йўли» маркази остидаги турмаҳсулотни сотишлари мумкин. Жаҳон интеграциясининг бошқа шакли туризм соҳасида глобал тизимлардан, масалан, интернетдан фойдаланиш ҳисобланади. Туризм иқтисодий салоҳиятнинг глобаллашувига сабаб бўлади, яъни у нафақат алоҳида давлатга, балки бир минтақадаги қатор давлатнинг макроҳўжалик ривожланишига, ижтимоий-сиёсий ҳолатига таъсир кўрсатади. Афғонистоннинг минтақавий туризмга тортилиши, баъзи экспертларнинг фикрича, бу давлатда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бошқа томондан туризмда хавфсизликка кўпроқ эътибор берилди бошлайди. Мамлакатимиз Президенти томонидан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун аввало у ерда яшаётган халқни кун кечириниш учун иш билан банлигини, муқим даромад топишини таъминлашга эътибор бериш керак дея билдирган фикрларини эътибордан қолдирмаслик лозим. Юқори криминал ва нобарқарор сиёсий ҳолатдаги давлатларга туроператорлар эътибор бермайдилар. БТТнинг «Мак Налти Гуруҳи» халқаро экспертларининг фикрича, Ўрта Осиё минтақасида туризм бозорининг уч сегменти шаклланди:

Ўзбекистонда саёҳатларининг ҳаммасини ўтказувчи туристлар.

Ўзбекистон улар учун Осиё бўйлаб саёҳатларининг бир қисми бўлган туристлар.

Ўзларининг иш бўйича саёҳатларига дам олишни қўшувчи бизнесменлар.

Биринчи категорияга фақат ўзбек турмаҳсулотини сотиб олган ва Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилмоқчи бўлган туристлар киради. Қолган икки категория давлатлараро саёҳат дастури ёки бизнесни бажариш муддатига кўра камроқ вақт ўтказадилар. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон халқаро бозорда қадимда ўзбек шаҳарлари орқали ўтган Буюк Ипак йўлини реклама қилиш орқали туристик турлар сотишни амалга оширмоқда. Оммавий туристик йўналишлар нархи қуйидагича:

Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Урганч — Тошкент 676 АҚШ долл, ва ундан юқори;

Тошкент—Самарқанд —Шаҳрисабз—Бухоро—Урганч — Тошкент 845 ва юқори (20 кишилиқ гуруҳлар учун).

Бундан ташқари, ўзбек туризми янада кўпроқ Европа андозалари ва тенденцияларини ола бошлайди. Бунда у хорижликларни жалб қилувчи шарқона латофатни ҳам сақлаб қолади. Албатта биздаги туризм иқтисодиётининг муаммолари жаҳонниқига ўхшаш бўлади. Масалан, МИЛЛЕР ФРИМАН TRAVEL GROUP томонидан TTG WORLD HOTEL REPORT меҳмонхона саноати тадқиқ қилинди ва қуйидагилар аниқланди:

- меҳмонхоналарга тушаётган солиқ юки ошиб боради ва умумий солиқлардаги туризмнинг улуши 1996 йилдаги 10,4 % дан 2006 йилда 11 % га етади;
- меҳмонхона саноати даромадни ҳисобга олиш усулини ўзгартиради: битта номердан олинандиган даромад эмас, битта меҳмондан олинандиган даромад ҳисобланади;

- Европа отелларидан фақат 30 фоизи меҳмонхона тизимларига тегишли холос.

Яқин ўн йил ичида Ўзбекистондаги кўпгина меҳмонхоналар минтақавий тизимларга бирлаштирилиб трансмилий корпорацияларга айланиши мумкин. Давлатнинг ўзбек туризмини ташвиқот қилишдаги аҳамияти ҳам каттадир. 1996 йилда туризмга ёрдам бериш учун бюджетдан 572 млн доллар ажратган Франция, 78 млн ажратган Испания, 15 млн ажратган АКШ, 27 млн ажратган Ирландия, 5 млн ажратган Хитой, 7 млн ажратган Польша, 520 млн ажратган Туркия, 518 млн ажратган Ҳиндистон бунга мисол бўлади<sup>1</sup>, Мак Налти экспертлар гуруҳи томонидан Ўзбекистон ҳукуматига 2002 йилгача маркетинг тадқиқотлари учун 1,35—1,65 млн долл., миллий инфраструктурани ривожлантиришга 55 млн долл, капитал кўйилмалар йўналтириш маслаҳат берилган эди. Бу 2002 йилга келиб кўшимча 200 млн доллар даромад бериши керак эди.

Ўзбекистон ҳозирда жаҳон туризмида мавжуд бўлган 15 кўринишдаги туризмни тақдим қилиши мумкин. Бундан ташқари туристлар томонидан буюртма қилинган ҳар қандай хизматларни бажариш имкониятларига эга. Ҳар бир туристдан ўрта ҳисобда 1200 доллар тушади.

Мамлакатнинг диққатга сазовор жойлари билан танишувчи ички туризм «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси бўлинмалари томонидан ривожлантирилмоқда. Кўплаб туристлар кўшни Қозоғистон ва Қирғизистонга дам олишга борадилар. Компания томонидан самолёт, автотранспорт ва пойездларда юзга яқин йўналишлар, шу жумладан «Буюк Ипак йўли» халқаро лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган.

Туризм ва авиация бир бутунликнинг икки бўлагидир. Миллий Авиакомпания ва республика ҳукумати Самарқанд, Бухоро ва Урганчдаги аэропортларни реконструкция қилди. Энди улар пойтахтдаги аэропорт каби халқаро авиа йўналишларда ишлашади. Авиа компаниялап томонидан «А-310», «Боинг-767», «RG-85» самолётларининг сотиб олиниши ва Япония, Индонезия, Миср, Францияга янги доимий авиарейсларнинг очилиши билан хорижий туристлар ва валюта оқими кўпайди. Албатта Авиакомпанияда нуқсонлар ҳам мавжуд. Хорижликлар асосан расмиятчиликнинг кўплиги, аэропортда хизмат кўрсатиш даражаси ва ахборотнинг камлигидан норози бўладилар. Иккинчи гигант, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЎК доимо туристларга ички турлар ва МДХ давлатлари — Россия, Беларус ва Украина бўйлаб оммавий йўналишлар бўйича энг яхши поездлар беради. Ўзбекистондаги меҳмонхона сервиси ҳам халқаро андозалар даражасига чиқмоқда. Бу ҳақда республика ҳукумати эски меҳмонхоналарни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ишлари гувоҳлик беради. Муваффақиятли амалга оширилган ҳамкорликдаги лойиҳалар қаторида Ўзбек-Малайзия «Отел Ўзбекистон» ҚК, хитойлик ҳамкорлар билан реконструкция қилинган Фарғонадаги «Зиёрат» меҳмонхонаси.

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Туризм луғати (изоҳли луғат), Т.: ТошДИУ, 2000, 67-б.

Булар қаторида германиялик мутахассислар томонидан амалга оширилган «Шодлик» отелининг реконструкцияси ҳам туради. У кўринишини ҳам, мақомини ҳам, номини ҳам ўзгартирди. Эндиликда «Шодлик Палас» оддий мижозларнинг ҳам, бадавлат мижозларнинг ҳам талабларига тўлиқ жавоб беради. Юздан ортиқ хоналар бизнесмен ёки турист ғарбда ўрганиб қолган барча маиший қулайликларга эга.

Тошкентда яна бир тўрт юлдузли отел қурилиши яқунланди. Амир Темур ва Навоий кўчалари бурчагидага 16 қаватли бинода 250 хона жойлашган. Ташқи томондан бино Европа архитектурасини эслатса, ички хоналар шарқ латофати элементлари билан бойитилган. Айни пайтда ўртача даромадли кишилар учун 2—3 юлдузли меҳмонхоналар қуриш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шундай қилиб, гигант меҳмонхоналарга муносиб рақобатчилар яратилмоқда.

Ўзбекистоннинг турли-туман бўлган туристик маҳсулотлар бозорини шартли равишда 3 та катта гуруҳга ажратиш мумкин:

#### 1. Умумий қизиқиш уйғотувчи бозор.

Ўзбекистонда туризм тарихий ва маданий мерос шаҳарлари таклиф қилувчи маҳсулотга тор фокусланган. Тарихга ва маданиятга қизиқувчи «таътилчилар» кўпинча ўз қизиқишларини анъанавий саноат шакллари, замонавий турмуш тарзи, табиат ва ҳоказоларга кенгайтиришни исташади. Бундан ташқари бозорнинг шундай муҳим сегментлари мавжудки, улар учун табиат бўйлаб саёҳат ёки унинг тарихий жойларга боришга қўшилиши таътилни у ёки бу ерда ўтказиш учун муҳим мотивация ҳисобланади. Ўзбекистонда Чимён, Тошкент ва Фарғона оралиғидаги тоғлар, Шоҳимардон, Зомин миллий боғи ва Зарафшон тоғлари каби табиат инъомларидан кўпроқ фойдаланиб бозорнинг бу сегменти талабларини қондириш имкониятлари мавжуд. Бу минтақалардаги табиат ландшафтларининг жозибасига кейинчалик маҳаллий аҳолининг ҳаёти, уларнинг овқати, маҳаллий бозорлар, анъаналар билан танишиши имкониятларини қўшиш мумкин. Бу эҳтиёжни амалга ошириш учун этнографик музей ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон муносабати билан кўпчилик яхши биладиган пахта ва ипак ишлаб чиқариш ҳам хорижлик туристларда қизиқиш уйғотади.

#### 2. Алоҳида қизиқиш уйғотувчи бозор.

Бу категорияга алоҳида малака талаб қилувчи ва баъзи кишилар шунчалик қизиққанларидан у билан шуғулланиш учун оддий дам олишни йиғиштириб кўядиган фаолият кўринишларини киритамиз. Ўзбекистон учун бундай мисоллар чанғида учиш, туристик поход, отда, ешакда, туяда юриш, археология, экология ва бошқалар бўлади. Ўзбекистонда тоғ туристик йўналишлари (Алом «доираси» — Кўксойдан Чотқолга, Пскент дарасининг Мовий кўлларига саёҳат, анъанавий май Чимён алпиниадалари ва х.к.)дан олинган тажрибаларни йўқотмаслик керак. Ўзларининг махсус қизиқишларига кўра саёҳат қилувчи халқаро туристлар сони кам бўлса ҳам, улар бозорнинг ривожланиши керак бўлган тирқишларини тўлдирадилар. Бу эса уларга рақобатчилар ҳаракати йўналтирилиши мумкинлигини билдиради.



Натижада улар туристларга Ўзбекистонда мавжуд тенгсиз йўналишлар бўлмаган бошқа минтақаларга боришга ундашга йўналтирилган ажойиб қулайликлар таклиф қилишади. Бундай меҳмонлар сони чекланган бўлишига қарамасдан алоҳида қизиқиш бозори Ўзбекистон фойдаланиши зарур бўлган имкониятдир.

### 3. Кенгроқ қизиқишлар бозори.

Махсус қизиқиш ҳосил қилувчи бозордаги янги имкониятлардан фойдаланиш юқори сифатли қулайликлар яратиб ва хизматлар стандартини ошириб, турмаҳсулот олишни осонлаштиришни англатади. Умумий қизиқиш бозорига келганда, умумий туристик йўналишларда «тўхташ керак» бўлган жойларга айланувчи кўплаб янги жозибадор жойлар ташкил қилиш керак. Шунингдек, ҳозирги вақтда кенгроқ таклиф бўлишини чеклаб турган инфраструктуранинг баъзи жиддий муаммоларини ҳал қилиш керак. Иқтисодиётнинг бир соҳаси бўлган миллий туризм олдида Ўзбекистон туризм мажмуасини янада ривожлантириш ва мукамаллаштириш ва уни юқори ривожланган саноат сифатида халқаро туризм тизимига интеграциялаш вазифаси турибди. Бунинг учун иқтисодиётнинг бу соҳасидаги ислохотлар стратегия ва тактикасини доимий равишда ислох қилиб туриш керак:

1. Божхона сиёсатини эркинлаштириш, божхона текширувларида туристларга талабларни камайтириш ва хорижий туристлар ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнини соддалаштириш.

2. Виза ва виза ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларини эркинлаштириш ва виза учун пул тўлашни бекор қилиш, мамлакатни туристлар учун оқилона минимумни (шахсиятни аниқлаш, интерполнинг ахборот қидирув тизимида солиштириш, қурол-яроғ ва наркотик йўқлигини текшириш) қолдирган ҳолда ҳеч қандай виза режимисиз 2—3 ҳафтага очиб қўйиш.

Баъзи давлатларда бир ойгача бўлиш учун виза талаб қилинмайди ёки вақтинчалик визалар берилади. Визаларни расмийлаштиришнинг бундай усули Ўзбекистонга келадиган туристлар сонини ва туристларга хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг бандлик даражасини оширади.

3. Ўзаро манфаатли асосда туристлар алмашиш, амалда ҳеч қандай мажбурият юкламайдиган туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш мумкинлиги ҳақидаги ва Ўзбекистонга, жумладан, хорижий фирмалар ташкил қилиш кўринишида инвестиция киритаётган давлатлар билан давлатлараро алоқаларнинг қулай режими ҳақидаги давлатлараро шартномалар тузиш.

4. Республика туризмнинг халқаро туристик ташкилотлар билан интеграциясини ҳукумат томонидан қўлланиши. Туризмнинг ривожланишида халқлар ўртасида ўзаро тушуниш, мамлакатдаги тинчлик ва сиёсий барқарорлик катта аҳамиятга эга.

5. Хусусий туризм секторининг ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланиши. Давлат томонидан маҳаллий ва хорижий турфирмаларнинг республика инвестицион дастурига қўшилишига ундовчи кредит-пул ва бюджет-солиқ сиёсатининг амалга оширилиши. Чунки бу фирмаларнинг тез

ривожланиши дастурда белгиланган қулай инвестицион иқлим билан белгиланган бўларди, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, мутахассисларни тайёрлаш ва уларни хорижда ўқитиш ҳам давлатнинг вазифасидир.

Бошланғич босқичда «Ўзбектуризм»нинг монопол ҳолатидан туризм ривожланишини тартиблашда фойдаланиш керак. Компаниянинг ҳокимиятидан янги иқтисодий моделни яратишда фойдаланиш керак. Миллий Компания муносиб рақобатлар пайдо бўлиши, уларнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорда рақобат қила олишларига ёрдам бериши керак. «Ўзбектуризм» МК монопол ҳолатидан республикани халқаро ярмаркаларда намоён қилишда ҳам фойдаланиш керак. Аммо яқин келажақда Компаниянинг ҳокимияти бошқа туристик фирмалар ривожланишини рағбатлантириш учун секин-аста камайтирилиши керак.

Ўзбекистонда туризмни тезроқ ривожлантириш учун республика ҳудудида Буюк Ипак йўли шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда туризм бўйича эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилиш зарурияти туғилмоқда. Туристлик ҳудудлар республикага туристлар оқими ва мос равишда валюта тушумини кўпайтиришга имкон яратади. Эркин иқтисодий зоналар Ўзбекистонда ривожланган туризм саноати яратиш учун хорижий ва маҳаллий капитал жалб қилишга ёрдам бериши кутилмоқда.

Доимий равишда туризм бозорларини таҳлил қилиш, янги турмахсулотлар ишлаб чиқиш ва уларнинг асосий истеъмолчиларини ўрганиб бориш керак. Республикага туристлар оқимини кўпайтириш учун туристик хизматлар истеъмолчиларини Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари ва салоҳияти ҳақида хабардор этиш бўйича маркетинг фаолиятини фаоллаштириш, турли йирик халқаро туристик каталогларда иштирок этиш керак. Доимий равишда реклама-ахборот материаллари чиқариш, халқаро туристик форумларда иштирок этиш ва уларни Ўзбекистонда уюштириш керак.

«Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг хориждаги ваколатхоналар тизимини кенгайтириш, ваколатхоналарни тўғридан тўғри ҳаво алоқаси бўлган давлатларда, айниқса, Ўзбекистон туризми учун истиқболли бўлган Франция, Италия, Туркия, Голландия каби давлатларда очиш керак.

Юқорида санаб ўтилган чораларни амалга ошириш Ўзбекистонда хорижий туристларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириши ва уларнинг сонини кўпайтириши керак. Бу чоралар соҳада бозор муносабатларини шакллантириш ва янги турмахсулотлар яратишга ёрдам беради<sup>1</sup>. Туризмнинг миллий иқтисодиётдаги роли ва ўрни Ўзбекистоннинг халқаро туризм ривожланишидаги рақобат устунликлари билан белгиланади. Жаҳон иқтисодиётининг муҳим компоненти бўлмиш халқаро туризм ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос соҳаси ҳисобланади. Бутун дунёда унинг гуркираб ривожланиши бошқа халқлар тарихи, маданияти, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига қизиқишнинг ортиши билан тушунтирилади.

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Менеджмент гостиницы (учебное пособие), Т.: ТашГЭУ, 2000, 71-стр.

Туристтик мажмуа доирасида шахснинг яшаш жойидан қатъий назар ягона бирлик инсониятга тегишлилиги ҳақидаги тушунча жамланади. Халқаро туризмнинг ривожланиши жисмоний, ақлий ривожланиш ва дам олишга сарфланадиган бўш вақтнинг кўпайганлиги билан ҳам тушунтирилади. У жаҳон ишлаб чиқаришининг ривожланиши, меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши, транспорт воситаларининг мукамаллаштирилиши билан боғлиқ. Кўплаб мамлакатлар учун туризм эркин алмаштириладиган валютанинг муҳим манбасига айланди. У савдонинг, саноатнинг алоҳида кўринишлари ва хизматларнинг ривожланиши, аҳолини иш билан таъминлашга ёрдам беради. Туризм Ўзбекистон иқтисодиётининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда халқаро туризмни ривожлантириш ва уни янги босқичларга кўтариш борасида, энг аввало кўҳна маданий ва архитектура ёдгорликларига бой бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби марказлар устида тўхтаб ўтиш зарур. Бу шаҳарларда жаҳон аҳлини ҳайратга солувчи тарих ёдгорликлари мавжуд. Ер юзининг турли мамлакатларида истиқомат қилувчилар бу шаҳарларни ўз кўзлари билан кўриш орзусида яшайдилар. Кўп мамлакатларда Ўзбекистон ана шу шаҳарлари ила машҳурдир. У шаҳарларда қад кўтарган қурилиш санъати хориждан келган туристларни ҳайратга солади. Ўзбекистоннинг ана шундай тарихий шаҳарларини Шарқнинг жавоҳирлари деб аташ мумкин. Шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар бу шаҳарларнинг ажойиб чиройи, уларда яшаган хунармандлар, меъморларнинг ишларига қойил қолганлар.

Самарқанд жаҳоннинг энг кўҳна шаҳарларидан бири. У Бобил, Рим, Афина шаҳарларига тенгдош. Самарқанд ҳақидаги энг дастлабки ахборотлар ерамиздан олдинги ИВ асрга тааллуқлидир. Ўша пайтларда Мароканд номи билан машҳур бўлган бу шаҳар узунлиги 10 километрдан ортиқроқ бўлган кудратли мудофаа деворларига эга эди<sup>1</sup>.

Мураккаб тарихий йўлни босиб ўтган Самарқанд ўз тарихида бир неча марта гуллаб-яшнади ва харобаликка ҳам учради. У жаҳоннинг ҳар бир шаҳри каби жамият тарихий тараққиётининг объектив қонунлари асосида шаҳар сифатида қад кўтарди ва ривожланди.

Самарқанд халқ маданиятининг бебаҳо хазинаси ҳисобланади. Кўп шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар, сайёҳлар уни ҳақли равишда «Жаҳоннинг қимматбаҳо гавҳари», «Шарқ Рими», «Қадимги Шарқ Жаннати» каби сўзлар билан аташган.

Гўзаллиги билан машҳур бўлган Самарқанд ҳақида қадимги Греция тарихчилари, шарқшунослари, солномачилари ажойиб фикрларни билдиришган, жаҳон мамлакатларида сайёҳлар ва олимлар уни халқ даҳоларини асрлар саҳифасига муҳрлаган ажойиб халқ усталарининг, зукко меъморларнинг, бетимсол қурувчиларнинг бадиий ва илмий тафаккур мужассами сифатида тилга олганлар.

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Туроператор менежменти (ўқув қўлланма), Т.: ТошДИУ, 2000, 14-бет.

Самарқанднинг тошдан, ёғочдан бунёд этилган монументал иншоотлари кишиларнинг кўз ўнгида миллий маданиятларнинг ўзига хос томонларини ёрқин, чуқур очган ҳолда бутун гўзаллиги ва назокати билан намоён бўлади. Улуғвор, бетакрор, нодир архитектура иншоотлари бугунги кунгача сақланиб қолган бўлиб, улар оддий кишилар тарихининг ажойиб ижодкорлари қоилари билан бунёд этилгандир. Бу қўли гул усталар асрлар мобайнида ўлмас асарлар яратганларки, улар ҳозир ҳам барчани хайратга солмоқда. Зарб қилиш, заргарлик, шойи тўқиш ва бошқа турли буюмларнинг ажойиб усталари ўчмас из қолдирганлар. Шаҳарда Шарқнинг таниқли олимлари, ёзувчилари, рассомлари яшаганлар ва ижод қилганлар. Самарқанд 1970 йилда ўзининг 2500 йиллигини тантанали равишда байрам қилди.

Самарқанд қадимий тарихий ёдгорликлари туфайли жаҳон тан олган музей-шаҳарга айланди. Шаҳардаги тарихий обидалар Хитой, Ҳиндистон, Греция, Рим, Миср ёдгорликлари каби ўзининг гўзаллиги, жозибаси билан ҳаммани хайратга солади. Ҳар йили дунёнинг турли бурчакларидан келган юз минглаб сайёҳлар улардан завқ олади.

Қадимги меъморлар санъатининг ажойиб намуналари қаторига Шоҳи-Зинда, Гўри Амир мақбараси, Бибихоним жоме масжиди, Регистон майдони архитектура ёдгорликларини, Улуғбек расадхонасини ва бошқаларни киритиш мумкин. Энг мафтункор ва нисбатан яхши сақланган Шоҳи Зинда, яъни «Тирик шоҳ» маъносини билдирган тарихий ансамблнинг нозик ва нафис чизмалари ҳар қандай кишини ром етадиган мақбаралар ва масжидлардан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, Шоҳи Зинда ўз замонасини беаб турган санъат асарининг бебаҳо дурдонасидир. Ҳатто Бибихоним жоме масжиди ҳаробалари, ҳам улуғворлиги билан ажралиб туради. Бу ёдгорликлар кишиларда ўчмас таассурот қолдиради ва ўша давр курилиш техникаси ва архитектураси тўғрисида тасавур беради. Гўри Амир мақбарасининг улуғвор гумбази ўтмиш меъморчилик санъатининг намуналаридан биридир. Шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида бутун дунёга машҳур Улуғбек расадхонаси ҳаробалари бор. Расадхона ўша давр учун мукамал бўлган ускуналар билан жиҳозланган эди. Улардан фақатгина улкан сикстантнинг бир қисми сақланиб қолган холос. Ҳозирда расадхона қайта таъмирланган ва давлат томонидан муҳофаза қилинади. Самарқанд марказида яна бир машҳур меъморий ансамбл — Регистон бор. У Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасаларини бирлаштиради. Улар орасида ўқув юрти сифатида бунёд этилган Улуғбек мадрасаси алоҳида ўрин тутади. Ҳар томонлама моҳияти катта бўлган бу мадрасада маълумотларга кўра улуғ мутафаккир олим, таниқли мунажжим, математик, ўз даврининг кўзга кўринган давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг ўзи дарс берган. Улуғбек хукмронлиги даврида Самарқанд ўрта асрнинг жаҳоншумул марказларидан бирига айланган. Улуғбек атрофида Қозизода Румий, АХ Қушчи ва шу сингари бошқа йирик олим-астрономларни, математикларни бирлаштирган

илмий мактаб яратди<sup>1</sup>. Улуғбек томонидан асос солинган мактабларда диний илмлардан ташқари география, тарих, фалакиёт каби фанлар ҳам ўқитилган. Қомусий олим Улуғбекнинг жаҳон фани ва тараққиётига қўшган ҳиссасини ҳисобга олган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 27-сессияси унинг юбилей-таваллуд топган кунининг 600 йиллигини дунёвий кадриятлар рўйхатига киритиш ва бу санани 1994 йилда бутун дунёда байрам қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу сана сайёрамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам муносиб тарзда нишонланди. Жумладан, Улуғбек шарафига бағишланган тантаналар Парижда ҳам бўлиб ўтди. Бу ерда «Улуғбек ва Буюк Темурийлар даври» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Бу анжуман иштирокчилари Улуғбек йирик олим ва мутафаккир сифатида тарихдан жой олгани, дунё фани ва маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидладилар.

Ушбу тарихий обидаларимиз ҳозирги кунда ҳам ўзининг бетакрор санъати билан бутун дунё туристларини ўзига ром етиб келмоқда. Бу ерга ташриф буюраётган туристлар сони йилдан йилга кўпаймоқда. Агар ўтган йилларда Самарқандга ташриф буюрган туристлар сонини таҳлил қилсак жуда юқори натижаларга эришилаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

«Буюк Ипак йўли»да жойлашган тарихий ва маданий марказлар орасида Бухоро алоҳида аҳамиятга эга. Бухоро ҳам Самарқанд каби кўплаб сайёҳлар эътиборини тортган қадимий архитектура ёдгорликларига бой, тарихий жиҳатдан улкан аҳамиятга эга бўлган шаҳардир. Ўзининг 140 дан ортиқ архитектура ёдгорликлари билан маълум ва машҳур бўлган Бухоро Осиёнинг бошқа ҳар қандай шаҳридан кўра кўпроқ қадимий шарқ шаҳри қиёфасини сақлаб қолган. Бухоро шаҳри Марказий Осиё меъморчилигининг минг йиллик тарихи ва асосий ривожланиш босқичларини ўзида акс еттирган чинакам йилномадир. Шаҳардаги ҳар бир ёдгорлик ўз сукунатида олис ўтмиш сирларини сақлаб қолган. Бу ажойиб шаҳарнинг ёши ўнлаб асрлар билан ўлчанади. 1995 йилда Парижда ЮНЕСКО конференциясининг 28-сессиясида Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигини дунё миқёсида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Шундай қарор Ўзбекистоннинг ажойиб тарихга ега бўлган яна бир кўхна шаҳри — Хива тўғрисида ҳам қабул қилинди. 1997 йил Хива шаҳри ҳам ўзининг 2500 йиллик тўйини ўтказди.

Олис ўтмишда Бухоро ҳудудидан ўша давр учун муҳим бўлган халқаро йўллар, энг аввало «Буюк Ипак йўли» ўтган кенг ривожланган савдо алмашуви Бухоро шаҳри ҳудудларининг ривожланишига имконият яратган. Бухорони ҳақли равишда шараф манзили ва машҳур кишилар тўпланадиган жой деб аташган. Қадимий Бухоронинг зийнати ва нодирлиги унинг бетакрор архитектура ёдгорликларидадир.

Қатор асрлар давомида Бухоро Туркистон шаҳарлари орасида етакчи мавқени эгаллаб келди. Шаҳар ривожланишининг бу даври хунармандчилик,

---

<sup>1</sup> Ташмуродов Т. Туризмда — менежмент таълими, «Истеъдод» жур., Тошкент № 5-6, 1999, 5-6.

савдо-сотик, қурилиш техникаси, фан, адабиёт, санъат тараққиёти билан характерланади. Бу ерда Марказий Осиёнинг таниқли шоирлари Фирдавсий, Рудакий, бутун жаҳонга машхур энциклопедист Абу Али ибн Сино ва бошқалар яшаган ва ижод қилган. Бухоро мусулмон дунёсида алоҳида ўрин эгаллайди. Бухорода маданий ёдгорликлар кўп бўлиб, улар Бухорони музей шаҳар деб аташга ҳуқуқ беради<sup>1</sup>.

Ислом тарихининг ажойиб ёдгорлиги Исмоил Сомоний мақбараси узок йиллар давомида сақланиб, бизнинг кунларгача яхши ҳолда йетиб келди. Унда ўрта аср илк даври меъморчилигининг энг яхши ютуқлари ўз аксини топган. Бу мақбара композициясининг оддийлигига қарамай, архитектура усулларининг ранг-баранглиги билан кишини ҳайратга солади ва ҳақли равишда Шарқ дурдонаси ҳисобланади.

Бухоро шаҳрини Минораи Калонсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ўрта Осиёдаги машхур архитектура ёдгорликлари орасида энг баланди ҳисобланган ва 900 йилдан зиёдроқ илгари қурилган бу минора Бухоро киёфасида алоҳида мавқега эга.

Бухоро шаҳрининг марказий қисмида қадимий қалъа Арк қад кўтарган. У музей шаҳарнинг энг кўҳна архитектура ёдгорлигидир.

Шаҳардаги бошқа ёдгорликлар ҳам катта қизиқиш уйғотади. Тўртта баланд миноралари бўлган Чорминор мадрасаси, йигирмата ёғоч устунли айвони бўлган Болоҳовуз масжиди, Абдулазизхон, Мир-Араб мадрасалари ва бошқалар туристлар диққат-эътиборини ўзига жалб қилади. Ёзги сарой Ситораи Моҳи-Хоса каби мухташам бинони гапириб ўтмаслик мумкин эмас. Тарихий ёдгорликларнинг шохидлик қилишича, бу сарой қурилишида ажойиб маҳаллий ва бошқа жойлардан таклиф етилган Европалик усталарнинг ижодий салоҳиятига уйғунлашиб кетган. Ушбу ёдгорлик жуда мухташам кўкаламзорлаштирилган майдонни эгаллайди. Ситораи Моҳи-Хоса саройидаги кўп иморатлар ичида тантанали қабуллар учун мўлжалланган «Оқ зал» айниқса ажралиб туради.

Асрлар ўтиши билан шаҳарнинг айрим ёдгорликлари вайрона ҳолига келди. Аммо ёдгорликларни яратган қадимги меъморларнинг хунармандчилик санъати яшаб қолаверади. Бухоро вилоятининг маъмурий, иқтисодий маркази Бухорода 240 минг аҳоли яшайди.

Бухорода қатор саноат корхоналари мавжуд. Зардўзлик ва шойи тўқиш хунарлари Бухорони жаҳонга танитган. Моҳир маҳаллий усталар яратган буюмлар — бадий сўзаналар, аёллар кийимлари, турли шойи белбоғлар, зар дўппилар хорижда ҳам машхурдир. Бухоро жаҳоннинг қатор мамлакатларидан Ўзбекистонга келадиган туристларнинг кўпини ўзига жалб қилади. Бу ерга келаётган туристларнинг ўтган йиллардаги ташрифи таҳлил қилинса, мусулмон давлатларидан келаётган туристлар кўпчиликини ташкил этади.

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Туризм иқтисоди (дарслик), Т.: ТМИ, 1999, 201-б.

Замин туристлари диққат-эътиборини ўзига қаратган, ажойиб тарихий обидалар маркази бўлган яна бир шаҳар Хивадир. Шаҳар тўғрисидаги ёзма маълумотлар бизгача тўлиқ етиб келмаган.

XVII аср бошида Хива Хоразм давлатининг пойтахти эди. Кейинчалик бу давлат Хива хонлиги деган номни олди. Хива узоқ йиллар давомида Ислом маданиятининг муҳим марказларидан бири бўлиб келди. Ўша даврларда бу ерда халқ хунармандчилиги кенг ривожланди.

Ичан қалъа шаҳарнинг энг эски қисми бўлиб, тўрт тарафдан қалъа деворлар билан ўралган. Ичан қалъада қадимги меъморчилик учун мос бўлган қатор архитектура ёдгорликлари жойлашган. Бу ёдгорликлар орасида мадрасалар, масжидлар, макбаралар ва ёпиқ бозорлар ўрин тутган.

Дишон қалъада савдогарлар, хунармандлар уйлари, шунингдек, қатор масжид ва мадрасалар қад кўтарган эди.

Хива шаҳри ўртасида кўп устунли Жума масжиди Марказий Осиёнинг энг қадимий иншоотларидан бири ҳисобланади. Хива архитектураси ўз шакли, салобати ва безакларининг нафислиги билан лол қолдиради. Шаҳардаги ёдгорликлар маҳаллий усталар ва умуман Хоразм меъморларининг юксак маҳорати ва муҳандислик ишлари кишини ҳайратга солади. Хивада бор йўғи 48 минг аҳоли яшайди. Шунга қарамай у ўзининг тарихий обидалари билан жаҳонга танилган ва туристлар диққатини ўзига тортган шаҳарлар қаторидан жой олган<sup>1</sup>.

Тошкент, Андижон, Қўқон, Шаҳрисабз, Термиз каби шаҳарларда ҳам ўзига хос тарихий ёдгорликлар мавжуд.

Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келадиган минглаб туристлар учун маршрутлар (йўналишлар) белгиланди. Энг аввало юқорида айтиб ўтилган шаҳарлар эътиборга олиниши лозим.

«Ўзбектуризм» Миллий Компанияси ихтиёрида туристларга хизмат кўрсатадиган қатор ташкилотлар мавжуд.

Бундай ташкилотлар барча вилоятларда туризм билан боғлиқ бўлган фаолият устида иш олиб боради. Бу бўлимларнинг ҳар бири мамлакатдаги ажойиб тарихий обидаларга эга бўлган шаҳарлар, вилоятлар бўйича турли хил маршрутларни белгилаган.

Ўзбекистон мустақилликка эришиш и туфайли республика доирасида ажойиб иншоотлар, маданий дам олиш масканлари, зиёратгоҳлар вужудга келди.

«Ўзбектуризм» Миллий Компанияси томонидан илгари тайёрланган туристик йўналишлар айтиб ўтилган янгиликларни қамраб ола олмаган. Шунга кўра уни қайта кўриб чиқиб, чет эл туристлари диққат-эътиборини ўзига тортадиган янгиликларни маршрутлар рўйхатига киритиш лозим.

Маълумки, туризм йўналишлари турли-туман. Дам олиш куни туризми, ёшлар туризми, мактаб ва болалар туризми, спорт туризми, автотуризм ва бошқа қатор туризм хиллари бўйича маълум ишлар қилиниши лозим.

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Менеджмент гостиницы (учебное пособие), Т.: ТашГЭУ, 2000, 71 стр.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда бокс, ўзбек миллий кураши, теннис бўйича жаҳон миқёсида улкан чемпионатлар ўтказилмоқда, улар қатор хорижий мамлакатлардан кўп туристлар олиб келмоқда. Янги маршрутларни белгилашда булар ҳам эътиборга олинishi лозим.

Туризм бўйича адабиётларнинг, айниқса, ўзбек тилидаги адабиётларнинг ниҳоятда камлиги туризм бўйича қизиқарли ва етарли ахборотлар беришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари туризм борасида статистик маълумотларнинг мутлақо етишмаслигини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Халқаро туризм соҳасининг келажақдаги йўналишларини аниқлашда юқорида айtilганлар эътибордан четда қолмаслиги керак.

Туризм иқтисодиётига компьютер технологиялари катта фойда келтира бошлаган тармоқлардан бирига айланиб қолди. Буларга авиачипталар, бошқа турдаги транспорт воситалари учун чипталар, саёҳатлар ва меҳмонхоналар учун аввалдан буюртма бериб қўйиш тизимлари киради. Бугунги кунда Амаденс, Габриел, Сабре, Ворлд Спар, Аполло ва бошқа энг йирик тизимларнинг Ўзбекистонда ваколатхоналари очилган. Бундан ташқари Интернет — жаҳон ахборот тармоғининг аҳамияти бу соҳада кун сайин ортиб бормоқда. интернет-технологиялар туристик фирмаларга халқаро телефон суҳбатлари ва факс йўллаш учун харажатларни қисқартириш эвазига катта миқдордаги маблағларни тежашда яқиндан ёрдам беради<sup>1</sup>.

Йил сайин авиачипталар ва меҳмонхоналарга аввалдан буюртма бериш тизимидан фойдаланаётган туристик фирмаларининг сони ортиб бормоқда. Бундай тизимлар жаҳоннинг барча меҳмонхоналарида хонага буюртма бериш қисқа вақт давомида иш жойини тарк этмаган ҳолда буюртма бериш шартлари, нархлар, имтиёзлар тўғрисида маълумот олиш имкониятини беради. Авваллари бу ишларни амалга ошириш учун узоқ вақт ва маблағ керак бўларди. Тизимга кирувчи агентликлар ҳозирги кунда ўтган йилги маълумотномалардан эмас, балки энг охириги маълумотлардан фойдаланишади. «Алеан» тизимининг қатнашчилари қимматбаҳо дастурий таъминотни сотиб олишларига ҳожат йўқ, чунки бу тизим Интернет тармоғининг стандарт технологияларига асосланган.

Янги технология туфайли туристик хизматлар бозорини тизимлаштириш жараёни жадал равишда кечмоқда. Ахборот тизимларига мурожаат қилиш қиймати пасайди. Бу ҳодиса 2—3 кишидан иборат туристик агентлигига авваллари фойдаланиш қимматга тушган хизматлардан фойдаланиш имкониятини беради. Бу шуни англатадики, унчалик катта бўлмаган турагентликлар катта ташкилотларга жиддий рақобатни юзага келтириши мумкин. Мисол тариқасида немис фирмаси «ТИСС»ни кўрсатиш мумкин: икки нафар ходимнинг ўзи авиачипталар савдоси билан шуғулланган ҳолда 140 миллион немис маркасига тенг айлангани таъминладилар.

---

<sup>1</sup> Ташмурадов Т. Саёҳатни ташкил қилиш (ўқув қўлланма), Т.: ТДИУ, 2000, 49-б.



## ХУЛОСА

Халқаро туризм — туристларнинг бир давлатдан иккинчи ёки бир неча давлатга бориб келишини ифодалайди, айрим давлатларда фақат туристларнинг келиши ҳисобланса, бошқалари келган ва кетаётган резидентларни ҳам қўшиб ҳисоблайди. Халқаро туристлар давлат учун даромад келтирадиган туристлар ҳисобланади. Туристлар бир давлатдан иккинчи давлатга бориш сони билан ўлчаниб, резидентлар давлат ичидаги саёҳатчилар билан фарқ қилинади. Масалан, халқаро туризмда катнашган туристлар сони бошқа давлатга ўзимиздан кетган туристларга тенг. Халқаро туризм қанча яхши ривожланса шунчалик давлатга кўпроқ валюта тушуми бўлади.

Халқаро туристлар — жаҳон туристик жамиятининг тавсиясига кўра халқаро туристлар сони бошқа давлатлардан келган туристларга бошқа давлатларга борган ўз резидент туристларни қўшиш билан аниқлаш лозим.

2020 йилгача туризмнинг ривожланиш истиқболлари бўйича БСТ прогнозларига эътибор берадиган бўлсак, 1995 йилдан бошлаб 25 йилни ўз ичига олувчи миқдорий прогнозлар бўйича йилига 4.2 фоиз ўсиши тахмин қилинмоқда.

Ўзбекистон ҳозирда жаҳон туризмида мавжуд бўлган 15 кўринишдаги туризмни тақдим қилиши мумкин. Бундан ташқари туристлар томонидан буюртма қилинган ҳар қандай хизматларни бажариш имкониятларига эга. Ҳар бир туристдан ўрта ҳисобда 1200 доллар тушади.

Иқтисодиётнинг бир соҳаси бўлган миллий туризм олдида Ўзбекистон туризм мажмуасини янада ривожлантириш ва мукаммаллаштириш ва уни юқори ривожланган саноат сифатида халқаро туризм тизимига интеграциялаш вазифаси турибди. Бунинг учун иқтисодиётнинг бу соҳасида қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

1. Божхона сиёсатини эркинлаштириш, божхона текширувларида туристларга талабларни камайтириш ва хорижий туристлар ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнини соддалаштириш.

2. Виза ва виза ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларини эркинлаштириш ва виза учун пул тўлашни бекор қилиш, мамлакатни туристлар учун оқилона минимумни (шахсиятни аниқлаш, интерполнинг ахборот қидирув тизимида солиштириш, қурол-яроғ ва наркотик йўқлигини текшириш) қолдирган ҳолда ҳеч қандай виза режимисиз 2—3 ҳафтага очиб қўйиш.

Баъзи давлатларда бир ойгача бўлиш учун виза талаб қилинмайди ёки вақтинчалик визалар берилади. Визаларни расмийлаштиришнинг бундай усули Ўзбекистонга келадиган туристлар сонини ва туристларга хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг бандлик даражасини оширади.

3. Ўзаро манфаатли асосда туристлар алмашиш, амалда ҳеч қандай мажбурият юкламайдиган туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш мумкинлиги ҳақидаги ва Ўзбекистонга, жумладан, хорижий фирмалар ташкил қилиш

кўринишида инвестиция киритаётган давлатлар билан давлатлараро алоқаларнинг қулай режими ҳақидаги давлатлараро шартномалар тузиш.

4. Республика туризмнинг халқаро туристик ташкилотлар билан интеграциясини ҳукумат томонидан қўлланиши. Туризмнинг ривожланишида халқлар ўртасида ўзаро тушуниш, мамлакатдаги тинчлик ва сиёсий барқарорлик катта аҳамиятга эга.

5. Хусусий туризм секторининг ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланиши. Давлат томонидан маҳаллий ва хорижий турфирмаларнинг республика инвестицион дастурига қўшилишига ундовчи кредит-пул ва бюджет-солиқ сиёсатининг амалга оширилиши. Чунки бу фирмаларнинг тез ривожланиши дастурда белгиланган қулай инвестицион иқлим билан белгиланган бўларди, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, мутахассисларни тайёрлаш ва уларни хорижда ўқитиш ҳам давлатнинг вазифасидир.

Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш учун бой ресурслар мавжуд ва ушбу ресурслардан самарали фойдаланиш вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Сурхондарё вилоятида туризм ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар қуйидагилар:

- туристлар ташриф буюрадиган масканларнинг ободонлаштирилмаганлиги;

- ташриф буюриладиган масканларда оддий шарт-шароитларнинг йўқлиги;

- қўшимча хизмат турлари кўрсатадиган шаҳобчаларнинг йўқлиги;

- масканларда санитария-гигиена ҳолатининг ёмонлиги;

- сайёҳлар ташриф буюрадиган жойларда экскурсия хизматлари кўрсатадиган мутахассисларнинг йўқлиги;

- ташриф манзилгоҳларида кириш чипталарининг йўлга қўйилмаганлиги;

- туризмнинг ривожланиш тенденцияларини таққослаш учун статистик маълумотларни олишнинг жуда қийинлиги;

- сайёҳлик фирмаларининг фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги;

- сайёҳларни жалб этиш учун реклама имкониятларидан фойдаланилмаглиги;

- сайёҳлик фирмаларида маршрутлар харитаси, экскурсия дастурларининг сифатли полиграфия хизматларидан фойдаланиб тарқатилмаслиги ва бошқалар.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисидаги қонуни». Халқ сўзи газетаси 14.09.1999.
2. «Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган давлат дастури», Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 15.04.1999 йилдаги ПФ-№2286 фармони.
3. «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 30 июн 1999 йилда ПФ-№2332 фармони.
4. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №346 от 8 августа 1998 года «О совершенствовании организации деятельности туристических организаций».
5. Постановление Кабинета Министров Республики Ўзбекистан от 3.06.1995 г. за №210 «О мерах по созданию современной инфраструктуры международного туризма в Республике Ўзбекистан».
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
7. Указ Президента Республики Узбекистан «Об образовании Национальной компании Узбектуризм» за № УП-447 от 27 июля 1992года.
8. А.Таксанов. “Экономика большого туризма” Т., 2003 г.
9. Абдуллаева Д. «Ресторан фаолиятида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш» магистрлик диссертацияси 2004.
10. Александров А.Ю. Международный туризм. Уч.пособие для вузов.- М.: Аспект Пресс, 2004.
11. Большой Глосарий терминов международного туризма - Биржаков М.Б., Никифров В.И 2002 год.
12. Биржаков.Б. Никифороф В.И. Индустрия туризма: 2003 г
13. Биржаков М.Б. Введение в туризм. С.Пб.: Издательский Торговый Дом «Герда», 2004
14. Введение в гостипремство Учеб пособие - Уокер Д.Р 2002.
15. География международного туризма: Страну СНГ и Балтики. Учеб пособие Гайдукевич Л.М Хомич С.А., Аношко Я.И. 2004.
16. География туризм. Романов А.А. Саакянц Р.Г. Романов А.А. 2003 г.
17. Гостиничное и ресторанное дело туризма: Сборник нормативных документов 2004 г.
18. Дурович А.П. Маркетинг в туризме. Учебное пособие, 2004 г.
19. Жукова М.А. Индустрия туризма: М.: 2003 г
20. Жильцов Е.Ж. Экономика сферы платных услуг. - М.: МГУ, 1996.-204 с
21. Журавель В., Шебалина Н. Паломничество и международный туризм. Сборник докладов и тезисов сообщений научно-практической конференции. Туристические приоритеты «Золотого наследия Руси»

- северо-западное Подмосковье. (Актуальные проблемы туризма). - М.: 1999. - 234 с.
22. Материалы Всемирной конференции по туризму (ВТО). - Мадрид: 1981.-175с.
23. Методические рекомендации (Всемирной туристической организации). «Развитие национальных парков и охраняемых природных территорий в туристических целях». Туризм и окружающая среда ВТО, ЮНЕП. IE/РАС, Серия технических докладов, №13. - 61с.
24. Нарчаев А. «Испанияда халқаро туризмнинг ривожланиши» номзодлик диссертацияси. 2004.
25. Зарубежное туристское страноведение. Романов А.А., М.: 2001 г.
26. Зайцева Н.А. Менеджмент в социально-культурном сервисе и туризме. 2003
27. Индустрия туризма: менеджмент организации. Жукова М.А., М: Финансы и статистика, 2003 г
28. История туризма. Ученое пособие Соколова М.В., М.: 2002 г.
29. Квартальнов В.А. Мировой туризм на пороге 2010 года: прогнозы и реальность. М.: Финансы и статистика.2003.
30. Richter Ch., "Tourisme services", Giarimi O., "The emerging services economy". Pergamon Press., 1987., pp. 216.
31. Развитие индустрии туризма в СССР. Материалы научной конференции. Новосибирск: 1968. стр 4
32. «Россия Федерациясида туризм фаолиятининг асослари тўғрисида»ги қонуни
33. 19 сессия Статкомиссии ООН, 1978, 27 сессия, 1993 г.
34. Туристическая деловая газета. TTG Russia, 1999, №9 стр.17
35. Ташмурадов Т. Экономика международного туризма (учебник), Ташкент, ТашГЭУ; 1995, 83 стр.
36. Ташмурадов Т. Международный туризм: справочник менеджера (учебное пособие). Ташкент, ТашГЭУ, 1993, 84 стр.
37. Ташмурадов Т. Туризм как индустрия отдыха, журнала «Экономика и жизнь», № 3, 1992 г.
38. Tashmuradov T. Perspectives of development of international tourism in Uzbekistan, T. 1995 UN Madrid 156 стр.
39. Tashmuradov T. Perspectives of development of international tourism in Uzbekistan, T. 1995 UN Madrid 156 стр.
40. Ташмурадов Т. Организация международного туризма. В книге: «Рыночная экономика Турции». Ташкент, «Укитувчи» 1993, 387 стр
41. Ташмурадов Т. Что нужно знать бизнесмену (учебное пособие). Ташкент, РФНТИ, 1993.
42. Ташмурадов Т. Создание национальной индустрии туризма. В жур: «Экономика и статистика», №5, 1994.
43. Ташмурадов Т. Турпродукт Узбекистана. В жур: «Экономика и статистика», №1, 1995.
44. Ташмурадов Т. Международный туризм в XXI веке, Египет. Каирский

- Университет. 1996, 9 стр.
45. Ташмурадов Т. Саёҳатни ташкил қилиш (ўқув кўлланма), Т.: ТошДИУ, 2000, 49-б.
  46. Ташмурадов Т. Туроператор менежменти (ўқув кўлланма), Т.: ТошДИУ, 2000, 54-бет.
  47. Ташмурадов Т. Международный туризм (учебное пособие), Т.: ТашГЭУ, 2000, 43 стр.
  48. Ташмурадов Т. Перспективы устойчивого развития туризма. В жур.: «Экономика и статистика», № 2, 1998, 8 стр.
  49. Ташмурадов Т. Создание свободной туристической зоны. В жур.: «Экономика и статистика», Ташкент, 1998, №3, 11 стр.
  50. Ташмурадов Т. Халқаро туризм, «Иқтисод ва ҳисобот» жур. Тошкент, № 11 — 12, 1993, 14-б
  51. Ташмурадов Т. Туризмда — менежмент таълими, «Истеъдод» жур., Тошкент, № 5— 6, 1999, 5-б.
  52. Ташмурадов Т. Туризм луғати (изоҳли луғат), Т.: ТошДИУ, 2000, 67-б.
  53. Ташмурадов Т. Менеджмент гостиницы (учебное пособие), Т.: ТашГЭУ, 2000, 71-стр.
  54. Ташмурадов Т. Менеджмент гостиницы (учебное пособие), Т.: ТашГЭУ, 2000, 71 стр.
  55. Ташмурадов Т. Халқаро туризм иқтисоди (дарслик), Т.: ТошДИУ, 2000-й. 206-бет
  56. Ташмуродов Т. Халқаро туризм. Ўқув кўлланма Т.: “Турон иқбол”, 2007 й, 15 б.
  57. Ташмурадов Т. Экономика международного туризма, Т., ТашИНХ. 1987, 189 стр.
  58. Ташмурадов Т. Экономика международного туризма, Т., ТашГЭУ, 1995, 83 стр.
  59. Ўзбектуризм МК маълумотлар 2005 й.
  60. Ташмурадов Т. Туризм иқтисоди (дарслик), Т.: ТМИ, 1999, 201-6.
  61. Tourism, Crime and International Security Issues / ed. By Abraham Pizam and Yoe / Mans Fold. Chichester; John Wiley Sons, 1996.
  62. Bonifase, Priseilla. Managing Quality Cultural Tourism – London, 1995.
  63. Tourism Development: Principles and Policies – New York: John Wiley Sons Ine. 1996.
  64. Gee Ch. Y., Makens J.C., Chey D. The Travel Industry. 3d. Wdit. - New York John Wiley Sons Ine. 1997.
  65. Setn P.N., Bhat. S. A. An Introduction to Trevel and Tourism.–Delhi: Sterling Publish. Private LTD.,- 1998..
  66. Hospitality, Tourizm and heisure Management: Issues in Streegy and Culture. London, 1997.
  67. Richter Ch., "Tourisme servicies"., Giarimi O., "The emerging services economy". Pergamon Press., 1987., pp. 216.
  68. Tourizm: 2020 vision, Madrid, 1997
  69. Information and Documentation Resource Centres For Tourism.

WTO.2004.

70.55. Trevel Guide Uzbekistan – Tashkent: National Company Uzbekturizm 2003.

71. Tourism and Poverty Alleviation-Recommendations for Action.WTO.2004.

72.Rural Tourism in Europe: Experiences, Development and Perspectives.WTO. 2004.

73. TTG Russia, 1999, №9 67p.17

74. Ўзбекистон республикаси Статистика вазирлиги маълумотлари

75. Сурхондарё вилояти Давлат Статистика бошқармаси маълумотлари

76. Ўзбектуризм миллий компанияси Сурхондарё вилояти сайёҳлик экскурсия бюроси маълумотлари

77. «Ўзбектуризм» МК маълумотлари

Интернет сайтлари.

[www.peugeotufa.ru](http://www.peugeotufa.ru) – цены услуг

[www.unwto.org](http://www.unwto.org)

[www.basheexpo.ru](http://www.basheexpo.ru) – выставки, конференции

[www.interunion.ru](http://www.interunion.ru) – туристские ассоциации

[www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация

[www.wttc.org](http://www.wttc.org) – Всемирный Совет по путешествиям и туризму

[www.tag-group.com](http://www.tag-group.com) – Консультативная группа по вопросам туризма (TAG)

[www.e-tours.ru](http://www.e-tours.ru) – деловые туры, выставки, конференции

[www.travel-library.com](http://www.travel-library.com) – Электронная библиотека путешествий

## Мундарижа

Кириш	3
I боб Туризм ривожланишининг назарий жиҳатлари ва тарихий эволюцияси	
1. Туризм тушунчасининг моҳияти	4
2. Туризмнинг ривожланиш тарихи	14
3. Туризм турлари, гуруҳлари ва асосий йўналишлари	22
II боб Халқаро туризмнинг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари	
1. Халқаро туризмнинг сўнги йилларда ривожланиши	38
2. Халқаро туризмнинг ривожланиш истиқболлари	63
III боб Ўзбекистонда халқаро туризмнинг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари	
1. Ўзбекистонда халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий асослари ва унинг долзарб йўналишлари	66
2. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш босқичлари	75
3. Сурхондарё вилоятида туризм объектлари ва халқаро туристларга туризм хизматини кўрсатиш истиқболлари	80
4. Ўзбекистонда халқаро туризм ривожланишининг истиқболлари	99
Хулоса	113
Фойдаланилган адабиётлар	115





2,119,4,117,6,115,8,113,10,111,12,109,14,107,16,105,18,103,20,101,22,99,24,97,26,95,28,93,30,91,32,89,34,87,36,85,38,83,40,81,42,79,44,77,46,75,48,73,50,71,52,69,54,67,56,65,58,63,60,61

120,1,118,3,116,5,114,7,112,9,110,11,108,13,106,15,104,17,102,19,100,21,98,23,96,25,94,27,92,29,90,31,88,33,86,35,84,37,82,39,80,41,78,43,76,45,74,47,72,49,70,51,68,53,66,55,64,57,62,59